

R 496

313
№ 3

Guliston

2003/3-4





05 / Guliston
2003 / v 3-4


15.12.06. Пунярова
Luff

Наталья МУРАВЬЁВА –
«Аёл ва жамият» институти д

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН

БУЮК КЕЛАЖАК САРИ



* * *

Ўз истиқболини аниқ ва равшан тасаввур этиб, ўзининг тинч ва фаровон турмушини таъминлаш йўлида, жаҳон майдонида ўзига муносиб ўрин эгаллаш йўлида шахдам қадам қўётган халқнинг фарзанди бўлганимиз — барчамиз учун катта бахтидир.

* * *

Турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос мақсадларини уйғунлаштирувчи гоё — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати — барчамиз учун бирдек муқаддас бўлиши шарт.

* * *

Давлатнинг куч-қудрати — аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиши, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўйбега чиқариши, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериши қобилияти билан ўлчанади.

* * *

Фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш гоёат мураккаб вазифа. Айниқса бугунги кунда — мафкуравий курашлар гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги позик, қаттиқ шароитда, таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга.

* * *

Атрофимизда бизга ҳавас билан қарайдиганлар билан бирга, бизга кўзини тикиб турганлар ҳам йўқ эмас. Бундай вазият барчамизни доимо огоҳ, сезgir ва ҳушёр бўлишга, ягона уйимиз, кўргенимиз, муқаддас онамиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлашга даъват этади, фидойиликка chorлайди.

* * *

Биз эл-юртимизнинг гурурини кўтаришимиз, биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, нима учун кимдандир кам бўлишимиз керак, деган гоғларни одамларимиз, аввало, ёшларимизнинг онгига, юрагига синдиришимиз даркор. Ҳар қайси инсон буюк куч соҳибидир. Фақат уни уйғота билиш керак.

* * *

Фақат инглиз тилини ёки бозор иқтисодиёти назариясини билиш билан иш битмайди, аввало,

ҳаётни билиш керак. Ёшларимиз ҳаётнинг ичига кириб бориши керак. Ахир, Ўзбекистоннинг юкени ёшларимиз кўтармаса, ким кўтаради?

* * *

Агар одам ҳаётда яхши из қолдирмоқчи бўлса, жамиятга, юртига наф келтиришни истаса, авваламбор, ўз мустақил фикрига эга бўлиши, соғлом дунёқарашга таяниб яшаши керак.

* * *

Ҳаёт тез суръатлар билан давом этмоқда, унинг талаблари кескин ўсмоқда. Замоннинг бундай шиддатига чидаш, давр талаблари олдида заиф бўлмасдан юрти учун, Ватани учун ўзини аямай меҳнат қиладиган фидойи инсонларгина бугун бу ҳаёт тўфонларига, ҳаёт синновларига бардош бера олиши мумкин.

* * *

Юртимизда, ҳар қайси вилоятда, туман ва жамоада ер ҳақиқий эгасини топса, мулкка, меҳнатга муносабат ўзгарса, деҳқонга хайрихоҳлик, қўллаб-қувватлаш бўлса, юксак ижобий самараларга эришиши мумкин!

* * *

Биз — хусусий мулкнинг миқёси ва улуши уз-дуксиз ўсиб борадиган кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш тарафдоримиз. Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчилиги ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

* * *

Шунга эришиш керакки, Ўзбекистон бозори мамлакатимизда бизнес билан шугулланишга интилаганларнинг барчаси учун энг маъқул ва қулай иқтисодий макон бўлиб қолсин.

* * *

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат. Бу — дунда қилиб айтганда, ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нуسخа кўчирмаган ҳолда, уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришиш. Мамлакатимизда миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланадиган, фаровон турмуш тарзи таъминланадиган демократик ривожланиш йўлини изчил давом эттириш демакдир.



ЭВ № 3

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган.

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Маданият ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир:
Азим СУЮН

Таҳрир хайъати:
Юсуф АБДУЛЛАЕВ,
Бобур АЛИМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ,
Неъматилла ИБРОҲИМОВ,
Жалолбек ЙУЛДОШБЕКОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Абдусайд КҮЧИМОВ,
Отаназар МАТЕКУБОВ,
Муҳаммадjon ОБИДОВ,
Абдулла ОРИПОВ,
Шухрат ОРИФ
(масъул котиб),
Рустам ШОҒУЛОМОВ,
Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Комилжон ЮСУПОВ,
Табысқан ҚАНААТОВ,
Жуманазар ҲУСАНОВ,
Абдуғани ЖУМАЕВ.

Бўлим муҳаррирлари:
Комил ЖОНТОВ,
Баҳром ЖУМАНИЕЗОВ,
Фахриддин ҲАЙИТ.
Саҳифалаш ва дизайн:
Барно МИРОБИДОВА,
Нилуфар МИРЗАЕВА.
Мусаҳҳиж:
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА.
Фотомухбирлар:
Дмитрий КУРЬЯКОВ,
Тургунбек МАҲКАМОВ.

Навбатчи муҳаррир:
М.АБДУЛЛАЕВА.

Босишга 2003 й. 17.04.да топширилди.
Қоғоз бичими 70x108 1/8,
Ҳажми 6,5 босма табак,
Буортма № 4838

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмақонаси.
Таҳририят манзили: 700029, Тошкент,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар:
Қабулхона: 136-56-01
Бош муҳаррир ўринбосари: 133-08-57
Масъул котиб: 133-07-94
Факс: 133-08-57

“ГУЛИСТОН” 3-4/2003

Ушбу сон мазмуни:

Назаркарда **ГОРМ** 4

Зебо МИРЗАЕВА
*Маърифат шўбларидек
уйибсан...* 7

Тўз Буюк ейтимо
ИСО МАСИХ 12

ШУХРАТ
Ўзбекистоннинг сунгги
қушлари 14

ОТ ЙИЛИ
(қисса) 18

 Ҳўжа Иасриддин ўзбек
КИНОсуда 27

«ЛОКАТОРЛИ» ОВЧИ 28

 **ОРИЯТИ
СОТИЛГАН
ЭР** 30

МУҚОВАЛАРАДАГИ
фотосуратлар муаллифи
Дмитрий КУРЬЯКОВ

ЗАРВАРАҚЛАРДА:
Биринчи бет — фотосурат муаллифи
Дмитрий КУРЬЯКОВ
Иккинчи, учинчи бетлар —
фотосуратлар муаллифи
Абдуғани ЖУМАЕВ
Тўртинчи бет — фотосуратлар муаллифи
Дмитрий КУРЬЯКОВ

Одамзот фаолиятининг беҳисоб қирралари моддий тўқ, маънавий бой яшашга, обод ва тинч, покиза ҳахонни, она-Ватанни, ўзи эришган қадриятларини соғлом ҳамда баркамол авлодга мерос қилиб қолдиришга қаратилган.

Моддий тўқлик барча жониворларга ҳос табиий заруриятдир. Бошқача айтганда, кўзга кўринмас микроорганизмлардан то улкан филларгача кун кўриш учун доимо озикланишга мажбур. Бироқ табиат гултожи бўлмиш онгли ва қалбли инсониятнинг моддий эҳтиёжлари минг йиллар давомида урф-одатлар, инончлар, аънанавий тафаккур билан уйғунлашиб кетган.

Биз ҳар куни нон, турли таомлар еймиз, сут-қатиқ ичамиз. Аммо маросимларда ва урф-одатларда моддий неъматлар фақат табиий эҳтиёжни қондириб қолмай, турли тиббий, урфий, маънавий аҳамият касб этади.

Ҳар куни нон синдирамиз. Бу табиий ҳол. Аммо қиз билан йигитни унаштириш ёки аждодларни хотирлаш, тўй маросимларидаги нон синдиришлар эса бутунлай бошқача мазмунга эга. Ота-боболаримиз бундай ҳолатларда синдирилган нон бўлғуси келин-куёвнинг бахтига, аждодлар руҳининг шод бўлишига, тўй нонини еганлар тўйларга етишига илоҳий таъсир кўрсатишига шубҳа қилмаганлар.

Сут ҳақида ҳам қизиқарли этнографик маълумотлар кўп: аждодларимизда биргаликда сут ичиш қариндошлик белгиси ҳисобланган. Бегоналарга сут тутиш уруғ доирасига қабул қилишни аңлатган.

Қадимда бирга овқатланиш маросимий аҳамият касб этиб, таомлар кишиларни ҳар икки дунёда бирлаштириб туришига инонганлар. Бу мулоҳазаларимиз халқимизнинг улуг байрамларидан бири Наврўз таомларининг тарихи, маънавий аҳамиятини



СУМАЛАК СИРИ, ҲАЛИНЧАК ҲАДЯСИ

Чуқурроқ англашга кириш вазифасини ўтар деб уйлаймиз.

Наврўзда байрам муносабати билан пиширилган барча таомлар катта маросимий, эътиқодий аҳамиятга эга. Исломгача бўлган анъанавий тафаккурда ҳам Наврўз арафаси ва байрам кунлари яхши таомлар пиширилиб, кўпчиликка тарқатилса ёки жамоа бўлиб тановул қилинса, аждодлар ва самовий рухларга хуш ёқиши, натижада йил бўйи одамларнинг ризки бут бўлишига ишонилган.

Наврўзни сумалаксиз тасаввур қилиш қийин. У ҳақида ривоятлар кўп. Мавзумиз учун муҳими шундаки, у кўпчилик томонидан пиширилган жамоанинг таоми:

**Дошқозонда сумалак,
Кавламаган армонда.
Бир-бирининг кўнглини
Овламаган армонда.**

Кўшиқда тилга олинган дошқозон ҳам қадимда кишиларни ҳамжиҳат қилувчи магик қудратга эга деб билинган. Одат бўйича, сумалакнинг будғойи, уни ҳатто ўтини ҳам кўпчиликнинг уйдан ёки кўпчиликка тегишли жойдан олиниши керак.

Наврўзда тайёрланиши, киши организмга фойдалиги жиҳатидан сумалакка етadи-ган таом йўқ. У тузсиз. Шифокорлар бежиз тузли таомларни камроқ ейишни тавсия этмайдилар. Аммо маросимий вазифаси ва аҳамиятига кўра сумалакка ўхшаш таом бор. Уни халқимиз йилгўжа дейди. Гўжани йилнинг истаган вақтида пишириш мумкин. Аммо йилгўжа номи фақат Наврўз таомига тааллуқли:

**Наврўз келди бу кеча,
Пиширинг Наврўз гўжа.**

Байрам куни кечаси ҳар бир оила гўжа пишириб, маълум бир жойга ўрнатилган дошқозонга келтириб қуйган. Қозон тўлиши «қозон тўлди» деб юритилган ва ундаги таом шу йили ҳосил мўл, одамлар серфарзанд, аҳил бўлишига магик таъсир кўрсатишига ишонганлар. Шу сабабли ҳам тўлган қозондаги гўжани серфарзанд бир момо навбат билан каттаю кичикка тарқатган.

Байрамлар ўйин-кулгусиз бўлмайди. Наврўз таомлари каби байрам пайтидаги ўйинлар, мусобақаларнинг ҳам маъноси оддий кўнгилхушликлардан анча теран ва жозибали.

Баҳор байрамларида от мусобақалари, хотин-қизларнинг майсалар устидан сакрашлари, аргимчоқ учишлари қадимдан жаҳон халқлари ўртасида кенг тарқалган. Аргимчоқ, яъни халқимиз тилида ҳалинчак учиш ҳам байрамнинг таркибий қисми бўлган. Кўпгина халқлар, жумладан, туркийлар ҳам кўжда турналарнинг аргимчоқ бўлиб учишларини яхшиликка таъбир қилади. Наврўзда қизлар, келинчақлар, ёш жувонлар аргимчоқ учганлар:

**Узун-узун аргамчи,
Кўкка етар, ёр-ёр.
Келинчакнинг сеплари,
Юртга етар, ёр-ёр.**

Ҳалинчакнинг кўкка етиши қадимий инончларга кўра, инсоннинг ҳомий рухлар маконига

кўтарилиши ифодасидир.

Байрам пайти ҳалинчак учиш ҳосилнинг мўл бўлиши, аёлларнинг серфарзандлигига ижобий таъсир кўрсатишига ишонганлар. Масалан, Европа мамлакатларида ҳам аргимчоқлар қанча баланд кўтарилса, шу йили ҳосил шунча баланд, келинлар шунча серфарзанд бўлади, деб билганлар.

Ҳалинчаклар сермева тут ёки удумий аҳамиятга эга бўлган тол, қайрағоқ ёғочларига солилганки, бу ҳам қадимий инончлар билан боғлиқ:

**Тол ёғочга ип солиб,
Учган синглим, ёр-ёр.
Ҳовлингизга ой бўлиб
Тушган синглим, ёр-ёр.**

Ҳеч қачон қуриб қолган дарахтда ҳалинчак учмаганлар. Сабаби анъанавий дунёқарашда табиат ва инсон уйғун тушунилган. Инсон табиатга, табиат инсонга сеҳрли таъсир қилади, деб инонишган:

**Ҳалинчак уч, Хадича,
Сен бўласан келинчак.
Эрта-индин уйингда
Толдан бўлар беланчак.**

Бундан аввалги мисолимиздаги ҳалинчак солинган тол билан толдан ясалган беланчак ўртасида, таъбир жоиз бўлса, мустаҳкам генетик алоқадорлик бор. Қўшиқдан аён бўлиб турибдики, ҳалинчак, келинчак, беланчак (тол ва чақалоқ) халқ тафаккурида эгизак тушунчалардир.

Хулоса қилиб айтганда, Наврўз таомлари, шодиёнаси, ўйинлари халқнинг мўл ҳосил, фаровон турмуш, серфарзанд оила ҳақидаги анъанавий қарашларини ифодалаб, миллий-маънавий қадриятларимизнинг таркибий қисмини ташкил этади.

**Асқар МУСАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори**



Фотосуратлар муаллифи Бобурбек ТОЛИБОВ





АЗАРКАРДА

ЗОДМ

Хар бир даврнинг ўз руҳи бор. Бу руҳ ҳаётӣ ислохотлар жараёнида, кишиларнинг орзу-интилишларида намоён бўлади. Эзгу мақсадларга эришиш учун, энг аввало, миллат тафаккурини ўзгартириш, унинг бунёдкор кудратига рағбат бериш лозим. Шундагина жамият қиёфаси, мавжуд қарашлари мезонлар янгиланади.

Мустақиллик халқимизга ана шундай буюк кудрат ҳада этди. Бугун ватаннинг қайси бир гўшасида бўлманг, яратувчанлик шавқи билан яшаётган одамларга дуч келасиз. Уларнинг фикр-ўйи, тафаккури тамоман янги. Ғайрати тоғларни йиққудек инсонлар билан суҳбатлашиб, уларни чин маънода янги замон одамлари дегингиз келади.

Сиз ҳеч Кувада бўлганмисиз? Бормаган бўлсангиз, бориб кўринг. Нимани дейсизми?

Озодлик шукҳини. Одамзотнинг бунёдкор кудратини... Сезиб турибман, юзингизга табассум югурди. Журналист-да, кўшиб-чатиб ёзади демокисиз... Лоф деб уйламанг-у, ёзаётганларим ҳақиқатнинг айнан ўзи. Бундан тўрт-беш йил аввал Кувада бўлганлар шаҳарнинг бугунги қиёфаси олдида ёқа ушлаётганлиги ҳам рост. Нимасини айтасиз, ҳаммаси истиқлол туфайли. Одамлардаги ғайрат-шижоатнинг асоси ҳам шу.

Ҳа, айнан истиқлол Қуванинг тарихий нуфузини тиклаб, уни ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлантирди. Шаҳар миллий давлатчилик тарихимизда муҳим ўрин тутганлиги бугун ҳеч ким учун янгиллик эмас. Қадимий Кубо тепа­лиги, унга ёндош бўлган 26 та тепалик

ҳам тарихий ҳақиқатнинг гувоҳидир. Бу тепаликлар қаърида ўтмишнинг қанчадан-қанча хотиралари яшириниб ётган бўлса, ажабмас. Шаҳар тарихига оид маълумотлар бизгача жуда кам етиб келган. Тарихчи Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», баъзи араб, ғарб олим ва сайёҳларнинг асарларида қадимий Кубо тавсифини учратиш мумкин. 1956 йилда академик Яҳё Фуломов шаҳар тепаликларида археологик қазишма ишларини олиб борган. Заҳмат­каш олим харобалар орасидан будда ибодатхонаси ва ҳайкалини топишга муваф­фақ бўлган. Кейинчалик (1960 йилдан сўнг) археологик изланишлар асосида равишда тўхтаб қолган. Олима В.Булатова ўзининг «Қадимий Кува» («Древняя Кува») асарида мазкур тадқиқотлар хусусида тўхталиб ўтади.

Мустабид тузум таъйиқи туфайли шаҳар харобалари остидаги тарих эътиборсиз қолиб келди. Истиқлол йилларидагина Қуванинг тарихий нуфузини тиклашга астойдил киришилди. 1998 йилда фалақийёт илмининг султони Аҳмад ал-Фаргонийнинг 1200 йиллик юбилеи жаҳон миқёсида нишонланди. Ана шу муносабат билан буюк олимнинг ватани — Кувада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шаҳарда кўркам хивбон ва алломанинг улуғвор ҳайкали бунёд этилди. Археолог олим Тему­р Ширинов раҳбарлигида олиб борилган изланишлар натижасида 5 мингдан ортқ осори­атика топилди. Юбилейга тараддуд доира­сида Юртбошимиз Кувага икки бор таш­риф буюриб, олиб борилётган ишлар билан яқиндан танишган ва қимматли мас­лаҳатлар берган эдилар. Маънавий сал­оҳиятимиз намойиши бўлган ушбу меъморий мажмуа бугун хорижий



сайёҳлару зиёратчилар билан гавжум. Археологик тадқиқотлар изчиллик билан олиб борилмоқда.

Шахарни кезаркансиз, унда тарихий улугворлик билан янги замон руҳи уйғунлашиб кетгандек туюлади. Ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида, далаларда иш жуда кизгин. Туманда айни вақтда 183 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Кейинги йилларда фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Хориж сармоясини асосида талай қўшма корхоналар ташкил этилди.

Бугунги кунда туманда бир йиллик саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 12-14 миллиард сўмни ташкил этмоқда. «Кувадон» ҳиссадорлик жамияти, Кува тўқимачилик мажмуи, Қандолат ишлаб чиқариш корхонаси, Мевани қайта ишлаш заводи, «Ахрор» кичик корхонаси каби меҳнат жамоаларида иш замонавий асосда олиб борилмоқда. Яқинда «Куватекстиль» мажмуида янги тўқув цехи ишга туширилди. Бу 400га яқин йигит-қизнинг иш билан таъминланишига имконият яратди. Эндиликда оддий ўзбек хонадонининг фарзандлари АҚШ, Германия каби илгор мамлакатлар технологиялари билан «тиллашмоқда». Кува пахта қайта ишлаш заводида тайёрланаётган хомашё хорижий юртларга экспорт қилинмоқда. «Кувамебель» ҳиссадорлик жамиятининг бежирим маҳсулотлари халқаро танловларда муваффақиятли катнашиб, Мексика, Испания каби мамлакатларда олтин медаль билан тақдирлангани кимни қувонтирмайди дейсиз! Ҳозирда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғасига эга бўлган маҳсулотлар Кувадан тўғридан-тўғри жаҳон бозорига йўл олмақда. Истиқлолнинг шарофати эмасми бу!

Деҳқончиликда ўзига хос мактаб яратган туман миришкорлари меҳнат ортидан барака топаётир. Ўтган йилда туман бўйича ҳар бир гектар ердан салкам 51 центнердан галла етиштирилди. Бу вилоятда энг катта кўрсаткичдир. Қатор ҳўжалиқларда ва фермер уюшмаларида гектардан 65-80 центнердан дон йиғиб олинди. Давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режаси ҳам вилоятда биринчилардан бўлиб бажарилди. 9700 гектар ерга чигит қадаган туман пахтакорлари ҳар гектар ердан 32 центнердан хирмон кўтариб, давлатга 31600 тоннадан ортиқ пахта топширдилар. Буларнинг барчаси ёзин-қийин тиним билмай қилинган меҳнат ҳосиласидир.

Кувани «гулзорлар шаҳри» ҳам дейишарди. Сафар давомида бу таъриф нечоғлик ҳақиқат эканига амин бўлдим. Кейинги тўрт йил мобайнида туманининг 110 километрдан ортиқ асосий йўлларининг икки

четлари анвойи гулзорларга айлантирилибди. Бундан ташқари 15 та хиёбон-гулзор ташкил этилиб, уларнинг атрафи кўкаламзорлаштирилган. Мустақиллик, Гулистон, Султонобод, Анорзор, Ёшлар, Хотира, Она ва бола каби хиёбонларни кўриб, киши дили яйрайди. Туман ҳуснини беэаб турган гулзорларда инсон кудратини кўргандек бўламан. «Инсон барибир табиат фарзанди. У сунъийликдан кўра табиатга, гўзалликка ташна», — деган ўй ўтади кўнглимдан...

Хайратимни тезда илғаб олган ҳамроҳим — туман маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Содиқжон ака Деҳқонов изоҳ беради:

— Туманни ободонлаштиришда, бу каби хиёбон-гулзорларни барпо этишда тадбиркор гулчилар ҳам яқиндан ёрдам бераётир. Мисол учун, Муҳаммад-жон Бозоровни олайлик. Бу тадбиркор гул плантациясини ташкил қилган. Биз билмаган 40 дан ортиқ анвойи гуллар навини яратмоқда. 2002 йилда пойтахтга 100 минг туп, водий шаҳарларига 30 минг тупдан ортиқ гул кўчатларини хайрия йўли билан етказиб берди. Ҳамиджон Сулаймонов эса Кува — Фарғона катта магистраль йўлини гулзорга айлантиришда, арча кўчатлари етиштиришда жонбозлик кўрсатмоқда. Охунбобоев номли ширкат ҳўжалигининг бир гуруҳ нуронийлари ташаббус билан чиқиб, катта хиёбон-гулзор барпо этишмоқда. Ана шунақа гаплар... Кувада ерга, гулга меҳр сўт билан кириб, жон билан...

Бу гапга қўшилмасликдан бошқа илож йўқ. Чунки, бу ҳақ гап. Кувада меҳнатга, ерга муносабат бўлақча. Сафар давомида суҳбатдошлардан бири ҳазил аралаш: «Кувалиқлар кетмон билан туғилдилар» деганида, эҳтимол, шуни назарда тутгандир. Кува анорларининг салмоқи киши ақлини шошириб кўяди. Толмозор, Ўрабоши, Сойкелди, Янги ҳаёт каби қишлоқларда етиштирилган анорлар бутун дунёга машхур. Биргина Мастураҳон Сайфутдинова раҳбарлигидаги «Анор» ширкат ҳўжалиги боғбонлари бу йил 1600 тонна қирмизи анор етиштиришни мақсад қилиб қўйибди. «Ҳаммаси меҳнатга, қаровга боғлиқ», — дейди она.

Суҳбатлар асносида кўп нарсаларни илғандек бўлдим. Кувалиқлар самимийликни жуда қадрлашаркан. Кейин, жуда камтар. Кам гапириб, кўп ишлаш тарафдори улар. Гурунглариининг аксарияти ҳам ер, ҳосил, умуман, фойдали меҳнат хусусида. Бекорчи одам, бекорчи гапнинг ўзи йўқ. Кексаю ёш — ҳамма ибласам дейди.



Бир сўз билан айтганда, Мусажон Шербўтаев, Мамарайим Раҳматов, Соли бобо Жалилов, Дадажон Саманов, Зоиржон Зокиров каби деҳқончилик «пир»ларининг аъёналари, улар бошлаган ишлар авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб келаётир.

Сафар якунида Кува тумани ҳокими, изланувчан раҳбар Омонжон ака Холбеков билан дилдан суҳбатлашдик. Гурун асосан жамиятимиздаги ислоҳотлар, истиқлол берган имкониятлар ва туманда олиб борилаётган ишлар хусусида борди. Навқирон ватанимизда эришилаётган муваффақиятлар ҳақида гурурланиб сўзлар экан, ана шу ютуқларга биз ҳам муносиб ҳисса қўшолсаккина, ўз ишимиздан қониқишимиз мумкин. Истиқлол бебаҳо неъмат бўлиш баробарида улкан масъулият ҳамдир, — деди ҳоким.

Менга қадрдон бўлиб қолган гўша ва одамлар билан хайрлашаман. Олам-олам таассуротлар қанотида пойтахтга интилам. Йўл бўйи меҳнатда бахт топиб, халққа ризқ улашаётган, мамлакат равнақи йўлида фидокорона хизмат қилаётган заҳматкаш инсонлар қиёфаси, уфқларга туташиб кетган боғлару анорзорлар манзараси кўз ўнгимдан кетмайди...

Суҳрат ОРИФ,

Тошкент — Кува — Тошкент

Ҳар бир халқнинг тили, урф-одати, адабиёти, асоси-атиқалари ўзига хосдир. Ўзбеклар ҳам дунёдаги энг қадимий халқлардан бири сифатида бой маънавий хазинага эга. Бу билан ҳар қанча фахрлансақ арзийди. Шунинг баробарида ўша қадимий маданиятни авайлаб сақлаш ва кейинги авлодга етказиш инсоний бурчимиз. Шундай урф-одатларимиздан бири «Баҳорлашиб келиш»дир.

Ўтмишда эрта баҳорда шаҳар қизларини қишлоқдаги қариндошлари, дугоналари «баҳорлашиб келинглр» деб, меҳмонга таклиф қилишган. Қиш бўйи зериккан, баҳорни соғинган қизлар араваларда қишлоққа йўл олишган, йўл бўйи лапар ва қўшиқлар айтиб, хурсандчилик қилиб боришган. Қишлоқда уларни ҳар кеч бир хонадон сохибаси меҳмонга чақирган. Қизлар дутор, доира чалиб, қўшиқ айтиб, рақсга тушишган, шеърхонлик, ғазалхонлик қилишган. Бундай гўзал ва умрбоқий одатлар бадий асарларимизда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Чўлпон «Кеча ва кундуз» романида «баҳорлашиб келиш» одатини бадий тарзда тасвирлаб берган. Роман қахрамони Зебихон Салти (Салтанат) ва яна бир неча қизлар билан Салтининг дугонаси — Энахоннинг таклифига кўра қишлоққа йўл олишади. Қизлар йўл бўйи ёр-ёрлар, лапарлар айтиб келишади. Энахон меҳмонлар келиб жойлашгач, маҳалладаги дугоналарини, аёлларни уйига таклиф этади. Бу хонадонда ярим тунгача қиз-аёллар лапарлар, халқ қўшиқларидан айтиб, рақсга тушишади, чақчақлашиб юрак чигилини ёзишади. Шаҳарлик қизларни қурб итган кўни-қўшнилари навбати билан меҳмонга чақиривади.

Романда ўқиймиз:

«Уйин тамом бўлиб, палов дастурхони ёзилганда ой анча баландга кўтарилган эди. Ошдан сўнг қишлоқ қизларидан ўзига дурустрок бир деҳқоннинг қизи ўрнидан туриб:

— Эртага меҳмонларни биз кутамиз, — деди.

Шундай кейин мингбошининг кичик хотини Султонхон катта кундошининг қизи билан гапни бир жойга қўйиб ўрнидан турди ва Энахонга томон юзланиб:

— Бўлмаса, меҳмонларингиз индинга бизникида бўлишади, — деди».

Меҳмон қизлар қишлоқда бир неча кун бўлиб, қалбларидаги ғуборлар таркалган, маза қилиб хордиқ чиқаришган, қишлоқнинг сўлим, баҳаво жойларида сайр қилишган. Шу билан биргаликда шаҳарлик қизлар қишлоқ одамлари турмуш тарзи билан яқиндан танишган, қишлоқ хотин-қизлари билан фикр алмашишган. Дугоналарнинг бир-бирлариникига меҳмонга боришлари бирёқлама бўлмай, қишлоқ қизларининг ҳам шаҳарлик дугоналариникига меҳмонга бориш аънаналари бўлган, фақат бу аънана баҳор фаслида эмас, балки йил бўйи етиштирилган ҳосил йиғиб-териб олинган, яъни кузнинг охирларида, ҳали қишнинг қор-қировли кунлари

бошланмай туриб амалга оширилган. Қишлоқ қизларини ҳам шаҳарлик дугоналари иззат-ҳурмат билан кутиб олганлар. Шу ўрнида яна Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романига мурожаат қилсак:

« — Ҳўп, яхши биламан! — деди кампир. У келиннинг оғзидан гапини узиб олгандай тез гапирарди.

— Кузда иккаланг бориб бир ҳафта туриб келдинг. Бечораҳол бўлсалар ҳам селларни ҳўп хурсанд қилиб жўнатишди. Иккаланг ҳам анчагача гапириб юрдинг...

— Рост-да! — деди Энахон. — Унинг отаси ҳам ниҳояти бир айрончи, ер-суви йўқ, дастгоҳи йўқ. Рўзғор катта. Шундай бўлса ҳам бизга деб нималарни қилишмади-а?».

Юқоридаги парчадан кўриниб турибдики, дугоналар ўртасидаги «борди-келди»нинг иштирокчилари фақатгина турмуш қурмаган қизлардангина иборат бўлмаган, балки баъзан уларга ҳамроҳ қилиб келиноиллари ёки ёши улўғроқ аёллардан бирортаси қўшиб юборилган. Қишлоқ қизлари ҳам ўз навбатида шаҳарда яйраб дам олганлар, шаҳар ҳаёти билан танишганлар. Бу меҳмонна-возликнинг яна бир эътиборга молик томони шундаки, меҳмонга чақирувчилар фақат бир хонадон сохибларигина бўлиб қолмай, балки кўнгли яқин бошқа хонадонлар ҳам бу аънанадан четда қолишмаган. Дугоналараро меҳмонга борадиган қизлар асосан буй етган қизлар бўлганлиги, балки улар кейинги баҳоргача турмушга узатилиб кетиши мумкинлиги ва ҳеч қачон дугоналари даврасида кизлик давридагидек ўйнаб-кулмаслигини назарда тутиб ота-оналари кўлларидан келганча ушбу аънани ўтказишга ҳаракат қилганлар. Бу орқали шаҳар ва қишлоқ қизлари бир-бирларидан пазандалик сирларини, тўқиш, тикиш ишларини, уй туттиш, ўзаро муомала маданияти, меҳмон кутиш одобини ўрганишган. Бир-бирлари билан фикр алмашиб, кекса ёшдаги аёллардан турмуш сабоқлари тўғрисидаги ҳикоя ва ривоятларни тинглаб, ўз дунёқарашларини ўстиришган.

Бундай аънаналарни ҳозирги даврда ҳам ўтказиш, давом эттириш, маълум жиҳатларини қайта тиклаш мақсадга мувофиқдир. Урбанизация кўчайиб бораётган бир пайтда шаҳар ёшлари табиат қўйнига чиқиб, қишлоқ одамлари билан ҳамнафас бўлсалар, қишлоқ ёшлари эса шаҳар ҳаёти билан яқиндан танишсалар, маънавий озуқа олиб дунёқарашлари янада кенгайди. Халқимизгагина хос бўлган бундай бетакрор аънаналарни ривожлантириш ёшларни миллий руҳда тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Озода НИШОНОВА,
Ҳамолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн
институтини катта ўқитувчиси



Кўркам одамлар Кўкларамдаги

Зебо МИРЗАЕВА

Саҳролар бағрида адашган
Иссиқ ёмғирлардай ёқсайдинг,
Намиққан тупроқлар кўксига
Маҳфиз гуёҳлардек уйғонсам...

Исминг хушбўйлари тўкилса,
Рухинг титроғида оқсайдим...
...Оловли уммонни силқорган
Тунги ёсмон каби тўлғонсам...

...Соянг тушиб ўтса нигоҳларимга!
Кўлинг топиб борса қалбимни.
Овозинг сачраган ҳавога
Шивирлаб боссайдим лабимни!
...Овозинг ўпсайдим овозинг!..

Сукунат бўғриққан тунлардан
Сугуриб олсайди овозинг.
Дилмини ечсайдим беҳадик —
Кўрсайдинг қўлларим парвозин!

Нафасинг ўтидан яралсам,
Тушларимдан тушиб келсайдим...
Бир лаҳза ўзимни унутсам,
Бир лаҳза ўзимни билсайдим!

Берсангнинг руҳинг тириклик,
Кўзларинг бир тола нуруни,
Еллар оғушида чайқалган
Беҳуш майсаларнинг умрини.

Йиқилсам, бағрингга йиқилсам,
Юрагингга етарми йўлим?
Оқиб бораёлман умрингга
Қўлларимдан ушла, севгилим...



АЗИЗИМ,

Не учун майса эмасмиз?
Еллар ўлганида суйкалиб ўтган?
Не учун, не учун дарахт бўлмадик,
Илдизи,
Шохлари чирмашиб кетган?
Ариқлар бўйида гуёҳдек ўсдик,
Сувларда тушимиз эчилармиди?
Ағирлар ортида шамол бўлсайди,
Кўкларда руҳимиз кўшиларида?
Нечун мавжудмизу,
нечун-йўқдаймиз?
Бармоқлар учиде назик бир титроқ?
Нафаслар кўшилиб турганда,

нечун,

Оловлар ичиде жим қутиб турмоқ?
Нечун пичоқларга тиралар кўзим?
Кўкка суянгандай суянолмайман?
Нечун кўлингизда моладек ухлаб,
Кўксингизда тонгдек уйғонолмайман?
Не учун ҳаётим бу қадар саҳро?
Нечун юрагимда бу қадар зорлик?
Қаршимда шовуллаб оқар бир дарё,

Бир томчи сув сўраб ўтинолмайман...
Азизим,
Не учун инсон яралдик,
Кўнглимиз сизмаса еру самога?
Оҳ,
Энди шу қадар муҳаббат билан
Биз қандай яшаймиз бу тор дунёда?..
Биз нечун яралдик ёлғон дунёда?
Азизим, не учун майса эмасмиз?..

СОҒИНЧ ХАНЖАРИ

Кўзларимда оқар кўзларинг қама,
Кўксимга бир соғинч тиғи қадалган.
Лабимда минг йиллик севгининг майи —
Билмайман, бу қадаҳ кимга аталган...

Кўлларинг титроғи титроғимдадир,
Жонимни тирилтирган бир майин бўса.
Рухимни пичоқлаб яшаётирсан,
Эй, муқаддас қайғу,
Эй, гўзал гусса!

Ҳижронинг доғидан кета олмайман,
Ҳасратинг субҳимдан сўнгги тунгача.
Бу севги майини тупта олмай,

Ман

Етарманми қалбинг келар кунгача!

Ишқинг изтироби шу қадар қаттиқ,
Тиллари кўксимга бир-бир қадалган.
Мен — аччиқ азобман,
Мен — оплоқ соғинч,
Билмайман, билмайман кимга аталган?



КЕЛАСАН...

Қаршлаб, эшигинг қулфи
Кўлларинг тафтидан эрийди беҳол..
Кирасан,
Парданинг шокила-зулфи
Сочларингни силаб ўтар, эҳтимол..
(Қандай масъум, фусункор лаҳза...)

Сени кучоғига олади хонанг,
Ноғох,
Самоларга етади боши.
Нафасинг теккан ҳар нарса уйғонар,
Жонланиб кетади ҳаттоки тоши...
(Не саодат — сенинг борлигинг!)

Қарайсан,
Ҳаммаси ўша-ўша, тинч,
Билмайсан,
Оламга ўтлар кўйганим:
Телефон —
Айтолмас шу тилсиз элчи
Сени «Топиб бер» деб ўқиб, кўйганим...
(Билмайсан, ҳеч қачон билмайсан!..)

Нигоҳларинг ўлиб ўтади — илкис,
Кўедай чарақлаб кетади Кўзгу:
Само торларидай кўйлаб юборар.
(Мендан кўра бахтиёрроқ у!..)

Истасанг...
Жаннатни чизиб беради,
Кўлингга малакдай яшайди қалам.
Оҳ, нега кўлингга ўлиб қолмайди?!
(Худойим, қанчалар бахтлидир у ҳам!)

Гулларни эркалаб кўясан бир зум...
Кимларга атайсан, бу пок гуноҳни?
Умримни шу гулдек экким келади,
Билгим келар ўша титроқни...
(Менга берсанг эди у чоғни!..)

Қафтингда Аёлга айланар кунча —
Шу қадар масрурсан!
...Шу қадар пастман...
Сеники шу дунё кета-кетгунча...
(Нега мен сеники эмасман?!)

Маҳфиз гуёҳлардек уйғонсам...



Маҳалла — ҳаётимиз кўзгуси

«Бир болага етти маҳалла ота-она» деган қараш бизда қадимдан одатга айланган. Бола онадан ўғри, товламачи, безори, ишқмас бўлиб туғилмаслиги аён. У бундай иллатларга ота-она, мактаб, маҳалла ва жамиятнинг тарбияда йўл қўйган нуқсонлари, тарбиявий жараёнга бепарволик, лоқайдлик билан қараганликлари, талабчанликни су-сайтирганликлари тўғрисида гирифторм бўлади.

Маҳалла энг таъсирчан тарбия масканидир. Маҳалланинг тинчлиги элу юртнинг, бутун бошли мамлакатнинг тинчлиги, фаровонлиги, куч-қудрати ва омонлигининг кафолати ҳисобланади. Шу боис ҳам муस्ताқилликнинг илк йилларидаёқ узоқ мезгилга тенгдош маҳаллаларга алоҳида эътибор берилди. Маҳаллада аҳолининг хулқ-атвори ва ўзаро муносабатлари адолат, маънавият ҳамда қадрият мезонлари асосида тартибга солиб турилади. Маҳалла аҳлининг ҳар бир хатти-ҳаракати бир-бирининг кўз ўнгиде кечади. Маҳалладошлар бир-бирлари олдида масъуллик билан яшаганлари боис назоратчи ҳам ҳисобланадилар. Бинобарин, эзгуликка хизмат қилувчи хатти-ҳаракатлар маҳалла аҳлининг олқишига сазовор бўлса, ножуя, номақбул ҳаракатлар уларнинг нафратига маҳкум этилади.

Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъмин этишда, омма куч-ғайратини бунёдкорликка йўналтиришда

маҳаллаларнинг аҳамияти кун сайин ошиб бормоқда. Конституциянинг 105-моддасига биноан маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимиятнинг таркибига киради.

Мамлакатимизда кейинги йилларда қабул қилинган таълим-тарбия тўғрисидаги қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан, «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бозор муносабатлари шароитида муваффақиятли ишлаш оладиган, мустақил фикрловчи кадрларни тайёрлашда оила, маҳалла ва мактаб нуфузини янада юқори поғонага кўтаришни талаб этади. Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги йўналишида бола тарбиясида оила, ота-она, маҳалланинг асосий вазифаларини мазмунан янгилаб ҳаётга татбиқ этишни тақозо қилади. Бизнингча, кичик ватан бўлмиш маҳалланинг олдида қуйидаги вазифалар туради:

— маҳалла фаоллари тарбия муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган масалаларнинг оқилона ечимларини топишда фаоллик кўрсатиши;

— маҳалла ўз ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни

қўллаб-қувватлаб ҳамда фарзандларининг билим ва тарбия

қилиш, уларга нисбатан жамоатчилик чораларини кўриш;

— ота-оналар орқали болаларга ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, мафқуравий онглилик каби хислатларни синдиришни ҳар томонлама рағбатлантириш;

— ёшлар диний мазҳаблар ва ақидапарастликнинг моҳиятини тўғри англаб етишига ота-оналар орқали таъсир кўрсатиш, улуғ алломаларимизнинг тарбиявий ўғитларини синдириб боришга жамоатчиликни сафарбар қилиш;

— маҳалла ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларнинг имкониятларини ўқув-тарбия муассасалари моддий негизини мустаҳкамлашга жалб қилиш;

— маҳалла ҳудудида ўқув-тарбия муассасалари билан биргаликда турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, анжуманлар, кўнгилочар тадбирлар ташкил қилиш;

— намунали оилалар ҳаёт тажрибасини оммалаштириб, маҳалла ҳудудида «Оила сабоқлари» машғулотларини ташкил қилиш;

— маҳаллада истиқомат қилаётган ишсиз ёшлар учун қўшимча иш ўринлари яратишга кўмаклашиш;

— маҳаллада яшовчи халқ усталари, санъаткорлар, зиёлилар имкониятларидан фойдаланиб турли тўғарак ва «Уста-шоғирд» русумида билим ва касб бериш фаолиятини ташкил қилиш;

— ҳар бир ёш фуқарода ватанга, унинг табиатига муҳаббат, тарихига қизиқиш, маҳалла ободончилиги, аҳиллиги учун жа-

вобгарлик руҳини шакллантириш;

— Ўзбекистон аҳолисининг тарихан таркиб топган удум ва анъаналарини авайлаб-асраш ҳамда бойитишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

— кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етимлар ва ёлғиз қолган қарияларга нисбатан инсонпарварлик ва меҳр-шафқат муносабатида бўлиш ғояларини тарғиб қилиш, уларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиш.

Ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар маҳалла ҳудудидаги барча ёшдаги ва тоифадаги фуқароларни қамраб олиши ва уларнинг қизиқиш ва интилишларига мос бўлиши яхши натижалар беради. Ўзаро ҳамкорлик ишларини бошқариш учун жойларда ўз таркибига маҳалла фаоллари, обрўли ота-оналардан, ўқув-тарбия муассасалари, турли ташкилотларнинг вакиллари билан иборат мувофиқлаштирувчи жамоатчилик кенгашлари тузилиши мақсадга мувофиқдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатимизда барқарорликни сақлаб туриш, диний мутаассиблик кайфиятидаги кўринишларнинг олдини олиш, «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра» шиори остида одамларни огоҳликка чақириш, маҳалла посбонларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини йўналтириш, оилавий тантаналар ҳамда маросимларни ўтказишда дабдабаозликка йўл қўймаклик каби жараёнларда фаоллик кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам «Юртбошимизнинг 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб аташ тўғрисидаги ташкилоти ҳар бир ўзбекистонлик томонидан мамнуният билан кўтиб олинди.

Музаффар ТОЖИБОЕВ,
тадқиқотчи



Халқ таълими аълочиси. Жиззах шаҳар Отаулла Охунбобоев номи б-мактаб директори.

Ушбу илм даргоҳи вилоятда энг йирик мактаблардан бири ҳисобланади. Унда 2000 дан зиёд ўқувчи-ёшлар таҳсил олади. 2002 йилда Жиззах вилоят ҳокимлиги томонидан мактаб таъмири учун 100 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Илм даргоҳи тўлиқ капитал таъмирдан чиқди. Келажакдаги мақсаглари эса мактабни гимназияга айлантириш, яъни иқтисодли ўқувчи-ёшларга кенгроқ имкониятлар очишдир.

Гулназор Қаримова

Боймурод Шукуров

Замондошларимиз

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси, Каттақўрғон педагогика коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича муовини. Кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида домла талай етук мутахассисларни тайёрлаб, катта ҳаётга учирма қилди. Коллежда таълим жараёни бугунги кун талаблари асосида ташкил этилган. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида изчил олиб борилаётган ишлар самараси ўлароқ коллеж талабалари вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган кўриктанловларда муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар.





Инсон умри дарёдек югурик. Севинч ва кўз ёшлар, ташвиш ва озулар гирдобиди ҳаёт оқаверади. Ҳаётнинг ганимат лаҳзаларидан унумли фойдаланиб, ўз номини эзгуликлар билан муҳрлаган инсонларгина шаарфа лойиқдир.

Сермазун умр йўли, меҳнатсеварлиги ва инсонийлиги билан халқ эҳтиромига сазовор бўлган фидойи инсон — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими Азамат ака Назаров ҳам ана шундайлар сирасига киради. У босиб ўтган ҳаёт йўли ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби, десак янглишмаймиз. Асли кашқадарёлик бўлган Азамат Назаров ўрта мактабдаги таҳсилдан сўнг Самарқанд темир йўл техникумига ўқишга киради. Шу билан унинг ҳаётида қизгин йиллар бошланди. Билимга ўта талабчан бўлган ёш Азамат тинмай изланар, илм олишдан чарчасмас эди. Ана шу интилиш уни Тошкент халқ ҳўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети)га етаклади. Мазкур илмгоҳда у «Меҳнат иқтисоди» мутахассислигининг 3 курсини тугаллаб, 4-курсдан Г.В.Плеханов номи Москва Халқ ҳўжалиги институтида ўқишни давом эттирди. Муваффақиятли таҳсилдан сўнг Азамат Назаров илмий изланишларга шўнгиди. Буларнинг самараси ўлароқ, у 1973 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаб, «иқтисод фанлари номзоди» илмий даражасига эришди.

Азамат Назаров илм йўлида изланар экан, жамоат ишларини ҳам четлаб ўтмади. Ҳамиша халқ билан бирга бўлди. Жамоа-

Меҳнатда бахт топиб



дошлари у кишининг инсоний фазилатлари ҳақида фахрлиб гапиринишади. У 1976 йилдан 1987 йилгача Тошкент халқ ҳўжалиги институтининг сиртки факультети декани муовини, 1988 йилдан 1999 йилгача мазкур факультетнинг декани лавозимларида фаолият кўрсатди. Айни бир пайтда «Меҳнат иқтисоди ва социологияси» кафедрасида катта ўқитувчи, доцент вазифаларида хизмат қилди. Ҳозирги кунда у мазкур кафедранинг профессори сифатида ёшларга таълим-тарбия бермоқда.

Азамат Назаровнинг илмий-педагогик фаолияти мамлакат илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Бевосита унинг иштирокида умумий ҳажми 85 табоқдан ортқ 60 га қарин монография, дарслик, ўқув-ўқувлик қўлланмалар чоп этилди. Мазкур дарслик ва қўлланмалар ҳозирги кунда иқтисод йўналишидаги ўқув юртиларида асос бўлиб хизмат қилмоқда. Фан фидойиси бўлган жонқур олим илмни дундан бир лаҳза бўлсин тингани йўқ. У Россия иқтисодиёт академиясида, АҚШнинг Кишлоқ ҳўжалиги департаментиди малака ошириб қайтди. Дунёнинг қатор етакчи илмгоҳлари (масалан, Жорж Вашингтон,

Мериленд университетларида бўлиб, уларнинг ўқув-методик тажрибалари билан яқиндан танишди. 2001 йилда у «Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги» нишони билан тақдирланди.

Табиатан уста боғбон бўлган Азамат акага ҳаётда ҳам яхши боғбон бўлиш насиб этди. У бир-бирдан ақли, қобил фарзандлар тарбиялаб, халқ хизматиға сафарбар этди. Қизлари Саодатхон Нуриддинова Чилонзор тумани молия-бюджет бўлимиға раҳбарлик қилмоқда. Рус, инглиз, немис ва араб тили билмдони бўлган Муроджон АҚШдаги Деловер университетини битириб, ҳозирда ўз оиласи билан Германиянинг Гонверер шаҳрида яшамоқда.

Эзу амал, эзгуликка йўғрилган умр ҳаммиша кадр топиб келган. Умрининг олтимишчи баҳорини қаршилаган Азамат ака Назаров ана шу маънода ҳавас қилгулик бахт соҳибидир. Ана шундай фидойи инсонлар бор экан, юртимиз келажаги, албатта, буюк бўлғусидир.

Суннатulla РИЗАЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университетининг профессори

Муштарак муносабат

Маълумки, XVIII аср бошларида Фарғона водийсида мустақил давлат вужудга кела бошлади. Бу давлат кейинчалик Қўқон хонлиги номи билан тарихға кирди. У эгалланган худуди бўйича Ўрта Осиё хонликлари орасида энг йириги эди. Фарғона вилояти мазкур хонлиқнинг бошқа худудларига нисбатан географик жиҳатдан қулай жойлашганлиги унинг иқтисодий ва маданий тараққиётини таъминлабгина қолмасдан, айни пайтда бу жойда турли халқлар вакиллари билан биргана яшашлари учун имконият яратди. Кўплаб манбалардаги маълумотларға кўра, XX аср бошларида Фарғона водийсида ўзбеклар, қирғизлар, қипчоқлар, уйғурлар, тожиклар, дунганлар, шунингдек, 6,5 мингга қарин рус, украин ва бошқа миллат вакиллари яшаган.

Аҳолисининг таркиби полиэтник бўлишиға қарамай, Фарғона водийси ягона ҳўжалик комплексини ташкил этарди. XIX асрда яшаган Мулла Ниёз Хўқандий ўзининг «Тарихи Шоҳрухий» асариди ёзишича, водий аҳолиси икки ҳўжалик тизимиға мансуб эди, яъни — ўтроқ аҳоли (улар «сартийа» деб юртиларди) ва кўчманчи аҳоли — «элатийа». Лекин бу ҳол нафақат уларни бир-бирларидан ажратар, балки боғлар ҳам эди. Кўчманчилар ўтроқ аҳоли томонидан яратилган деҳқончилик ва ҳўнармандчилик

маҳсулотларисиз яшай олмас эдилар ва доимий равишда чорва, тери, жун, гўшт, сутни нон ва бошқа маҳсулотларға алмаштиришар эди. Демак, ўтроқ аҳоли ҳам, кўчманчилар ҳам ўзаро алмашинувдан манфаатдор эдилар.

XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё хонликлари ўртасида ўзаро савдо-сотикнинг ривожланиши натижасида шаҳар аҳолисининг ўсиш жараёни тезлашиб, янги шаҳарлар вужудга келди. Қўқон ва Наманган айнан шу даврда катта шаҳарлар сифатида юксалади. Уша даврда Қўқон шаҳрида 30 минг аҳоли ва 9 та карвонсарой бўлган, 1897 йилға келиб эса унинг аҳолиси 81 минг кишидан ортди. Уша вақтда Қўқонда 2 мингдан ортқ дўконлар бўлган. Фарғона водийсининг Наманган, Андижон ва Маргилор каби бошқа йирки савдо-ҳўнар марказларида эса мингтадан дўкон бўлган.

Ҳар бир шаҳар маълум ҳўнармандчилик маҳсулотига ихтисослашган эди. Масалан, Маргилор ранг-баранг жилолик шойи ва атласлари, Чуст пичоқлари ва эгарлари, Андижон пойабзаллари билан ном чиқарган эди. Шаҳар ҳўнармандлари ясаган буюмларға қирғизлар орасида ҳам талаб катта бўлган. Масалан, 1884 йили Наманганда 12 та уста 6 ой давомида 35 дастгоҳда 57960 аршин мато тўқанганлар. Шундан 27000 аршин ёки 46,6 фоизи қирғизларға сотиш учун чиқарилган. Фарғона водийси қадимдан Ўрта Осиёнинг асосий пахта базаси бўлган. Лекин маҳаллий пахта навлари кам ҳосилли, сифатсиз бўлиб, қисқа тола берарди. Бу пахта асосан маҳаллий эҳтиёжлар учун ишлатилган ва озроғи атроф шаҳарларға чиқарилган.

Қўқон хонлигининг Россия тарафидан ис-

тило қилиниши, кейинроқ эса Фарғона вилоятининг ташкил этилиши вазиятини тубдан ўзгартирди. Ривожланиб келаётган рус энгил саноати арзон ва сифатли пахтаға муҳтож эди. Шу мақсадда XIX асрнинг 70-80 йилларида Туркiston ўлкасида ва биринчи навбатда Фарғона водийсида пахтанинги Америка нави кенг миқёсда ёйила бошладди. 1879 йил Наманган уездиди биринчи марта бу навдаги пахта тажриба сифатида экилди. Лекин бундан қанча ҳосил олинганлиги номаълум. 1885 йилдан бошлаб Фарғона вилоятининг барча уездларида пахтанинги ушбу навини экиш кенг йўлга қўйилди. Агар 1885 йилда водийдаги экинға яроғли майдоннинг 1/7 қисми пахта ҳиссасиға тўғри келган бўлса, 1915 йилға келиб экин майдонларининг деярли эллик фоизига, яъни 320000 десятина ерга пахта экилади. Шуни таъкидлаш мақсадға мувофиқки, пахта майдонларининг кенгайиши асосан бошқа турдаги кишлққ ҳўжалиги экинлари майдонларини қисқартириш эвазига, биринчи навбатда, бугудй экиладиган ерлар ҳисобига амалға оширилади. Бу ҳол нон маҳсулотлари етишмовчилигиға олиб келди.

Фарғонанинги водий қисмида пахтачиликнинг, тоғли ерларида эса бугудйзорларнинг ривожланиши ва чорвачиликка асосланган худудларининг чорва-деҳқончилик худудларига айланиши кўчманчи аҳоли орасида, биринчи навбатда, қирғизлар орасида ўтроқлашув жараёнининг кучайишиға олиб келди ва кўчманчи аҳоли билан ўтроқ аҳоли ўртасидаги ўзаро боғланиши янада кучайтирди.

Равшан АКБАРОВ,
тадқиқотчи

Исо масиҳнинг инсоният кечмишига таъсири шунчалар улкан, шунчалар кучлики, рӯйхатимизнинг энг юқори қаторидан ўрин эгаллаш учун у билан фақат саноқли шахсларгина «беллаша» оладилар. Шундай экан, «Нега энди Исо алайҳ-ис-салом рисолада биринчи ўринда келтирилмади?» деган ҳақли савол пайдо бўлади.

Христианлик дунёда энг кенг тарқалган дин эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бироқ ушбу рисолада динларнинг эмас, балки алоҳида Шахсларнинг дунёга, тарихга таъсири таҳлил қилинади. Христианлики эса Исломдан фарқли ўлароқ бир шахс номи билан боғлаб бўлмайди. Шу сабаб христиан дини тараққиёти учун қилинган барча хизматлар икки шахс — Исо ва авлиё Павел орасида бўлиниши лозим.

Исо насронийликнинг асосий ғоялари, руҳоний дунёқараш, ахлоқий жиҳатларини ишлаб чиққан. Христиан фалсафаси эса асосан Павелнинг ишлари, изланишлари тўғрисида яратилган.

Исо анча ёш вафот этган (Будда ва Муҳаммадга нисбатан) ва ундан бир гуруҳ издошлар қолди, холос. Исонинг ўлимидан сўнг улар ҳам яҳудий сектасини ташкил қилиб кетишди. Фақат Павелнинг тинимсиз меҳнати, қатъий даъвати билангина шу кичкина секта яҳудийлардан бошқа миллатларни ҳам ўз сафида бирлаштирган, тамаддун кечмишига, шубҳасиз, кучли таъсир ўтказа оладиган қудратли динга айланди.

Шунинг учун ҳам айримлар Исодан кўра

Павелни насронийликнинг асосчиси деб ҳисоблашга мойилдилар. Уларнинг мантигига кўра, ушбу рисолада Павелни Исодан юқори кўймоқ лозим бўлади. Тўғри, христианлики кенг тарқалиши, қудратли бўлишида Павелнинг хизматлари буюк, бироқ Исо масиҳиз бу диннинг ўзи бўлмас эди. Шунга қарамай, христиан черкови ва айрим христианларнинг қилмишлари учун Исони масъул деб билиш, жавобгар ҳисоблаш нотўғридир. Чунки христиан маънавиятиро урушлар, яҳудийларнинг таъқиб қилиниши каби «амаллар» қоғозга ўраб айтилса, Павелнинг ғояларига мос эмас.

Шунга монанд замонавий илмлар биринчи бўлиб христиан Оврупосида ривож топа бошлагани ҳақидаги фикрга ҳам Исо «айбдор» эмас. Чунки илк христианлар Исонинг айтганларини илм-маърифатга даъват тарзида талқин этмаганлар. Қадимги Рим ҳам христианликка ўтгач, техник тараққиёт сустлашди, илм-фанга қизиқиш камайди.

Илм-фаннинг айнан Оврүпода ривож топганлигини эса Оврүпо маданий меросида илм-фанга рағбатлантирувчи «нимадир» яширинганлиги асослайди. Ўша «нимадир» эса асло Исонинг насиҳатлари эмас, балки юнон файласуфларининг тадқиқотлари, Аристотель ва Евклид асарларидаги рационализаторликдир. Шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, Оврүпода илм христиан черкови гуллаб-яшнаган, ҳокимиятни эгаллаган даврда эмас, христианликдан олдинги асл эътиқодларига қизиқиш пайдо бўлиб,

кучая бошлаган Ренессанс (Уйғониш) давридан сўнг ривожланди.

Исо масиҳнинг Янги Панд (Инжилнинг иккинчи қисми)да берилган таржимаи ҳоли кўпчилик ўқувчиларимизга таниш бўлганлиги учун ҳам такрор ҳикоя қилишдан маъни йўқдек. Бироқ айрим шарҳталаб ўринлар бор. Биринчидан, Исо масиҳ ҳаётига оид бизда мавжуд барча маълумотларни ҳам ишончли, аниқ, деб бўлмайди. Биз ҳатто унинг асл исмини ҳам аниқ билмаймиз. Бу кенг тарқалган яҳудийча Yehoshua (инглизчасига Жошуа) бўлиши жуда мумкин. Эрамиздан олдинги 6 йил ҳақиқатга анча яқин бўлса-да, унинг туғилган санасини ҳам аниқ айта олмаيمиз. Ҳатто унинг вафоти санаси ҳам аниқ эмас, ваҳоланки, издошлари буни билишлари шарт эди. Исонинг ўзи эса ҳеч қандай ёзма ҳужжат қолдирмаган. Шу сабаб унинг таржимаи ҳолига оид барча маълумотлар Инжил ривоятларидангина олинади.

Бахтга қарши, инжилчилар келтирган айрим тафсилотлар ҳам бир-бирига мутлақо зид. Масалан, Матфей ва Лука Исонинг сўнгги сўзлари, деб тақдим этганлари жумлалар фарқли, бироқ иккала вариантда ҳам Кўҳна Панд (Инжилнинг биринчи қисми)дан иқтибос олинган.

Исонинг сўзлари Кўҳна Панддан кўчирма қилиниши тасодифий ҳол эмас. Чунки у христианликининг асосчиси бўлиш билан биргаликда эътиқодли яҳудий ҳам эди. Шу сабабли ҳам Исо Кўҳна Панда келтирилган яҳудий пайгамбарлардан таъсирланар,



Тарихга адолат билан қараш аввало уни яхши билиш, англаш, манбаларни тўғри ўқий олиш, ҳис эта билишга боғлиқ.

Ҳозирда тарихни чуқур ўрганиш, унга қизиқиш ниҳоятда ошиб бормоқда. Юртбошимиз бу ҳолатни ўзларининг «Истиклол ва маънавият» номли асарларида «Мустақиллик йиллари — ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни ҳолисона билиб олиш давридир. Бу жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазифамизни англаб олиш давридир», деб баҳолаганлар. Бу эса таълим-тарбия соҳасида ҳам эътиборни тарихни тўғри англашга қаратиш заруратини келтириб қардир. Бугунги кунга келиш улғу аждодларимиз ўтмиши, қадимий йирик шахарлар тарихи махсус ўрганилаётганлиги, уларнинг узоқ, қадим яратилиш саналари аниқланаётганлиги катта ижтимоий, илмий изланишлар самарасидир. Зеро, юрт ва аждодлар тарихи келажақ авлодлар учун ибратдир.

Ўтган йили 2700 йиллиги кенг нишонланган дилкаш Шахрисабз тарихи ҳақида қадимдан ёзма манбалар кўп. Кеш ҳақида тарих битиш узоқ ўтмишдан бошланган. Шахрисабз тарихи, унинг гўзал диёр эканлиги бадий асарларда ҳам ўз тасвир ва тавсифини топган. Жумладан, Алишер Навоийнинг «Сабаъа сайёр» дostonидаги учинчи иқлимдан келган мусофир ҳикояти-

да байт бор:

Дедилар: «Кишвари дурур дилкаш,
Оти ҳам Шахрисабз эрур, ҳам Каш».

Навоий ҳикоятда доно мусофир (яъни Шахрисабздан келган мусофир) тилидан мисрлик бой ўғли Саъднинг «Сизнинг мамлакатингиз қаерда?», «Хусусан, кўк либос кийишингиз боиси недур?» каби саволларига жавобан «Кишваримиз жуда дилкаш бўлиб, у ҳам Шахрисабз, ҳам Кеш номи билан юритилади», деб жавоб беради. Шоир мусофир тилидан бу юртни «Хизр» — ҳаёт рамзи каби кўм-кўк, суви ҳам сабзадек кўк ва ойнадек тиник, ери кўм-кўк дарахтларга бурканганлиги учун шаҳар номи Шахрисабз бўлганига ажабланманг, дея таъриф беради.

Алишер Навоийнинг «Дилкаш кишвар» ҳақидаги бадий таърифи ҳар жиҳатдан илмий асосланган. Шоир Мовий Кисват ҳарир кийимли гўзаллар юртини она тили имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда араб, форс сўзларини ҳам қўллаш орқали баҳсу мунозараларда мадҳ этади. Шоир ўз назмиётида юрт манзаралари, қўркам табиати, қурилишлари, дарёю тоғлари, боғу роғларини бадий воситалар асосида санъаткорона тавсифлай олган. Шунингдек, дostonда «Сабззор» деб аталмиш ушбу юртнинг зукко кишилари, илму ирфон эгалари, Юсуфмонанд йигитларию дилбар қизлари ҳам сўзнинг барча

уларга ўшарди. Барча пайгамбарлар сингари Исо масиҳ ҳам ўта ёрқин шахс бўлиб, барчада факуллатда илиқ тасаввур қолдирарди. Унга Яратган томонидан каромат ато этилганди.

Бироқ ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятга эга бўлган Муҳаммад алайҳ-ис-саломдан фарқи ўлароқ, Исо на ҳаёти давомида, на ундан сўнг ҳеч қандай сиёсий таъсир кучига эга бўлмаган. Шубҳасиз, бу икки Шахс тарихга давомли тарзда билвосита таъсир ўтказадилар. Бироқ Исо масиҳ фақат руҳоний ва маънавий етакчи сифатида таъсир кўрсатади кечмишга.

Шу ҳолатни назарда тутиб, бир савол туғилиши табиий: Исонинг маънавий қарашлари дунёга қандай таъсир ўтказди?

Исонинг энг асосий пандларидан бири, шаксиз, Олтин қоида эди. Бугунги кунда дунёда христиан ва христиан бўлмаган жуда кўпчилик ушбу қоидаларни ахлоқий қўлланма сифатида қабул қилган. Бу қоидаларга доим ҳам риоя этилавермас, лекин шулар асосида яшашга ҳаракат қилинади. Агар Исо ушбу катта кўпчилик томонидан бирдай қабул қилинган қоидаларнинг яратувчиси бўлганида, у, шубҳасиз, рўйхати-

мизнинг энг юқорисидан жой эгаллаган бўлар эди.

Аммо Олтин қоида иудаизмнинг пандларидан бўлиб, Исо дунёга келишидан анча илгари ҳам мавжуд бўлган. Эраимиздан олдинги биринчи асрда Бош яҳудий раввини рабби Хиллел бу қоида ни эълон қилган ва яҳудийликнинг асосий принципи сифатида белгилаб берган. Бу гоёларни фақат Фарбадагина билишмасди. Хитой файласуфи уларни эр.ав. 500 йиллардаёқ тақдим этган, худди шу насихатлар «Маҳабхорат»дан ҳам ўрин олган. Хуллас, Олтин қоиданинг фалсафаси деярли барча динларда қабул қилингандир.

Бироқ бу ҳолат асло Исо масиҳнинг ўзингагина хос бўлган маънавий насихатлар, пандлар мавжуд эмаслигини кўрсатмайди.

Матфей Инжилида бунга ажойиб исботлар бор:

«Эшитинг, нима дейилади: «биродарингни сев, душманингни нафратлан». Мен эса: «душманингни севинг, сизни қарғагани алқан, сиздан нафратланувчини ҳурмат қилинг, сизни таҳқирловчи ва таъқиб қилувчини дуо қилинг», дейман...»

Яна бир жойда: «... эзолигга қаршилиқ

қилманг. Аммо бир юзингизга урганга иккинчи юзингизни тутиб беринг...».

Бугунга келиб аввал бошқа бирор динда учрамаган ушбу гоёлар инсониятга тақдим этилган энг муҳим ва энг ажойиб насихатга айланди. Фақат... одамлар шу пандларга амал қилганларида эди, Исо масиҳ ҳеч шубҳасиз, китобимизда биринчи ўринга чиқарилган бўлар эди.

Бироқ ҳақиқат шундаки, бу пандлар унчалик ҳам кенг тарқалмади, уларга ҳамма ҳам, доим ҳам риоя этавермайди. Ҳаттоки христианлар ҳам «Душманингни сев» пандини яшаб турганимиз дунёда ўринсиз, фақат қандайдир мукаммал оламдагина қўлланиладиган йўриқнома сифатида қабул қиладилар. Ҳеч ким бу принциплар асосида яшамайди, бунини бировдан кутмайди, фарзандларини шу руҳда тарбияламайди. Мана, нима учун Исо масиҳнинг энг муҳим насихати амалда шунчаки ҳаётда ўз тасдиғини топмаган тилақдай бўлиб қолмоқда.

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ
тайёрлади

ИСО МАСИҲ

Шарифат ғубоқлари

имкониятларидан фойдаланилган ҳолда баён этилган. Навоий ҳазратлари Кеш — Шахрисабз хусусидаги таърифини давом эттирар экан, бир неча шахс оти, яъни тарихий, афсонавий кишилар номи, таҳаллуслар, «Кишвар» ва у билан боғлиқ бир қатор тарихий жой номлари, самовий жисмлар атамаси, диний-тасаввуфий асарлар номи, пайгамбарлар ва авлиёлар номларини эслатади, таърифни бойитади. Ҳар бир исм ва этник ном кишини ўзига тортувчи қизиқ воқеалар билан бирга бир қатор рамзий ўхшатишлар асосида бадий таърифлангандир. Масалан, Шахрисабз таърифида ҳазрат ранг-тус билдирувчи сўзлар орқали унинг табиий сифат ва тавсифини келтира олган. Алишер Навоий бу юртини:

Чун душанба сипеҳри зангори,

Зангдин қилди кўзғуну ори.

Қилди юз реву ранг ила гардун,

Субҳ чодиршабин зумуррад гун.

Чашмаси бирла меҳри олам тоб,

Қилди кўп сабззорини сероб

тарзида куйлайди. Бунда душанба кўк ранг ҳамда алоҳида рамзий тарзда тасвир этилади. Шу тариқа асарда Шахрисабз — кўк, яшил шаҳар, яъни ҳамшиша баҳор; Кеш-Каш — дилкаш, ром этувчи шаҳар каби луғавий ва мажозий маъноларда қўлланган. Бундан ташқари шаҳар ва унинг таърифи, манзараси, аҳолиси хатти-ҳаракати, хуш-

муомалалиги, нутқ одоби, шеваси, ўзига хос кийинишлари бадий тасвир жараёнида маънодош сўз ва сўз бирикмалар асосида берилади: жаннатмонанд сабзавор диёр, тупроғи ҳам осмон каби кўк, одамлари ҳизрсирад донишманд, кўкламмонанд, гумбази нулфарий, осмоний либос, мовий қисват— ҳарир кийим, гулнорий қаср ва бошқалар. «Саъбаи сайёр»да Шахрисабз тарихи ва тавсифи билан боғлиқ киши исмларидан Қатор — девсифат қора тани шахс, жой номларидан Кишвар — мамлакат. Китвар — ҳозирги Китоб шаҳрининг қадимий атамаси, самовий атамалардан Саъди акбар — Юпитер юлдузининг мажозий ифодаси, шунингдек, Файлакүс — файласуф, Жомаспнома — қадимий тарихий асар номи ва бошқалар келтирилган.

Тарихий манбаларда Кешинг Сугдиёна таркибидаги йирик шаҳарлардан бири бўлганлиги таъкидланади. Шунинг учун, эҳтимол, сугд тилига оид қис, киш (Кеш) кейинчалик, вар, вор атрофи ўралган, кўрғон, қишлоқ маъносини англатадиган алоҳида сўзлар тарзида ишлатилиб, сўнгра ўзаро қўшилиб бир атоқли отга, яъни Кишвар — ўралган жой, атрофи мустаҳкамланган шаҳар каби жой номи ҳосил қилинган.

Алишер Навоий ўзининг «Хамса» дoston-

ларида ҳар бир мамлакат, юрт ва шаҳарлар тарихини ерли халқлардаги бадий образлардан моҳирона фойдаланган ҳолда уларга умуминсонийлик юқлаб ифодаляди. У, айниқса, Шахрисабз таърифида шу қадар реал тафсилотлар берганки, булар унинг шаҳарда маълум муддат бўлганлиги ҳақида таҳмин қилишга асос беради.

Навоий ўз илмий, бадий мушоҳадаларини такомиллаштириш мақсадида 1462 йилда Ҳиротдан Самарқандга келган. Эҳтимол, шоир ушбу сафар давомида (йирик қарвон йўллари Шахрисабз орқали ўтганлигини назарда тутсақ) шаҳарга кўниб, унинг оройидан маълум муддат баҳра олган бўлса, ажаб эмас. Бундан ташқари Шахрисабз манбаларда шайхлар, олимлар, саййидлар шаҳри сифатида таърифланадики, бунини «Гумбази саййидон» обидаси ҳам тасдиқлайди. Маълумки, Навоий ёшлигиданоқ эътиқодли, сўфийликка эҳтиромли бўлган. Шу маънода, у саййидлар шаҳри бўлмиш Шахрисабзни махсус зиёрат қилган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Нима бўлганда ҳам, Шахрисабз бугунда Навоий таърифлагандек гўзал, Навоий таърифи-да шаҳарнинг бугунги жамолидек мукаммал.

Зиёдулла ҲАМИДОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Устознинг сўнги кунлари

Ўтган аср ўзбек адабиётига кўплаб бетакрор истеъдодларни, улкан бадиият даргаларини тўхфа этди. XX аср ўзбек адабиётининг забардаст вакилларидан бири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шўхрат (Фулом Алимов) ҳаёт бўлганларида 85 баҳорни қарши олар эдилар. Атоқли адиб кўп асрлик тарихга эга адабиётимизни хилма-хил асарлар билан безади. Унинг «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас», «Жаннат қидирганлар» романлари, кучли романтик руҳ билан сўғорилган шеърый туркумлари аллақачон адабиёт муҳибларининг сеvimли мулкига айланиб улгурган. Ёзувчининг Ватани севишга, турмуш синовларини мардонвор энгиб ўтишига ундовчи курашчан қаҳрамонлари ҳаётий тажриба ва теран мушоҳада маҳсулидир. Миллий характердаги бу қаҳрамонлар ҳали-ҳануз таъсирчан кучини йўқотган эмас.

Шеърларининг бирида:

«То тирик экансан одамдай йиғлаб,
Одамдай севилиб, қайғуриб яша!» — деб ёзган атоқли адиб бутун умри давомида эзгуликка, инсонийликка интилиб яшади. Унинг асарларидаги яшовчан қудратнинг боиси ҳам, аҳтимол, шудир. Қуйида адибнинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳаётининг сўнги кунлари ҳақидаги хотиралари ҳукмингизга ҳавола этилмоқда.

ШУХРАТ

Саккизинчи апрелда уни Москвага даволаниш учун кузатиб қолаётганимизда қирқ етти кундан кейин дунёдан ўтишини ва қошида бўлишимни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим...

У жўнабдики, ёру биродарларнинг қулоғи ўша ёқда эди.

22 май кечаси Абдулла Қаҳҳор мени йўқлатганини ва билет аэропорнга тайинлаб қўйилганини билдиришди. Бу хабардан гангиб қолдим: ўзи тинчликми? Наҳотки у оғирлашиб қолган бўлса?! Йўқ, у Тошкентни, ёру биродарларни соғинганидан мени йўқлаган. Шу яхши ният билан 23 майда эрталаб йўлга чиқдим. Лекин барибир шайтон минг ёққа етаклаб кетарди. Мен Москвага, назаримда, бунақа узоқ учган эмасман!

Москва аэропортидан туриб телефон қилдим: ҳайрият, тинчлик экан!

У В.А.Вишневский номидаги Хирургия институтида даволанарди. Мен кириб борганда чалқанча ётар, ранги-рўйи ортиқча олинмаган, қарашлари аввалгидек тетик ва кузатувчан, лекин қовоғининг салқиши, вазмин ҳаракатлари уни оғир дард билан мардона курашиб келаётганини тилсиз изоҳлаб турарди. Мени кўриши билан унча гўш қочирмаган юзига салгина мамнун кулги сочилди ва кўлининг учини дармонсизгина кўтарди. Мен унинг кўлини зўр мамнуният билан кафтимга олар эканман:

— Бундоқ энгашинг, Тошкент нафасини олиб келгандирсиз, — деди.

Мен унинг юзига юзимни қўйдим. Кўзимга ёш қалқди. Бошимни кўтарсам унинг ҳам кўзларида соғинч кизариши...

Мен ёру дўстларнинг саломини топширдим, ҳол-аҳволларини сўрадим. Ҳар қачонгидек вазмин, етти ўйлаб бир кесадиған устоз ортиқча бир ҳаяжон ва ўкинчсиз, ўз одатича битта-битталаб деди:

— Мен реалист одамман. Ўлимдан қўрқмайман. Лозим топган нарсами ёздим, айтишим керагини айтдим. Энди, ҳамма ёзувчиларда бўлганидек менда ҳам чала қоладиганлари бор. Бу табиий.

Менинг ўпкам тўлиб, у кишининг сўзини бўлиб, ҳали узоқ ашашларини айтган эдим, Абдулла ака унча аҳамият бермади. Яна ўша реалист сифатида ҳаёт маъносининг тубигача тушуниб яшаган, ўз бурчини шараф билан ўтаган донишманд кишидек анча нарсаларни сўзлади. Докторлар ва лозим ўртоқлар билан гаплашувимни, Тошкентга олиб кетишимни илтимос қилди.

— Кўзимни мана бундай очиб Тошкентга кириб бораё (у қилиб кўрсатди), бир яйраб нафас олай, — деди ва сал вақт ўтгач, яна қулиб қўшди: — Тошкентни ҳам кўп кўрганмиз-у, шундай бўлса ҳам...

Шу кейинги жумлани айтarkan, унинг кўзида «Укинганимдан ёки ночорлигимдан айтаётганим йўқ, бир кўнглим тусаб қолди, бир орзу-да» — деган маъно бор эди.

Шу кунни икки соатга яқин сўхбатлашиб ўтирдик. Бу орада врач келиб, унинг камроқ гапириб кўпроқ тинглаши кераклигини таъкидласа ҳам, Абдулла ака бир томондан гўё сўзлаб қолишга шошилаётгандек парво қилмаса, бир томондан сўхбатдошга илҳақ бўлиб, зерикиб ётган кишига ўшарди. Лекин мен ажалдан қўрқанидан шошиб қолган одамнинг ҳовлиқишини, ваъз-насихатини, энтиқишини кўрмасдим. У жуда хотиржам, сўзлари ҳам ҳар қачонгидек ўз услубига хос қисқа ва донна-дона, орасида ҳазил-мутойиба ёки қозоқриқлар ҳам учраб турарди.

Абдулла ака айтгандек, «бир мамлакатча келадиган бу шаҳарда» узоқлашиб кетмай, унинг илтимосига қўра, Ўзбекистон ваколатхонасининг ётоғида кўндим.

Эртасига Абдулла аканинг илтимослари билан банд бўлиб, соат иккиларда келсам, у киши «Қаерларда юрибсиз?» деб кутиб олди. Мен қисқача ҳисоб бериб, институтнинг директори, академик А.А.Вишневский билан ҳам учрашганимни айтдим. Гарчанд докторлар бу ҳолда ҳали-бери бирор ёққа олиб кетиш у ёқда турсин, бошқа касалхонага қучириш ҳам амримаҳоллигини бир оғиздан айтган бўлса ҳам, мен Абдулла акага энгилроқ қилиб, бу ҳақда бирор ҳафтадан кейин аниқ фикр айтишмоқчи бўлганликларини минг бир хижолат билан аранг билдирдим. Абдулла ака «Э, аттанг»га ўшаш бирор ҳаракат қилмади. Фақат сув сўради. Рафиқаси Кибриёхон тутган боржомидан бир хўплагинга ичиб, тамшаниб қўйди. «Бу ёлғонимга нима дерканлар» деб Абдулла аканинг оғзини пойладим, у кишини елпишини



тўхтатиб қўйган эканман, Абдулла ака шуни эслатди:

— Еллинг, сиз елписангиз ором олаяман!

Мен шоша-пиша «ўз ишимга» тушиб кетдим. Орага узоқ жимлик чўкди. Мен елпийман, Кибриёхон оёқ-қўлларини, баъзан бошини укалайди.

Бир маҳал Абдулла ака сўз бошлади:

— Болалигимда ўртоқларим билан Наманганга бормоқчи бўлиб, Кўкон тепасидаги Каптархонага ўтиб қолибми. Кўрсак, тоғ тепасида битта кирғиз турибди. Енида битта ўтов, битта от, битта шарқираб оқиб турган арик. Сўрадик: «Бу қаер?». «Каптархона» деди кирғиз. «Наманган қаёқда?» Кирғиз қўли билан бир томонни кўрсатди. Ҳаммамиз орқамизга қайтдик... Эрталабдан бери шу воқеа эсимга тушиб, хаёлимдан кўтарилмайди. Қани энди шу маҳал ўша арикдан бир пиёла сув ичам!

Бир неча кунки Абдулла ака овқатдан қолган экан. Мен боримда ҳам бирон нарса истамади. Нимаики таклиф этилса, бошини сал қимирларат ёки секингина рад жавобини берар эди. Лекин оғзи тез-тез қақрарди: гоҳ чой, гоҳ сув сўрарди. Баъзан қандли, баъзан қуруқ памил чой ичарди, баъзида бир қултумгина боржоми хўпларди.

Табий ҳамира навбатдаги уқолни қилиб кетгач, Абдулла ака тепасида ўтирган бизларга илтимос қилиб қолди:

— Айтинглар: шу ташвишларни тўтатсин, нафи йўқ. Умримда ёмон кўрганми ориқлаб ўлган киши!

Чиндан ҳам Абдулла акага жуда кўпуқол қилишарди. Мен силаб туриб, уни тирсагидан юқориси ва сонинг уқолдан тош бўлиб кетганини сездим. Ичимда «Баданинг бутун ери қолмабди-ку» дедим. Бу уқоллар етмаганидек тепасида кислород берадиган асбоблар тайёр турар эди. Сал нафас олиши оғирлашса дарров бурнига тўғирлашарди. Абдулла ака кислородга қарши бўлмаса ҳам, аппаратдан чиқадиغان товушни ёқтирмас, унга ҳўмайиб қараб қўяр, баъзан шу товуш тўфайли уни вақтидан олдин олиб ташларди. Яна бемалол гаплашиб ўтираверарди. Ана шундай сўхбатлардан бирида умр, ижод, дўст-ёрлар ҳақида гап борар экан, Абдулла ака деди:

— Одамлар мени душмани кўн деб уйлайди. Ваҳоланки, менинг душманим йўқ. Мен ҳам ҳеч кимга душманлик қилган эмасман. Ма-бодо, бирор одамга қаттиқ гапирган ёки у ҳақда ёзган бўлсам, ада-биётимизнинг равнақини кўзлаб, жоним ачиганидан, ўша одамнинг талантсизлиги ёки ёмон асар ёзгани учун шундай қилганман. Ма-бодо шу ёмонликка кирса, мен ёмонман.

У мийғида қулиб, шунинг аксини ўзи тасдиқлаб турарди.

Мен Абдулла ака юрагининг икки марта оғирлашиб, хуруж қилганини кўрдим. Бу ўлимидан бир-икки соат аввал 25 май куни эрталаб содир бўлди.

Бир кун аввал анча енгил тортган Абдулла ака кечани безовтароқ ўтказган. Кибриёхоннинг таъкидлашича, яна Тошкентга олиб кетишларини илтимос қилган; мени йўқлаган. Ярим кеча бўлгани учун Кибриёхон менга телефон қилишни эпкўрмай, фақат соат еттиларга яқин хабар беради. Уйку аралаш телефон трубкасини олишим билан Кибриёхоннинг товушини эшитиб, чўчи кетдим. Жон ҳолатида «Тинчликми?» дедим. Кибриёхон тинчлигини айтиб, Абдулла ака сўраётганлигини билдирди. Елиб кўчага чикдим. Кўчада эндигина ҳаракат бошланиб келяпти. Не-не хаёллар билан институт — шифонага етиб бордим. Нинанинг икки поясини битта қилиб учинчи қаватга кўтарилдим, палатага бехалат кирдим. Абдулла ака мен ўйлагандан ҳам сокин ва хотирхам ётибди. Мени кўриши билан «Келдингизми?» деди. Мен ёнларига ўтирдим. Тепаларида Кибриёхон ва синглиси Марҳабо. Одатимни қилиб қўлларини силадим. Сал ўтиб, Марҳабо қўлидаги елпигични олдим. Гарчанд Абдулла ака мени йўқлатган бўлса ҳам, анча вақтгача ҳеч нарса демади. Жим ётди. Бир хўплам чой ичгандан кейингина қайси асарлари чала қолаётганини таъкидлади. (Буни кеча ҳам эсланган эди.) Кейин осмондан бир тўйиб нафас олиш орзуси борлигини билдирди. Мен далда бердим. У қатъий деди: — Олиб кетишнинг иложи йўқми? Орзу-да: осмонда бир нафас олай! Мен яна турли вазлар билан далда бердим. Шундан кейин Абдулла ака ўтқазиб қўйишимизни ўтинди. Олдинга иккиланиб туриб, кейин ҳамширалар ихозати ва кумагида қадларини кўтардик. Шунда Абдулла ака: — Мана, орзуга етиш мумкин экан-ку! Қандай

якши, — деди ва эркин нафас олди. Салдан кейин ҳамширалар «Энди бўлди, етади» деб яна ётқизишди. Ана шунда билдимки, Абдулла акада қандайдир безовталиқ бор. Лекин у бизга билдирмоқчи эмас. У ухламоқчи бўлган кишидек кўзини юмди. Бирдан қорни билан нафас олиб энгак ости тез-тез бориб келаверди. Кибриёхон ҳаяжон билан менга астагина «Приступ!» деб қўйди. Бу хуруж бир неча дақиқага чўзилди. Абдулла аканинг ранги ўзгариб, майда чакка томирлари гунафша рангига кирди. Кибриёхон бу хуружларга қанчалик «кўнкам» бўлмасин, типирчилаб қолди. Кўзига ёш чиқди. Мен кўзлари жиққа ёш опа-сингилларга қанчалик далда бермоқчи бўлмайин, ўзимни босиб ололмасдим. Димогим ачиб, бутун баданим титради... Югуришиб кирган ҳамширалар кетма-кет уқол қилишди. Кислород қўйишди. Бир неча дақиқадан кейин Абдулла ака ўзига келди, кўзини очиб «Сал ухладимми?» деди. Биз тасдиқладик. Ахир қандай қилиб «Оғир бўлиб турдингиз?» деймиз. Абдулла ака гўё ҳеч нарса бўлмагандек, яна сўзлашиб ётди. Бир соатлар чамаси вақт ўтгач, яна ўша ҳол такрорланди. Яна шошиб қолдик. Яна ўзига келди. Лекин бу гал бўшашиброқ кўзини очди. Узоқ жим ётди. Унинг оғирлашиб қолганини эшитиб, бундан уч кун аввал Ригадаги ишени ташлаб келган профессор Шабот Хўжаевни сўради. Уни ҳам эрталаб сўратган экан. Турган ери олислигидан Шабот Хўжаев ҳамон ётиб келолмас эди. Яна енгил-елпи гаплашиб ўтирдик. Бир вақт да-воловчи врач Софья Георгиевна кириб келди. Уни кўриши билан Абдулла ака бизга ўзбекчалик деди:

— Айтинглар: кўрмаса ҳам майли. Фойдаси йўқ.

У гапини тугатмасдан врач Абдулла аканинг томирини ушлади ва ўзига қарашни илтимос қилди. Абдулла ака қийналиб сал кўзини очган бўлди ва шу заҳотиёк боши чапга бурилди, кўзлари қинидан чиқиб кетгудек даҳшатли очилиб, безовталанди. Бу жон кўчиши эди. Бир-икки лаҳзадан кейин яна у ўзига қайтди, бу орада врач ва ҳамширалар ўз тadbирини кўрди. Ўзига қайтган Абдулла ака салгина кўзини очиб, билинар-билинмас табассум қилди. Табассумнинг сўнги яна бояги ҳолат билан уланиб кетди. Кўзлари катта очилиб, асабий бир ҳолатда оёқ-қўли тортишиб келди. Қўлини мен, оёғини Кибриёхон ҳасиб қолдик. Шу орада энгак ташлади: Абдулла ака, буюк бир одам оламдан ўтди. Соатга қарасам, Москва вақти билан 10 дан 23 минут ўтибди.

Шундай қилиб, 1968 йилнинг 25 май куни ўзбек китобхони севимли ёзувчисидан, ёш адабиётчилар эса одил, меҳрибон, талабчан, ҳассос, ҳаққўй мураббийидан жудо бўлди. У ҳаётда қандай мардон-навор яшаган, ижод этган бўлса, ана шундай матонат билан сўнги нафасигача ҳаёт кечирди. Унинг ўлимини эсласам «Ҳаёт билан видолашишнинг ўзи ҳам бир санъат экан. Бунга ҳам матонат ва ирода керак экан» деган хаёлга бораман.

Устоз Абдулла Қаҳҳор йўқ. Унинг теран фикри, ҳассос талаби билан ёзилган ажойиб асарлари узоқ йиллар қўлдан-қўлга ўтиб ўқилади. Қаҳҳор яратган адабий мактаб авлоддан-авлодга эстафета бўлиб ўтади.

У тириклигидаёқ ўлмасликнинг мандатини қўлига олган эди.

Чапдан ўннга: Кибриёхон Қаҳҳорова, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Шўхрат ва Саид Аҳмад





Мабият аёлга шундай дейди: уддасидан чыксаңг гүзал бүл,
хохласаңг оқила бүл, аммо гидрокли бўлмоғиңг шарт!
Пьер БОМАРШЕ

Агар қалбимиз соф бўлса, «аёл» сүзи биз учун улдуғворликка
лиммо-лимдир.
Этьен СЕНАНКУР

Моки ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, улар ҳақида
ҳамиша ниядир янги гап айтиш мумкин.
Станислав БУФФЛЕР

Маданиятнинг қай даражадалиги аёлга бўлган муносабат
билан белгиланади.
Максим ГОРЬКИЙ

Ман гүзаллиги ошиқларни шайдо қилиши мумкин, уларни
бир умр мафтун этиш учун эса қалб гүзаллиги талаб
қилинади.
Калёб КОЛТОН

Она қалби битмас-туганмас мўъжизалар манбандир.
Пьер БЕРАНЖЕ

Аёлларга хос ўлмас назокат яхши эркакларга ҳамиша қанот
бағишлаб келган.
Ромен РОЛЛАН

Муз муҳаббати билан олишаётган аёлнинг қатъияти оламда
мавжуд жами қатъиятларнинг энг олижанобидир.
СТЕНДАЛЬ

Ота дунёдан кўз юмганда болаларига ота ўрнини босадиган
аёлгина чинакам онадир.
Иоганн ГЁТЕ

Эпиграмма



ВАТАНИМ БОР
Мусаффо осмон узра
Учаман қулоч ёзиб,
Эрким йзимда, шукур,
Мен шундай озод қушман.

Биз бахтиёр авлодмиз,
Келажакка муносиб.

*Нурли тоқимизга
Ҳамла қилолмас душман.*

*Булбуллар учун баёт,
Авлодларга мангу шон.
Бу ерда сокин ҳаёт,
Бунда тинчлик ҳукмрон.*

*Қалбимда фахр, ғурур,
Ҳар нафасда зафар ёр.
Бахтиёрман, дўстларим,
Муқаддас Ватаним бор!*

БАҲОР
Ён атрофда кўм-кўк майсалар,
Бошимизда кўк гўмбаз осмон.
Қувончимиз чексиздир, дўстлар,
Далаларда яйраймиз шодон.

*Яна диллар завқларга тўлиб,
Боғу розлар очади чирой.
Олтин водий кокили бўлиб,
Тўлқинланиб шошиб оқар сой.*

*Ёмғирларда сайр этиб энди,
Чучумалар терамиз қирдан.
Бошимизда офтоб нур сочар,
Бош кўтарар ҳар гиҳ ердан.*


Баҳор келди, дўстларим, баҳор!

Ноҳира ГУАТОВА






Иброҳим ФАЙЗУЛЛАЕВ —
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Сурхондарё вилояти Денов тумани
Собир Раҳимов номли жамоа
хўжалиги бошқаруви раиси


ЭРКИН ВА ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА “ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ КУБОГИ” VI ХАЛҚАРО ТУРНИРИ



Мусобақалар Ўзбекистон мазҳабидегилик ва спорт ширкатини ривожига хизмат қилди



- Жаҳон чемпиони Дилшод Орипов барча беллашуларда ғалаба қозониб, ўзининг чемпионлик мақомини яна мустаҳкамлади.
- 2000 йил Олимпиада ўйинлари кумуш медали соҳиби, Осиё ўйинлари (2002) ғолиби Артур Таймазов финалда уч қарра жаҳон ва тўрт марта АҚШ чемпиони Керри Маккой устидан тўла ғалабага эришди.
- ФИАнинг Осиё Ассоциацияси ҳамда Ҳакамлар раҳбарияти томонидан Тошкент халқаро турнири энг демократик ва ҳаққоний беллашулар майдони сифатида эътироф этилди.





*“Машвал” радиотележурналига
25 йил пуриди*



Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат ва демократик жамият куриш йўлидан дадил бормоқда. Мустақилликнинг илк босқичларидан бошлаб жамиятимизда аёллар мавқеини юксалтириш, уларни улуғлаш ҳамда давлат томонидан ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди ва бу ҳаракатлар давом этмоқда.

Аёллар одатда бир-бири билан боғлиқ бўлган уч вазифани бажаришади: репродуктив, продуктив ва ижтимоий. Эраклар эса фақат продуктив ва ижтимоий фаолият билан шугулланишади. Репродуктив вазифа — бола туғиш ва уй ҳўжалигини юритиш ишчи кучини тиклаш ва кўйлаб-куватлаш учун ниҳоятда зарур. Хотин-қизлар жамиятнинг узлуксизлигини таъминловчи, аҳоли доимий янгилашни туришида катта аҳамиятга эга бўлган вазифани бажаради.

Аёлларнинг репродуктив вазифа бажариши қанчалик муҳим бўлмасин, унга ҳақ тўланмайди. Шу боис ҳам аёлларнинг мана шу оламшумул хизмати жамият вужудга келгандан то ҳозирги кунгача ўз қимматиغا яраша тақдирланмаган. Фақатгина ХХ асрнинг охиридан бошлаб бу масалага етук олимлар томонидан эътибор берилиб, жамоатчилик ҳамда ҳуқуматларнинг диққат-эътибори қаратилди.

Аёлларнинг бу уч вазифани рисоладагидай бажариши биринчи навбатда уларнинг репродуктив саломатлигига боғлиқ бўлади. Репродуктив саломатлик соғлом фарзанд туғиш, вояга етказиш, оиланинг мустаҳкам бўлиши ҳамда продуктив ва ижтимоий вазифаларни тўқис бажаришга имконият туғдиради. Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, «агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади». Она ва бола соғлигини сақлаш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланишининг сабаби ҳам шунда. Ҳозирда аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш мақсадида комплекс дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар доирасида аёллар репродуктив саломатлигини асраш ва шу билан бевосита ва билвосита боғлиқ масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса ўз навбатида аёлларнинг билим олиши, касб-ҳунар ўрганиши, жамоат ишларида фаол иштирок этиши, юқори лавозимларда ишлаши, қонунлар ишлаб чиқаришда иштирок этиши каби фаолиятини таъминлайди. Ҳолбуки, бозор иқтисодиёти шароитида аёлнинг соғлом билим, касб-ҳунари, тадбиркор, ижтимоий турмуш муаммоларини ҳал этишга қобилиятли бўлиши тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Аёллар ҳаётида мавжуд муаммоларни ҳал этиш ҳуқуматимиз билан биргаликда жамоатчилик ҳамда нодавлат ташкилотларнинг зиммасига ҳам қатор масъулиятли вазифалар юклайди. Бу борада «Тадбиркор аёл», «Аёл ва саломатлик», «Шарқ аёли», «Аёл ва жамият» каби нодавлат ташкилотларнинг фаолияти республикаимиз ҳаётида сезиларли из қолдирмоқда. Масалан, «Аёл ва жамият» институти аёлларнинг репродуктив саломатлигини тиклаш, уларнинг соғлом фарзандлар кўриши учун тиббий маданиятини шакллантириш, санитария-гигиенага риоя қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга жиддий эътибор бериши

кераклигини англаб етиб, хорижий жамғармалар кўмағида бу соҳада ўттиздан зиёд халқаро ўқув семинарларини уюштириш ҳамда иккита китоб, ундан зиёд қўлланмалар нашр этди.

Шунингдек, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятга қизиқишларини ўрганишга ҳам институт томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Мана шу соҳага тааллуқли социологик тадқиқотимизнинг натижасига кўра, агар собиқ тоталитар тузум даврида қишлоқ аёлларининг қизиқиши ва касб танлашида механизатор, сут соғувчи бўлишга интилиш етакчилик қилган бўлса, ҳозир улар ўзининг хусусий корхонасини очиб, дипломат, ҳуқуқшунос, врач бўлишни орзу қилишаркан. Хотин-қизлар ичида қишлоқ ҳўжалигига оид мутахассис бўлиш истаги деярли йўқ. Бундай муносабатнинг объектив ва субъектив сабаблари бор ва улар махсус тадқиқотни талаб қилади. Аммо муҳими шундаки, қишлоқ хотин-қизлари бугун ҳар қачонгидан ҳуқуқий маърифатга муҳтож. Олган жавобларимиздан маълум бўлдики, сўралган хотин-қизларнинг ярмидан кўпи ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларидан яхши хабардор эмас, ҳатто уларнинг 34 фоизи бутунлай беҳабар эканлигини очиб эътироф этади. Ҳуқуқаролик жамияти ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида гап кетар экан, хотин-қизларимиз уларга берилган ўз сиёсий ҳуқуқлардан ҳали тўлалигича фойдалана олмаётдилар десам муболага бўлмайди. Масалан, 1999 йил бўлиб ўтган охириги сайловларда умуман республика бўйича 1242 та номзод кўрсатилган бўлса, шулардан фақат 144 таси, яъни 11,5 фоизи аёллар эди.

Сайлов жараёнида аёлларнинг ўзлари тарафидан пассив ҳаракат қилинганлиги билан бир қаторда жамиятнинг раҳбар аёлларга муносабати ҳам унча ижобий эмаслиги кузатилди. Хусусан, хотин-қизлардан иборат сайловчилар ҳам ўз овозларини эрак номзодларга бериб, аёлларга нисбатан ўз ишончсизликларини кўрсатишди. Бу менинг нуктаи назаримдан аёллар электорати билан кам иш олиб борилгани натижасида юзага келган ҳол, деб ўйлайман. Бу — биринчиси.

Иккинчиси, менимча хотин-қизлар учун квота киритиш масаласи шу кун талаби бўлиб турибди, чунки жамиятда аҳолининг 50 фоиздан ошигини ташкил қиладиган хотин-қизлар вакилларининг парламентда ҳам сонда иштирок этиши — аёлларга бўлган ишончсизлик ва уларнинг жамиятдаги ролни камситиш деб таъкидлаш мумкин. Бу ҳолатни ўзгариштириш учун бошқа ривожланган давлатлар тажрибасини қўлласак, тўғри бўлар эди. Хусусан, хотин-қизларнинг Скандинавия, айрим Европа давлатларидаги сиёсий фаолликлари натижасида уларнинг парламентларида квота масаласи ижобий ҳал этилган. Бизда ҳам ўтмиш даврида аёлларимиз онгини, фаоллигини ошириш мақсадида квота тизимини жорий қилиш заруратидир.

Қузатувлар шуни кўрсатаптики, жамиятимизда партияларнинг ҳаракати унчалик ҳам сезиларли даражада деб бўлмайди.

Республикада фаолият кўрсатаётган партиялар ўқимишли, фаол, масъулиятни сезадиган хотин-қизларимизни ўзларининг қаторига жалб қилиб, уларни сиёсий фаолиятга тайёрлашлари зарур. Фақат шундагина 2004 йилда бўлиб ўтадиган парламент

сайловларида аёлларимиз учун сиёсий майдонга чиқиш имконияти кенгаяди. Албатта, давр аёлларнинг ўзидан ҳам ҳаракат ва фаоллигини талаб қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мустақиллик аёлларнинг истеъдод ва имкониятларини намоён этиш учун шароит яратиб берди. Шу боис, улар биринчи навбатда ўзларининг репродуктив саломатлигини тиклашга аҳамият бериши, бу соҳадаги замонавий маълумотлардан хабардор бўлмоғи лозим. Негачи, соғлом аёлгина соғлом фарзандларни туғиб тарбиялаши мумкин, соғлом аёлгина оилада соғлом муҳит ярата олади.

Наталья МУРАВЬЁВА,

«Аёл ва жамият» институти директори



АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА...

(қисса)

20

Хақиқатан ҳам Акмалнинг ётоғи бўлак, бу хона айна чоғда иш кабинети — кутубхона ҳам эди. Бунда ҳам шифонер, шкаф деганлари, ҳатто электр плита бор эди.

Акмал шифонерни очиб қўйиб, илгичларда саф тортиб турган турфа ранг костюмларни кўрсатди.

— Танла, ол. — Кейин сигаретини тутатиб дераза томонга кетаркан: — Ўл-е, ўзингдан аяган бўлсанг, — деди. — Бу оламга одамзод нимага келади? Фақат еб-ичишу раҳбарлик қилиш учун эмас-да... Кийим — одамнинг хусни. Кўпинча кийим-бошингга қараб баҳо беради сенга одамлар...

— Бўлди. Кўп вайсама, — дея шифонернинг бурчагидан тим қора бир костюм-шимни илгичи билан чиқариб олди Бўривой. — Мана, бўладими? Лекин рози бўл.

— Розиман, розиман. — Акмал яқиндагина олгани, бор-йўғи икки марта кийгани — энг қиммат костюмини кўрди. Юраги «шув» этиб: «Билади нимани олишни», деб ўйлади-да, қўлини фотиҳага очди: — Тўзитиб, тепкилаб кий. Лекин асл мол, жўра... Шунга яраша туфли билан қўйлак ҳам олсан энди...

Акмал «асл мол» деб мактагани учун Бўривой қўлидаги буюмга яна бир қаради-да, унинг хақиқатан ҳам антиқа экани — қандайдир йилтираётганию кифти-елкаларининг теп-текис бўлиб, ҳозир дамолдан чиққандек силлик, пироварди, нимаси биландир ўзининг байрамларда қиядиган формасига ҳам ўхшаб кетишини кўрди ва ўзи англамаган ҳолда ҳис этдики, ана шу «ўхшашлик» туфайли ушбу либосни олган эди: ҳа, йўғасам костюм танлашни унга ким қўйибди?

— Балки кийиб кўрарсан?

Дўстининг бу холисона тақлифи унинг учун айна муддаодек туюлди ва эшик томонларга ўғринча қараб олиб, тез-тез ечина бошлади. Ниҳоят, кийинди ҳам. Шифонер биқинидаги узунчоқ тошойнага ўзини солиб, хўб томоша қилгач, шундай хурсанд бўлиб кетдики, стуллардан бирини кўзгу қаршисига тортиб, ўтириб олди.

Вой-бўй, катталар қиядиган бу «граждан» кийимида ҳам гап кўй экан-ку: бунча сипо, бунча салобатли, ҳам чиройли кўринаркан киши... Хақиқатан ҳам шундай костюмли арбоблар қаршисида довдираб қолардинг-а, Бўривой! Бу томонларни вақтида билганингда бундан ҳам «аслроқ» костюмлардан олиб киймасмидинг... Ўл, сен. Форма билан гурурларнинг, холос. Илло, формага қўл тегизган ёт унсурнинг жойи — қамоқ эканини оддий курсантларинг ҳам билишади ва биронтасининг пағони юлингудек бўлса, қиёмат қўйим бўлиб кетарди: ўша шўрлик айбдор ўз қўли билан пагонларни жойига маҳкамлаб тикиб бериш!!! ваъда қилса-да, ваъдаси ҳам, эҳтимолки, камерада ижро этилади... Ҳа-е, ҳаммаси ўтди-кетди. Айтмоқчи, бу костюм-шим қанча турар экан?

Шу тўғрида сўрамоқчи бўлди-ю, ўзбекчиликнинг одоби уни тўхтатиб қолди.

— Ҳа, асл мол экан, — деб гўлдиради. Ичида эса бу «асл мол»га эгаллик қилишга қанчалик ҳуқуқи ва ҳаққи борлиги масаласи жунбуш қилиб, дарҳол бу туйғуни ҳам босди: «Мен ҳам қуруқ қўл билан келмадим-ку? Тўқлининг ўзи фалон минг сўм турар эди... Ана, рашёт бўпсиз».

Акмал эса бу чоғда ўзга туйғулар оғушида эди. Яъни жўрасига костюмининг ярашгани ва бундан унинг ўта хурсанд бўлганини кўриб ўзида йўқ шодланганича, унга яна нималар ҳадея этишни ўйлай бошлаган эди.

Аммо-лекин бировни хурсанд қилганингдан хурсанд бўлиш ажойиб туйғу-да, а?!


Шундоқ бўлдики, орадан бир-икки дақиқа ҳам ўтмай туриб, Акмал Бўривой жўрасига «қулинг ўргулсин» бир қўйлак билан... галстук совға қилди: совгани берибгина қўймай, уни кийдирди ҳам... Ана энди Қораев Бўрининг қувонганини кўринг!

Пироварди, бу қувончини Акмалга ётиш олдидан шундай изҳор қилди:

— Акмал, сен тўғри айтасан, жўра. Менда худбинлик бор азалдан... Нега шундай экан-а?

— Ёт, ёт... Биламан. Барибери сени яхши кўраман. Энг қизиқ, эсда қолган даврларим сен билан кечган. Мен сендан кечолмайман. Сен ҳам... Бурним хунук, деб кесиб ташламайдилар-ку? Ухла, жўра. Эрта балиқ овига чикамиз. Тўполонда балиқ кўлдор? Эсингдами, сел ўтиб кетганидан кейин кўмга тикилиб қолган баликларни ту-

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)



ЙИЛЛИ

Colliston



3-4/2003

тардик... Тўполондан айланай! Сенга Чиборниям дарё совға қилибди...

Икки дўст ҳам деярли бир вақтда уйғонишди. Бўривой азалдан сахархез эди. Акмал эса нечундир безовтарок эдики, бунинг сабабини ҳадемасдан билиб олди Бўривой ва: «Бўям хотинидан қўрқар экан-да, — деб ўйлади-да, жуда-жуда ҳайрон бўлди. Нечук энди эр-каклар хотинларидан «қўрқишди?» Йўқ, ҳар ҳолда, уларнинг қовоғига қарашади... Ахир хотин халқи майдақаш, латтапараст бўлади-ку... — Ҳа, шу ерга етганда: — Стоп! деди. — Тушунарли!».

Ҳа, шундаки, Акмал уйғонибоқ безовталиқ ичра тимирскилана бошлаган, кейин китоб жавонидан белбоқ кенглигида бир шалди-роқ қоғоз топиб ва унинг ўртасига костюм-шиму қўйлак-бўйинбоғини қўйиб, яхшилаб ўраган, кейин қовоғини солганча Бўривойдан «Москвич»нинг калитини сўраган эди.

Ҳа, шуни сўраганидан кейин Бўри Қора гап нимадалигини буткул тушунганди.

Акмал қайтиб келгач, энди уйқудан уйғонгандек бир уйқусираган овозда:

— Икром! — деб чақирди. — Туш бўлкетди, ўғлим! Тур, мошинани қиздири! Қармоқ-сармоқ бари бағажда. Ҳўрак етилиб қолган бўлса, олиб ол...

Ажабо, Акмал-ректорнинг ўз ўғлига худди у дастёрдек иш буюраётгани Бўривойга туйқус наша қилиб денг, кўнгли сув очди: узининг ўғиллариям шундай бўлишсаиди... Дўқ қилиб, ҳайқириб, оталигини билдириб юрсайди Бўри Қора...

«Аблахлар, — деб ўйлади у. — Сенларни... жазангни бераман. Хали келасанлар мерос талашгани. Ахир, моллар қаерда, қимларнинг қўлидалигини мен биламан, холос. Мен сенларга айтмасам, бутун давлатим ўша чўпон-чўликларники бўлиб қолади... Келасанлар! Тўйчуқларинг кўп, маъракаларинг бор. Мол керак сенларга... Айтмоқчи, ҳар бирингга атаб қўйилган бузоқларим ҳам пода бўлади-ёв, кўзи-улоқлар отар бўлиб кетди...»

21

Бўри Қора Тўполонга яқин жойда яшаш ўтаётган эса-да, балиқ овиға бормаган эди: бачканалиқ бўлиб туюларди-да. Бироқ шамоллаб келиш учун соҳилга чиққан чоғларида таниш балиқчилар тугган хонбалиқлар қовурмасини еб тўймаган ҳам эди... Бу ерда ҳам эрталабдан қишқарсан балиқ овиға (Бўри Қора Тўполон бўйларида тонгдаёқ тизилиб ўтирадиган камгап балиқчиларни кўпкўра эди. Дарвоқе, ҳалиги бор-ку — ижрокўм шофёрининг касрига ноэди бўлган балиқчи чол? Уша ҳам тонг қоронғусида кўприкдан ўтаётиб балога гирифторм бўлган-да...) Аммо шахсан ўзи балиқ овлаб маза қилиб кўрмаган эса-да, бу ерликлар билан қишлоқ балиқчилари орасида талай фарқлари ҳам кўргандек бўлди. Масалан, Тўполонсой бўйларига марказлик арбобларнинг азза-базза ҳозирлик кўриб чиқишгани... кўрмаган эди. Бу ерлик ман-ман деган илм соҳиблари ҳам агар балиқчиликка жилла ишқибозлиги бўлса, тонг-азонлаб, Тўполоннинг суви ҳам қуйиладиган Сурхоннинг Амуға яқин ирмоқлари бўйига чопкиллаб қолишар экан: ким билади, шу асно боёқишлар болалиги кечган маконларни истаб ва ўша истақларни қондириб учун сув бўйига чиқшар?!

Зеро, Бўривой шу нарсага амин бўлдики, бу тур одамлар учун сувдан жонли балиқчи овлаш мурод эмас: овининг гаши таззат бағишлар экан буларга! Овининг ирмоқ атрофидаги манзараларнинг томошаси ерлани ўзига тортар экан. Ҳолбуки, ажаб, бу дарё-чининг соҳили уларни деярли тенг бўлиб, шу қадар соқин оқар эканки, тиқ этган... йўқ, шитир этган товуш эшитилса-чи! Жимжитлик.

Орка тарафда — воҳанинг шимлолида эса Боботоғу Бойсунтоғлари этагидан бошланиб энадиган саксовулли қумзор — кичкина сахро ястаниб ётар — бу ерлар ҳам Арпалчиўлнинг давоми эди.

Хуллас, овни болалар қилишиди... Ҳа, Икром бир ёқдан, Акмалнинг қайин оғаси бўлиш Маллабойнинг икки ўғли ҳам енг шимариб ва шимларнинг почаларини ҳимариб, бошқа ёқдан ишга тушиб кетишди.

Ниҳоят, «ухо» деган таом ҳам тайёр бўлди... Акмал бошлиқ эр-каклар, яъни ёши улуг балиқчилар машиналарда олиб келинган қандайдир буклама креслоларда оёқларини узатиб ўтиришар, тўйиб-тўйиб нафас олишар ва кечанинг ўзидаёқ ҳозирланган га-зақлардан тановул қилиб, киттақ-киттақ отишар эди.

Бўри Қоравени бу хил ўтириш — тезда зериктирган, бунинг устига эғнидаги эски-тускидан Маллабойнинг олдида уялар ва бундан сиқилар, қолаверса, бу атрофнинг тамоми манзараси айналарга қанчалиқ ҳузур бахш этаётган бўлса, Бўри Қорага шунавлар бефайз ва камбағал туюлар эди: ахир, дарё бўлса Тўполондай шарқираб, гувиллаб, одамни қўрқитиб оқса-да! Ана,

соҳилдаги жонсиз қамишлар ҳам ғариб кўринар, биронта йирик тош ё харсанг кўзга ташланмас эдики, бориб ўтирсанг. Энг хуну-ги — бутун атроф яёдоқ эди: ҳа, атрофингда тоғлар довиб турса, бир бўлакча бўлар экан-да...

Бўри Қора илк бора Тўполоннинг қадрига етди!

У ана шундай аросатда ўтирганида, орт тарафдаги тўлқинсимон қум барханлари оша бир отлик келиб қолди. Епирай, унинг тағиди от... га ранг-тус бериб бўлмас эди: қизил десанг, пушти бўлиб товланар, пуштиранг экан десанг, оқиш тўлқинлар жимирлашар эди. У Маллавой билан туркманчаб гаплашди-да, Акмал билан Бўривойга: «Пароғат, пароғат...» дея (демак, «фароғатда ўтирибсизларми?» дея) ёйилиб қоётган сувдан у томондаги тўқайзорга қараб, ҳуштақ чалди. Анчайин ҳуштақ... Ҳуштақдан кейин тағидида оти кишаб юборди денг. Чиройли кишнар экан. Ана шунда Бўри Қора мўъжизанамо томошанинг гувоҳи бўлди. Уша тўқайзордан таҳминан уч ёшларга кирган бир олтинтой отилиб чиқди-да, сувга ўзини ташлаб, кулоқларини чимирганча суза бошлади. Бурун катаклари кенгайиб кетган, кўзлари ҳам каттарган, оқим томонга қараб-қараб кўяр ва ҳиринглаган овоз чиқарар эди.

Соҳилга лип этиб чиқди-ю, шундай силкинди: атрофга майда ёмғир ёғилди. Кейин сувори остидаги отнинг (у бия экан) қошига келиб, бўйинини бўйнига ишқади.

— Тоза ўргатибсиз-ку буни, ёшулло? — деди Акмал.

— Инди кўпкаре солиям, — деди отлик ва эғари қошидаги чил-варини өчиб, тоининг бўйнидан боғлади. Сўнгра қандай келган бўлса, шундай қайтиб бета бошлади. Унинг ҳушлашганини ҳам билмай қолди Бўривой ва чавандознинг мағрурлигидан беихтиёр завқланиб:

— Зўр ийгитга ўхшайди-я, — деди унинг орқасидан.

— Жуда! — деб таъкидлади Маллавой. — Тўполон бўйларига ҳам бориб келади. Улоқ маҳалларида.

— А-аа, бу тойни ҳам кўпкарига солар экан-да?

— Ҳа, ўргатади-да аста-аста.

Бўривой тагин отликнинг орқасидан қаради. Анча ерга кетгач, яна қаради. Икки от ёнма-ён олиб боришар, чавандознинг битталиги энди ғайритабиий кўринар эди.

Бўривой фавулодда қўйин-кўнжи совғага тўла Қорбобога ўхшаб, не бир ажиб ва ёқимли ҳамда фойдали режалар кўнглида илҳиз отиб улгурган каби бир пиёла захри қотилин бўшати-ю, тили чиқди. Негадир гапни Маллавой акадан бошлаб, туркман отлари ҳар қанча зўр бўлмасин, масалан, қорабайирлар олдида ип эшолмай қолиши ҳақида қайсибир даврада эшитган гапларини айта бошлади. Ниҳоят, Умар синчи эсига тушиб кетди-ю, бў-ўлди: Алломишининг Бойчиборга ўтиб, ундай тулпорлар фақат ўзбекларда бўлгани, ҳатто йилқичи қозоқларда ҳам йўқлигини айтди...

Акмал сезиларли даражада миллатсеварлигиға ҳайрон, аммо гапини бўлмас ва ўқтин-ўқтин Маллавойга қўзини қисиб кўрди. Маллавой ҳам тоза оғирқарвон экан, чидади-чидади-ю, Бўри Қора ўзининг Чиборини «дастурхон» қила бошлагандан кейин бир-икки қимирлаб олиб, айтди:

— Оғажон, келаси йилдан кўпкарига солсангиз бўлар экан ўша тойингизни, — деди. — Мен ҳам бир от жиннисиман, десангиз... Сиз кўрган-эшитган кўпкарилардан биров-арминини қолдирмаган бўлсам, бариди бўлганман... Эй, Тўполоннинг сизлар яшайдиган жойлари бу ердан нима йўл? — деб ҳайқирди. — Ким кечиб шу маҳал жўнасақ, қош қораймасдан дарёнгиз бўйида бўлаемиз. У дарёнинг сувидан кўп ичганман.

Кейин сўхбат балиқчи ва дастёр ийгитчалар ҳақида кетди-ю, Бўривойнинг яна феъли бўзилди: бу ийгитчаларга ич-ичидан ҳаваси эмас... йўқ-йўқ, гашили, ҳатто ҳасади келаётганини туя бошлади. Шунга бўла уларнинг ҳар бириддан ҳеч қурса битта айб топишни ҳам истай бошлади...

Оқибат ўзининг ўғиллари бу ийгитчаларга қараганда, жиддийроқ, мағрурроқ ва шафқатсизроқ бўлиб кўрина кетди-ю, буларнинг учовини ҳам бир оғиздан: «Бўш болалар, — деб атади ва кузатгани сари бу қарорини тўлдирди берди: — Илжайишини қара, хотинчилик... Шуларни бир-бири билан уриштирса, нима бўлади? Уришмайди бу сўтаклар. Менинг болаларим буларни мажақлаб ташлайди...»

Сўнгра гап орасида (ран Маъгул пишириб берган хасипустиди кетаётганда) Акмалнинг ҳам аслида анчагина «бўшанг» эканини ўйлаб ва эслаб иттифоқо унинг эрталабки «иши»ни хотирлаб қолди. Ва иттифоқо бемалол қолди:

— Акмал, жўра, ростини айт, хотинингдан кўрқасан-а? — деб сўради.

Акмал унинг ҳурмати учун бир муддатлик сукутдан сўнг:

— Ким кўрқасан экан хотинидан, — деб жилмайди. — Ҳеч бўлмаса,

қулоқнинг тинчлигини ўйлаб, аёлнинг гапига «хўп», деб турасан-да. Аёл зоти табиадан тезоб келади.

— Йўқ, сен гапни айлантirma, хотинингдан кўрқасан.
— Хўш? — деди Акмал бирдан унга совуқ тикилиб. — Лекин ҳурмат қиламан десам ҳам, тушунмайсан барибир!

— Шу. — Бўривой бошини эгиб қолди: Бушбоқ унинг кайфи оша бошлаган эди. — Ҳа, пастман-да...

— Бўпти, — деди Акмал. — Сен жиндак дам оласан энди... Ярим соат ухласанг, ароқ бермайман.

— Хўп-п, жураҳон. Кечирасан... Мошинда ухлайман. Костюмни яна кийиб кўрсам бўладими? Э, бу сен мошинанг-ку? Аммо-лекин сенга катта раҳмат. Мен сенга мана шу чопонимни ташлаб кетаман. Буюм асл мол, Акмалжон. Анча қиммат туради. Ҳозир қишлоқда нуқул шундайдан киядиган бўлишди. Миллий деб... Вабше, биз миллий бўлишимиз керак. Кўпаридан айлана...

Бир маҳал Бўри Қора тушида кўрдими э ҳаёлида тасаввур қилдими — шундоқ рўпарасида Олчинбойни кўриб турарди. У Бўривой оғасининг қоп-қора костюмини силаб-сыйлаб: «Сизни райком секретари қилиб қўйса, арзийсиз», дермиш. «Э, йўқ, менга начайлик мансабиям етади, иним. Ахир, бутун районга хўжайинман ҳисоб... Ҳа. Тоғу тош, дашту далалар, овуллар, қишлоқлар... — Кейин кулиб юбориб, ҳақиқатан ҳам шахсан ўзининг бошидан кечган воқеани ҳикоя қила кетди:

— Райком секретари ёнимда, де. Шляпани бошига кўндириб олган. Бир қишлоққа эниб бордик. Магазин берк экан. Одамларни қақирдим. Дарров етиб келишди. Каллада меласанинг шапкаси бор-да, иним. Шапкада гап қўш... Мен сўрадим: «Нимага магазин ёниқ?» Халқ айтиди: «Дўкоччи молни уйдан сотади». Унинг уйига эниб бордик. Магазинчи, ҳар қалай, оломонга нисбатан шаҳар кўрган, катта-кичкини фарқлай оладиган киши бўлади. Лекин шуям райком секретарига парво қилмади. Мен билан галлашди. Шунда, де, секретаринг кўзи кўчатзорга тушиб қолди. Ичида беш-олтита бузоқлар ёш-ёш тут ниҳолларини қайтариб-гажиб еб юришган экан. Райком секретари бир кишига буюрди: «Бор, молларни қайтар!» «Биргад қайтарсин. Ичиб, ағнаб ётибди уйда», — деб жавоб берди у. «Ахир, кўчатзор давлатники-ку?» — «Бўлса бўпти-да, давлатнинг одами қарасин. Мен колхозда ишлайман...» Шунда мен секретаринг қимлигини тушунтирдим. У киши тушунди. Лекин барибир жойдан қимирламади. Шунда бир дўқ қилган эдим, оёғини қўлга олиб чолиб кетди...»

«Йўқ, оғажон, сиз бу костюмни киймасангиз ҳам райком секретари бўладиган келбагингиз бор», дермиш кейин Олчинбой...

Бўри Қора бақириб ўрнидан туриб кетди. У саксовул остида ётган экан. Кейин бир фасл жим қотиб, ўйланиб ўтирди-да:

— Кетиш керак, — деди ўзича. — Бу юришдан фойда йўқ... Фойда ўша костюм бўлди, холос. Ҳм, Акмални хурсанд қилишим керак. Бу — осон. У дўст, мен шайтонман, ахир...

Акмални хурсанд қилиш унинг учун жилла қийинмаслиги аён бўлиши билан бирга, о, ажаблар, Маллавой акани ҳам, анову йиғитларни ҳам хурсанд қилиб юборди.

Чунки, у — Бўри Қора ўта рост гапирди:
— Келинлар, ёшликни эслайлик, — деб бошлади у фавқулодда хушёр тортиб: ҳа, кайфи тарқаб кетган эди. — Шу ерларга келибман ҳам, туғилган, яшаган жойларимизнинг ҳаёли, Акмалжон, мендан ажралган эмас. Ҳа, мудом эсимга тушиб турибди... Мана шу шурваларинг ҳам эслатди битта шўрваимизни! Акмал, эсла!

Акмал эслолмади: улар мингта шўрва қайнатиб ичишган. Илло, ҳаммиса Бўривой кўтариб юридиган қичкина саючдек халтада мушт-деккина-кружадаги кастрюлкалари билан туз, қалампир ва бир жуфт чўпқошиқ ҳам бўларди. Ов бароридан келиб, агар қуён отилса, сонлари кабоб қилинарди... Уша куни ов барор олмади: Дастлаб Боботонинг Бобурган деган ўнгирига ўтишлари ҳамон кенг бедапоёда ўтлаб юрган экан, бир селга каклик «гур» этиб кўтарилди. Дарвоқе, ҳали куз тушиб улгурмаган эди: галадаги какликларнинг аксари жўжалар эди. Акмал барибир сочма ўкни қўйиб юборди. Битта чилдан сал каттароқ, семиз мусичадек келадиган какликча парвоздаги сафдошларидан ажралиб, ерга қулади. Бундай вақтда ман-ман деган оғирқарован овчи ҳам секин юрмайди. Илло, Акмал ҳам яқинда жигар касалидан тузалиб тургани — оғир ш қилмаслиги тайинланган эса-да, чолиб кетишда бориб ўлжани олди.

Шу билан кеч пешингача тиллари осилиб, тизмадан тизмага ошиб, арчазорлар оралаб юришди. Каклик учрамади. Энди учрамаслиги ҳам аён бўлиб қолган эди: ахир, иссиқдан соялаб ётишди-да... Шунинг учун асли ов тонг маҳали ва шом арафасида бўлади... Дўстлар бир қуруқ сойликка тушиб, булоқ топишди. Шу ерга қўш ташлаб, кунни кеч қилишга қелишдилар. Демак, энди нима қилмоқ керак? Емак — иссиқ овқат... Тўрвада пиёз билан шолғом ҳам бор экан. Бўривой энганин шимариб: «Бўлди. Мен бошладим. Сен касалдан турганиман,

деб чўзилиб ётма. Секин-секин айлансанг, фойда бўлади. Хўв арчазорга кир, чангалзорга орала. Пана, салкин жойни топиб кут. Дамингни чикармасанг, каклик билан қуённинг ўзи чиқиб келади олдингга... Ахир, буни мен ўзим минг марта кўрганман. Аттанг, миллигим бўлмаган». Деб дўстини жўнатиб юборди. Акмал қийшайиб, милтиқни белига кўндаланг қўйиб (чўпонлар таёғини шундай қўйиб юришади) арчазорга оралаб кетди.

Воқеа давомини Бўри Қора шундай ҳикоя қилди:

— Маллавой ака, қуёвнинг болаликдаям содда эди. Ишонувчан эди. Меласанинг боласи бўлсам. Мен пишкў-пухта эдим... Ҳозир ҳам шундайман дярли. Кулинглар. Очик гаплар-да булар... Акмал билан бизнинг орамизда сир йўқ, йиғитлар. Сизлар жўра бўлсаларинг, орангларда сир бўлмасин... Хўш, Акмалжон, сен тилинг бир қарич осилиб қайтиб келганигда шўрва тайёр бўлганмиди?

Уша воқеа-хотирани эслаб, оғзининг таноби қочиб кетган Акмал:
— Албатта-да, — деб қолди. — Лекин барибир...

— Нима демокчисан?

— Каклиқнинг битта оёғини ювиб-ювиб еган эдим.
— Ана, ана! — деб ҳовлиқиб кетди Бўри Қора. — Гап шундаки, биродарлар, овқатга қалампир кўпроқ тушиб кетган эди. Шундайми, Акмал?

— Кўпроқ ҳам эмас... Умуман, ичиб бўлмайдиган даражада аччиқ эди! Сен ўшани қандай қилиб ичдинг, ҳайронман. Юзинг қизармадиям...

— Хе, ошажон, — деб тиржайди Бўри Қора. — Овқатни аччиқ қилиб ёйишимни билмайсанми? Мана, ҳозир ҳам шу қосадаги шўрвани шу ерда бировларинг ҳам ичолмайсизлар. Мана... татиб кўринглар. Маллавой ака, сиз олинг, шу қошиқни...

Маллавой аканинг пешонаси тиришиб кетди.

— Э, бунингиз ача бўлиб кетибди-ку!

— Бизбоп бўлди-да... — дўстига табассум-ла ёрқин бокди Бўривой. — Сен ўшанда дярли оқ қолдинг-а, жўра?

— Албатта, — деди Акмал ўшандаги ҳолатга тушгандек нохушроқ тарзда. — Овга кетаётиб ҳам тайнлаб эдим сенга: «Аччиқдан камроқ солгин» деб. — У давра ахлига кўз солди. — Жигар касалидан турган одамлар аччиқ, ёғли, қучли таомларнинг яқиндан ўтмаслиги керак. Айниска, аччиқ таомнинг. Жигар ҳилвираб турган бўлади. Бемалол оқиб кетиши мумкин...

Иттифоқо Акмалга чин дилдан ачиниб турган Бўри Қора беихтиёр тез-тез бош ирғади-да, дам бўйини қашиди, дам тақасимон муртини силади. Бу ҳаракатларида табиийлик бор, айна чоғда авомни қизиқтирадиган нимарса ҳам йўқ эмас (шу билан бирга ўзини уялаётган бир қимса каби кўрсатар) эди.

Бўривойни диққат ила кузатиб турган Акмал туйқусдан сўраб қолди:

— Нима бало, ўшанда атай қилганмидинг?

Бўри Қора гўёки ниятига етган эди. Жамоани бот қизиқтириш учун яна бир майнавозлик қилган бўлди:

— Бу ерда тустовуқ ҳам бўлмасин, ўртоқлар? Товуққа ўхшаб қақолайдиган қўш бор-у.

— Бор, бир жуфт қолган! — деди ҳовлиқиб Икром. — Бу қумликларда қаттиқ қиш маҳалларида каклик ҳам учраши мумкин. Қуён кўп.

— Сен жим тур, болам, — деди Акмал. — Хўш, Бўривой, ўшанда овқатни атай аччиқ қилиб эдингми? — Саволни бериб, ўшандаги ҳолатга ўз гирдобига баттар торгани каби бўғилиб изоҳ бера бошлади Маллавойга: — Мен ёмонан оч эдим. Пархезада эдим-да... Лекин зериккандим, уч ой касалхонада ётиб. Шунинг учун велосипедни судраб буларнинг уйига бориб эдим. Кейин судралишиб тоққа чўкиб кетдик. Чўнтагимда иккита сабзи бор эди, холос.

— Бўпти. Кунглимини бузма, — бақириб юборди Бўри Қора. — Ким сенга касал бўлсин, депти? — Кейин чўкур хўрсинди-да, Маллавойга қараброқ тушунтира кетди: — Оғажон, мен болаликдан ўлғудай шум эдим. Ўз қорним, манфаатим учун ҳеч нарсадан қайтмас эдим. Мана, Акмалнинг ўзи гувоҳ...

— Гапирарев, — деди Акмал. — Кечаги гурунларимиз ҳам етади менга...

— Э-ҳа, рост, — деб тасдиқлади Бўри Қора ва тагин чўкур-чўкур нафас олди. — Хуллас, Маллавой ака, мисол учун, пахта теримида тек ўтирмас эдим. Бизиям ҳайдар эди-да теримга... Боботонинг бу ёнидаги Жиндибулоқ далаларига...

— Қисқа қил, — деб қўйди Акмал пиёладаги тафтбостидан бир хўплаб.

— Қолганини ўзинг айт, — деб қолди Бўривой дўстига. — Қорним чиндан очган-да, нима қилардинг? Тушлик маҳали. Макарон шўрва сузилаётганда, а?

— Хе, бунинг уруғи курсин, — деб финишди Акмал. — Яъни, сендай худбинлар камроқ бўлсин, дейман-да... Гапни бўлма! Барибир қамаймайди. Бошқаси чиқади. Ким билади, сен ўлганингдан кейин



ўғилларингдан биронтаси ўринбосар бўлиб чиқмайди, деб ким олади?! Гапшундай... Бу ҳол ҳозирок сезила бошлади...

Бўри Қора туйкус овқатга эгилиб қолган эди. Қўлларини ёнидан тепага кўтарди.

— Мана шу балиқ шўрва, а? У ёқда — теримда, шийпонда... макарон шўрва... Ҳа. Бизда миски кам бўларди. Тунука коса. Каттасидан бўларди-да, овқатни учовора-тўртовора қилиб сузишарди. Кейин — ҳужум... Мен агар бўридай очикқан бўлсам... Умуман, ўртоқлар, мен анча ҳўра, мечкай одамман. Организм ҳам шунга талаб этади. Мана... Ҳуллас, шўрвага қараб турардим-да, нима қилардим, Акмал?

— Айтолмайман. Тил бормаиди, — деди Акмал.

— Ҳа, рост, — деб тасдиқлади Бўривой. Сўнгра ортига бурилиб, ўт-ўлан устига тупурди. Кейин кафти билан озгини яхшилаб артиб олди-да, жамоага қараб қандайдир ялпи нигоҳ-ла илжайди: — Ҳозир нима қилдим? Ҳозир... орқамга қараб... Ҳа-а, балли. Тупурдимми? Ҳа.

— Шу-да-е, — деб юборди бу ёқдан Акмал, — тупурарди шўрвага. — Шундай деб ўрнидан тез кўзгалди. — Болалар... чарчаб, очикиб келган йигитчалар йиғлагудек бўлиб қолишарди. Бутун бошли бир товоқ овқатни бу мечкай бир ўзи туширарди. Изтироб чекмас эди, аблаҳ!

— Сўк-сўк, — деди Бўри Қора. — Эллик йил бурунги иш учун...

— Э, қўйсанг-чи... Ўзинг бошладинг-ку. Маллавовай ака, тулинг, айланамиз. Мен бунинг нима демоқчи эканини тушундим, — деди Акмал. Атайин чимирилиб, гўёки ноҳақ жазога гирифтор қилингандек, ҳақ гапиргани учун ноҳақ жазо олаётгандек бир қалбаки қиёфада дўстига боқиб турган Бўривой:

— Ҳўш, нима демоқчи эканман? — деб сўради.

— Нима бўларди, — Акмал энгашиб сигарет қутисини олди. — Тоғдаги каклик шўрвага қалампирни атайин кўп солгансан... Ўзинг ейдиган нормадан ҳам кўпроқ солиб юборгансан. Жўрттага. Фақат ўзим ейин, деб шундай қилгансан.

Бу чоғда ҳамма Бўри Қорага қараб турар, у эса атайин бир тир-

шув ила клёнка-дастурхонга тикилган эди. Бирданига бошини ликиллатди.

— Ҳа-ҳа, шундай бўлган. Майли юзимга тупур. — Дўстига пастандан боқди-да, ўзи ҳам аста ўрнидан турди. — Тупур... Жуда культурнийсан-да! Икромжон, отанг учун сен тупурсанг-чи? Ҳўп дейвер. Мен чидайман... Ҳе, менинг жоним қаттиқ, Бировлар орқамдан отиб ўлдирмаса, ўлмайман.

— Ўлманг, амаки. Нималар деяяпсиз... — дея Икром нари қочди. Шунда Маллавовай полковникнинг тирсагидан олди.

— Ёвош, ёвош, азизим.

Бўривой унга ялт этиб қаради.

— Бу нима деганингиз?

— Ўзингизни босинг, деяяпман.

— А-а, бизнинг қишлоқларда молга айтади «ювош, ювош...» деб. — Кейин Акмалга зуғум қилди: — Ўтган ишга саловот де... Кекчи экансан-ку сен ҳам. Мен аҳмоқ бўлиб бор гапни айтсам, бу юзини тескари ўгиради. Ахир, айтмаслигим ҳам мумкин эди-ку?

Акмал маъюсгина бош ирғади. Кейин:

— Хафа бўлма, — деди. — Ушанда йиғлаганман-да... Энг қийин пайтда. Мен хастани кўллаб-қувватлашинг лозим бўлган пайтда эйтиборсизлик қилсанг, деб. Энди билсам...

— Э, бор-э!

Бўри Қора этагини қоқиб, тўшанчидан турди. Туфлисини оёғига илди. Кейин Маллавовай ила йигитларнинг хуррак ва ҳаяжонли назари остида дастурхонга тимирскилиниб қараб Акмалнинг кўлидаги сигарет қутисини тортиб олиб, битта чеккичи лабига қистирди-да, қолганини дўстининг фавкуллода очик қолган кафтига тап этказиб қўйиб четланди ва боя бияси билан олтинранг тойни мактаб кетган туркманнинг изидан тушмоқчидек ўша томонга бир неча қадам босди.

— Туполон, қайдасан?

(Давоми бор.)



Миллий маънавият тарбияси

Олий таълим тизимида амалга оширилган ўзгаришлар ёшларимизни юқори макалаи мутахассислар этиб тайёрлашга қаратилган. Бу борада олиб борилаётган ишлардан асосий мақсад, давлатимиз раҳбари ибораси билан айтадиган бўлса, миллатимиз, мамлакатимизнинг ҳақонда обрў-эътиборини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойий ўғил-қизларни тарбиялашдан иборат. Олий мактабнинг вазифаси эркин, мустақил фикрловчи комил инсонни шакллантиришдир.

Етук мутахассислар тайёрлаш мураббийлар, таълим-тарбия тизими раҳбарлари ва ходимлари фаолиятига ҳар жиҳатдан боғлиқ. Уларнинг имконияти ва салоҳиятлари бирлаштирилгандагина ёш авлодни ватанга, миллатга юксак меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан садқотатни шакллантиришга қаратилган таълим ва тарбиянинг маънавий асосларини талабалар онгига сингдириш мумкин бўлади.

Айни мана шу соҳада қилинаётган саъй-ҳаракатлар олдиндан ишлаб чиқилган ва аниқ мақсадлар сари йўналтирилган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни ўзида мумассамлаштирган дастурлар асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир дарс, у хоҳ амалий

машғулот ёки маъруза бўлсин, энг аввало, тарбиядан бошланмоғи лозим. Таълим ва тарбия талабаларимиз маънавиятига яратувчанлик фаоллигини бахш этиши керак.

Шу билан бирга Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлқанинг тарихи, маданияти, аъналарини теран билишга интилиш, республиканинг қудрати ва утуқларидан фахрланиш талаба ёшларимизни маънавий ва ахлоқий тарбиялашнинг асослари бўлиб хизмат қилишини асло унутмаслигимиз лозим.

Ватанпарварлик ва жамият яқдиллиги келажгимиз неғизи эканлиги маълум. Айни шу маънавий омиллар жамиятнинг янгилаш йўлидаги қийинчиликларни энгиб ўтишга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишга ёрдам беради. Шунингдек, халқимизнинг адолат, тинчлик, аҳил қўшнчилик, инсонпарварлик, одиллик, сабр-бардошлилик, камтарлик, катталарга ҳурмат каби фазилатлари маънавий-ахлоқий асосларни ташкил этади. Шунинг учун барча фанлардан ўтиладиган мавзуларни баён этишдан бошлаб уни миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари руҳи билан сингдириш долзарб аҳамиятга эга.

Таълим ва тарбиянинг энг муҳим вазифаси бўлган миллий тафаккурни шакллантириш, маънавий-ахлоқий асосларни тақвиятга эришиб бўлмайди. Зеро, мустақилликни

мустақамлаш ва юртбошимиз илмий асослаб берган тараққиётимизнинг ўзбекона йўли ва тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш, талаба ёшларнинг маънавий салоҳиятини ошириш, уларни миллий истиқлол мафқураси асосида амалга оширилаётган янгилашни жараёнининг фаол қатнашчисига айлантириш зарурати давр талабига айланмоқда. Бу соҳада ёш авлодни, хусусан, талабаларни миллий истиқлол ғояси асосий тамойиллари билан қуроллантириш зарур. Буни дарҳол амалга ошириш мумкин эмас. У бутун таълим-тарбия жараёнида профессор-ўқитувчилар жамоасининг изчил ва собитқадам фаолиятлари орқали амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситаларининг ўрни жамиятимизнинг ҳар қандай табақасида ҳам муҳимдир. Шундан келиб чиққан ҳолда институтимизда республикамизнинг марказий газета ва журналлари обунасига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар ўқув йилида институт тасарруфидаги барча талабалар уйларидаги «Маънавият-маърифат» хоналарига газета ва журналлар марказий кутубхона томонидан етказиб берилади. Бундан ташқари академгурӯх мураббийлари бир йил муддатга институт томонидан икки номдаги газетга бепул обуна қилинадилар.

Бизнинг вазифамиз олийғоҳимиз кучоғидан фақат ўз мутахассислигининг билимдонларинигина эмас, шу билан бирга маънан етук, мустақил фикрловчи, Ўзбекистон давлати ва жамияти олдида турган бугунги вазифалар ва синовларни чуқур идрок эта оладиган, куч-қувватини онгли равишда сафарбар этадиган шахсларни тарбиялашдан иборатдир.

Элшод НАБИЕВ,

Тошкент молия институтининг биринчи проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Мамлакатимизнинг порлоқ истиқболи ва раванга бугун қайноқ ҳаёт оқимига кириб келаётган ва унда ўз ўрнини топишга интилаётган навқирон авлодни қандай ижтимоий-маънавий тамойиллар асосида ва руҳида тарбиялаб, вояга етказишимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Зеро, биз уларнинг онги, тафаккури ва дунёқарашини нечоғлиқ миллий ғоямиз, мафқурамизнинг юксак тамойиллари, умрбоқий шарқона, ўзбекона аслий қадриятларимиз, удумларимиз, ахлоқу одобимиз неғизиде шакллантириб, такомиллаштириб бора олам, шубҳасизки, кўзланган улғувор мақсад-муддаоларга эриша оламиз. Айниқса, гап олий ўқув юрти талабалари ҳақида борар экан, бунда биз, педагог-мураббийлар зиммасига залворли масъулият юкланганлигини ҳис этамиз. Шунинг учун ҳам институт ректорати ҳамда мураббийлик фаолиятига мутасадди кишилар бу соҳа ишини яхшилаш, такомиллаштириш, уни бугунинг юксак талаблари даражасида ташкил этиш, қолаверса, мураббийларимиз шарафли меҳнатини ҳар тарафлама моддий ва маънавий рағбатлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу нарса эътиборга лойиқки, институт раҳбарияти республикамиз олий ўқув юртлари ичида биринчилардан бўлиб барча мураббийларга қўшимча

Мураббийлик — масъулият



тарзда бир ойллик минимал иш ҳақи ҳажмида маош тўлаб боришни жорий этганди. Бу хилдаги рағбатлантириш тизими ҳозирда янада изчил ташкил этилиб бормоқда. Институтда кўпдан буён фаолият юритаётган мураббийлар кенгаши ҳам бу жаҳда ишини йўлга қўйиш, уни такомиллаштириб бориш, мураббийлар фаолиятини мувофиқлаштириш, бу соҳада тўпланган бой, ибратли илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш, уларни кенг ёйиш, қолаверса, зарур услубий йўл-йўриқлар, тавсияномалар ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этишда бош-қош бўлиб келади.

Сўнгги йилларда мураббийларимизнинг тарбиявий иш режасидан гуруҳнинг иқтидорли, салоҳиятли талабаларининг кўп

мавзулари ҳам ўрин олиб бормоқда. Гап шундаки, қизиқиш доираси кенг, фаоллиги жўшқин талабаларимиз бевосита ўз хоҳиш-истаклари асосида мураббийлари ёрдами ва кўмағида муҳим мавзуларда илмий маърузалар, рефератлар ёхуд илмий ахборотлар тайёрлаб, мураббийлик соатларида қизиқарли чиқишлар қилмоқдалар. Талаба ёшлар қалби, дили, тафаккури, дунёқарашини шакллантириш, уларни катта ҳаётга пухта замонавий билимлар ва юксак маънавий, ахлоқий фазилатлар соҳибни этиб тарбиялаш бугуннинг долзарб вазифасидир. Ҳар бир ёш илм толибининг истиқлол даври талабларига жавоб бера оладиган комил инсон этиб вояга етказиш, уларнинг дилига згуғлиқ уруғларини қадаш, ўз кин-

дик қони тўқилган она диёрга меҳр-сადоқат хисларини жўш урдириш, оташин ватанпарварлик, юртпарварлик, инсонпарварлик, олижаноблик, байналмилаллик туйғуларини таркиб топтириш — буларнинг ҳаммаси олий мактаб ва унинг профессор-ўқитувчилари зиммасидаги шарафли вазифалардандир. Бунда, айниқса, устоз мураббийларимиз хиссасига жиҳдий масъулият юки тушади. Бинобарин, улар биринчи навбатда ўз қўлларига ишониб топширилган ёш қалбларни ҳар томонлама чиқитириш, шуури, дунёқарашини миллий

истиқлол ғояси ва мафқураси тамойиллари руҳида тўғри шакллантириш, уларни ёт, бегона қарашлардан, диний ақидаларастлик иллатлари таъсиридан муҳофаза қилиш ҳамда мустақил фаолиятга, ижодкорликка, янгидан-янги изланишларга сарфарбар қилишга даъват этилгандирлар.

Ҳеч шубҳа йўқки, Тошкент молия институтининг кўп сонли устоз-мураббийлар жамоаси ҳам ўз вазифаси, масъулиятини тегдан англаган ҳолда дунёда кейин ҳам янада фаоллик билан иш юритиб, муҳтарам юртбошимиз асарларида, маъруза-нутқла-

рида асослаб берилган дастуриламал ғоялар, кўрсатмалардан келиб чиқиб мустақил юртимизнинг эртанги залворли юкани кўтаришга қодир ва қобил, ўз билими, иқтидори, малакаси, жўшқин меҳнатини ватан равнақида тўла баҳшида этадиган етук, баркамол иқтисодчи кадрларни тайёрлаб беришга муносиб улуш қўшаверади.

Маҳмуджон СОДИКОВ,
Институт Мураббийлар
кенгаши раиси, профессор



МУНАВВАР КЎЗГУ

Инсонда маънавий баркамоллик ўз Ватани, миллати, аждодлари тарихини билиш орқали шаклланади. Яқин ўтмишда мустамлакачилар, тоталитар тузум мутасаддилари кўпгина халқларни, жумладан, ўзбек халқини ўз тарихидан жудо қилиш, уларни ўз ўтмишига лоқайдлик билан қарайдиган, насл-насабини эслолмайдиган манкуртларга айлантириш сиёсатини юртди, амалда халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилди, унинг бир неча минг йиллик бой тарихи сохталаштирилди, уни ёшларга ўқитиш ва ўргатишга изн берилмади.

Бугунги кунга келиб эса барча ўқув масканларида талаба-ўқувчиларга Ватан тарихини ўқитиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Тарих ўқувчиларда олам ягона ва яхлит, Ўзбекистон унинг ажралмас бир қисми, дунёда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар умумий ва ўзаро боғланишида, узлуксиз ҳаракатда эканлиги ҳақида тўғри тасаввур,

тушунчаларни шакллантирувчи мунаввар кўзгудир. Ўзбекистон тарихи талаба-ўқувчиларга бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг моҳияти ва натижаларини, миллий, ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш, демократик, фуқаролик жамияти қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнларини ўргатади. Бу ўз навбатида ёшларда илмий дунёқарашни, сиёсий, ҳуқуқий маданиятни тарбиялайди, жамиятда ўз ўрнини тўғри белгилашга кўмаклашади.

Бой тарихимиз халқимизнинг асрлар давомида кўпгина халқ, эзлатилган аҳил, ҳамжихат бўлиб яшаганлигидан, юртимизда турли диний эътиқодлар эркинлиги ва иноқлиги бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бу мустақил Ўзбекистонда яшовчи турли динларга эътиқод қилувчи 120 дан ортиқ миллат ва эзлатлар ўртасида тинчлик, мил-

лий тотувлик, биродарликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи тарихий сабоқдир. Келажаги буюк давлат қураётган бугунги авлодлар учун ўзбек давлатчилиги тарихи, минг йиллар давомида шаклланиб, такомиллашиб келган сиёсий-ҳуқуқий институтлар, қонун-қоидалар тажрибаси, юрт озодлиги учун курашган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик ва бошқа ўнлаб халқ қаҳрамонларининг жасоратли мустақилликни янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуришда мустаҳкам таянч вазифасини бажариши шубҳасиз. Тарихий хотира, аждодларимиз қолдирган маънавий меросни ардоқлаш талаба-ўқувчиларда ҳалоллик, одиллик, ростгўйлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, илмга интилиш каби инсоний фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади.


Юрт тарихи ёшларда жамиятда эртароқ мустақил фаолият юритиш, ўз қобилиятини тўлароқ очиб ва ҳаётга татбиқ этиш сифатларини шакллантиради, Ватан, халқ тақдирини учун масъулиятни ўз зиммасига олиш каби юксак маънавий бурчни тарбиялайди, миллий истиқлол ғояси билан қуроллантиради. Шу боисдан Ватан тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга молик вазифадир.

Қамариддин УСМОНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Ҳар бир давлатда молиявий тизимнинг ривожланиши ва шаклланишида қимматли қозғалар бозори алоҳида ўринга эга бўлиб, у пул маблағларини жалб қилишнинг энг самарали усулларидан биридир. Кенг қўламда амалга оширилаётган хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида қимматли қозғалар бозорида акциялар бозорининг ривожланиши янги мулкдорлар синфининг шаклланишига хизмат қилади. Бунда асосий вазифани инвестицион муассаса деб номланувчи инвестицион фонд ва инвестицион компаниялар бажаради. Утиш жараёни аҳолининг турмуш тарзи ва фикрларини бозор муносабатлари ўргатаётган талаблар асосида шакллантириш ва ривожлантиришни тақозо этади.

Республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, давлат хусусийлаштириш жараёнининг бош ислотчиси ҳисобланади. Шундай экан, ислохотларни бошқичма-бошқич ўтказиш, аҳолини мулкдорлар синфига айлантириш мумкин қадар фуқаролар манфаатларига мўс ва безарар амалга оширилиши керак. Ўз навбатида аҳолининг жамғармаларидан мақсадли фойдаланиш учун молиявий инвестицион институтлар фаолиятини ҳам йўлга қўйишга тўғри келади. Шунга мувофиқ ҳукуматимиз томонидан инвесторларни, қимматли қозғалар бозори инфра-тузилмасини ривожлантириш бўйича қатор

Мулкдорга кенг йўл



қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бозор муносабатлари ривожланишига мўс ҳолда шакллантирилиб бормоқда.

Дунё тажрибасида кейинги пайтларда пул ресурслари банк сектори орқали тақсимланиши камайиб, уларни фонд бозори шаклида контракт ва коллектив (жамоавий) жамғариш туридаги қимматли қозғалар бозори муассасалари орқали қайта тақсимлаш усули кенгайиб бормоқда. Миллий иқтисодиётга ҳали жалб қилинмаган шахсий молиявий ресурслар «аҳоли чўнтағида» қолиб кетмоқда. Бунга пул-ютуқ облигациялари ва омонатларнинг банкларда музлатилиши натижасида аҳолининг уларга нисбатан ишонч ва манфаатларининг йўқолиши сабаб бўлган. Аҳолини мулкдорлар синфига айлантириш мақсадида республикамизда «Хусусийлаштириш инвестиция фондлари»

дастури ишлаб чиқилди ва давлат томонидан қўллаб-қувватланди. Хусусийлаштириш инвестицион фонд фаолияти асосан аҳоли ишончига таянган ҳолда маблағларни ҳавфсиз жойлаштириш усулларидан бири қисбланади.

Инвестиция фондлари мулкдорларнинг ишончли вақили сифатида кўнгилдагидек таъсис этилган ва бошқарилаётган бўлса, улар инвестициялашнинг ниҳоятда ишончли шаклига айланади. Улар нолиқид бозор муаммосидан ҳам, иқтисодий тушунликдан ҳам, инфляциядан ҳам омон чиқа оладилар. Бунинг устига, улар яхши бошқарушни таъминлаётганликлари ва мулкдор-инвесторларнинг ишонччини қозонаётганликларини исбатлайдилар ҳамда бундан манфаатдор бўладилар.

Маҳмуд СУЛТОНОВ



Ахборот бозори муаммолари

Ўзбекистоннинг бозор муносабатлари шароитида халқаро ҳамжамиятдаги мактеб ахборотлар алмашувини ривожланиш даражасини ташкил қилишга боғлиқдир. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий муносабатлари уларнинг ахборотлар алмашинуви борасида ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда ахборотлар алмашинуви мамлакатлар, давлатлар, миллатлар ўртасидаги муносабатларнинг динамика характерини белгилайдиган асосий омилига айланмоқда. Кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда ахборотларни тўплаш, муҷассамлаштириш ва умумлаштириш бозор муносабатларини ташкил қилишда зарурий шартга айланиб, ҳар қандай мамлакатнинг ахборотлар банки бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг таркибий қисминини ташкил қилмоқда ва унинг халқаро бозор муносабатларидаги мактеб, эркин рақобатдаги муваффақиятлари ахборотлар қўламини, улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқликда кўринади.

Ҳозирги даврда моддий нёъматларни ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиш жараёнларининг нисбатан мустақил босқичлари, ҳар бир босқичнинг функционал фаолиятини таъминлайдиган

ахборотларга эга бўлишини тақозо қилади. Шунга кўра, маҳсулотни ишлаб чиқаришдан тортиб, уни истеъмолчига етказгунча бўлган даврларнинг ҳаммасига хос бўлган тўлиқ ахборотларга эга бўлиш масаласи долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Шу нуқтага назардан маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжларининг ўсиб бориши билан уларнинг бевосита ишлаб чиқариш кучларига айланиш тенденцияси намоён бўлмоқда.

Энг муҳими шундаки, ахборотлар ишлаб чиқаришнинг хом ашё таъминоти, уни қайта ишлаш технологик жараёни, маҳсулот шаклида истеъмолчига етказиш ва бозор эҳтиёжи конъюктурасини ўрганишнинг ҳамда оқилона ташкил қилишнинг имкониятини яратди. Бозор иқтисодиёти муносабатларини ташкил қилишда маркетинг хизматини йўлга қўйиш ахборот базасининг мустаҳкамлиги ва ишончлилигини талаб қилади. Чунки, бозор иқтисодиётининг «талаб ва таклиф» категорияси, уларнинг ҳар бирига хос бўлган, нисбатан мустақил дастураштириш механизмлари улар самарадорлигини ошириш, махсус ахборотлар банкени яратишни тақозо этади.

Ривожланган мамлакатларнинг ахборотлар бозори бир-бири билан боғлиқ учта

асосий соҳанинг бирлиги тарзида намоён бўлмоқда: бевосита ахборотларнинг ўзи; электрон операциялар; электрон коммуникациялар.

Ахборотларни қайта ишлашда электрон операциялар соҳаси бозор инфратузилмасининг таркибий қисми ҳисобланади. Электрон коммуникациялар соҳасини «ахборотларни олиш-қайта ишлаш-уларни узатиш» мажмуасининг бирлиги тарзида қараш керак. Бунда электрон операциялар бозори қуйидаги тизимлардан иборат бўлади: товарларни сотиш, айирбошлаш ва хизмат кўрсатишга электрон буюртма; молиявий ҳисоб-китобларнинг электрон хизмати; ҳаракатларни таъминлаш электрон хизмати.

Бу тизимларнинг ўзаро алоқадорлиги бозор хизматининг интеграл концепцияси оралик бўғинларини бартаф қилиш тенденциясини ифодалаб, ахборот технологияларини ривожлантириш орқали ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги баъзи нуқсонларни аста-секинлик билан бартаф қилишга қаратилган. Тижорат соҳаси учун барча турдаги ахборотлар муҳим аҳамиятга эга, лекин уларнинг муваффақиятлари, энг аввало, ахборотларни ўз вақтида олиш ва фойдаланишга боғлиқ бўлади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришган даврда кейинги йилларида жаҳон ахборот айирбошлаш тизимига фаол қатнашиши ва бу соҳадаги муваффақиятлари янда мустаҳкамлаш республикаимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётни ривожлантиришга муҳим асос бўлиб келмоқда.

Омон КЕНЖАБОВ,
Информацион технологиялар ва моделлаштириш кафедраси мудири,
доцент

Ғоявий тарбия, энг аввало, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий тарбиянинг асосини ташкил этади. Бундай тарбия муайян ғояни ҳимоя қилиш, тарғибот этиш ва уни ривожлантиришга қаратилгандир. Шу ўринда турли даврдаги ғоялар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, инсоният тарихи ғоялар тарихи билан ҳамбарчас боғланиб кетганлигини кўрамиз. Ҳар бир тузумнинг ғояси ва шу ғоя асосида шаклланган мафқураси жамиятдаги таъсир доираси билан белгиланади. Бизга маълумки, ғоя шахс тафаккурининг махсули ўлароқ бирон бир киши онгида пайдо бўлади. Агар у ижтимоий мазмунига эга бўлса ёки у жамият тараққиётига таъсир эта олса, у ҳолда умумхалқ ғоясига айланади. Ғоя ва мафқура ўзида умуминсоний қадриятларни, инсонийлик талабларини, халқнинг ирода ва интилишларини акс этирган тақдирдагина жамиятни бирлаштиради, унинг салоҳияти ва имкониятларини тўла намоён қилади.

Жамиятда ғоявий заифликнинг мавжудлиги, мафқуравий беқарорлик ҳар қандай миллатнинг бирдамчилигига, давлатнинг куч-қудратига таъсир этади. Шунинг учун ҳам жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси истиқлолимизга ҳизмат қиладиган ғояларнинг туб моҳиятини теран англаб, ўз юрти муқаддас тулғорининг қадрига етиши, уни кўз қорачиғидек асраш, мамлакат тараққиёти учун яна қандай ғояларни онгида қарор топтириб бориши кераклигини доимо ҳис қилиши лозим. Ота-боболаримиз қолдирган бой маданий меросни ҳамда қадриятларни янада сайқаллантириб, ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳалларига сингдириш ҳам бугунги авлоднинг вазифасидир.

Ғоявий тарбия зарурати




Ўзликни англамай туриб миллийликни ҳис қила олмаймиз, миллийликни ҳис қилмасдан эса ягона халқ бўлиб бirlаша олмаймиз. Шундай экан, ўқув муассасаси ва тарбия масканларида миллий ғурурни шакллантирувчи ғоявий тарбияни кучайтириш зарур. Қадимги юнон мактабларида болалар чиройли ёзишга, аниқ равшан сўзлашга ўргатилган. Улар Гомер ва бошқа шоирларнинг шеърларини ўрганиб ёд олганлар. Юнонлар миллий ашула ва ракс тушишни билмайдиганларни ўқимишли ҳисобламаган. Грзуинлар Шота Руставелининг «Йулбарс терисини ёпинган пахлавон» номли достонидан парча айтиб беролмаган йигитга қиз беришмайдди. Искандар Афина устига юриш қилмайдди. Чунки, унинг устози Аристотель финалмай бўлиб, у ўз шоғирди дилига юнон маданиятига ва унинг маркази Афинага ҳурмат билан қараш ҳиссини жойлаган эди.

Нима учун буюқ аждодларимизнинг эзгу хислатлари, мислсиз жасоратлари баён этилган маълумотларни дарсликларга ки-

ритиб, ўқувчи ёшлар қалбиде миллий ғурур хисларини туйғотмаймиз?! Нима учун Форобийнинг демократия ва фўқаролик жамияти асослари тўғрисидаги «Фозил одамлар шаҳри» асари ёки Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунари»нинг яқин-яқинга Оврўподаги нуфузли ўқув даргоҳларида дарслик сифатида ўқитилганлигидан ёки Оврўпо ҳали Конституция ҳақида оддий тушунчага ҳам эга бўлмаган даврларда Амир Темуր давлатида конституциявий қонулар мажмуаси — «Тузуқ» мавжуд бўлганидан Фахрланмаслик лозим?! Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг ҳар бир фўқароси шу замин билан ҳамбарчас боғланганлигини ҳис этиши, мамлакат тараққиёти учун хизмат қиладиган мафқура атрофида бirlашиш лозим эканлигини чуқур англаб етиши керак. Токи мамлакатимиз мустақиллигини асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш оддий қадриятга айлانسин.

Ибодулла ҚҰНФИРОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент





Уйғунлик йўлида

Кадрлаш тайёрлаш миллий дастурида белгилаб қўйилган асосий вазифалардан бири ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциясини амалга ошириш ва ривожлантиришдир. Хусусан, бу дастурда корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш потенциалларини кадрлар тайёрлашда ва ҳамкорликда, илмий-технологик ишларни бажаришда самарали қўллаш зарурлиги кўрсатилган. Шу боис Қимматли қоғозлар ва биржа иши кафедраси ўзининг итхтисослигига мос келувчи асосий давлат ташкилотлари билан шартномавий асосда юқорида кўрсатилган интеграция масаласининг ечимини амалда жорий қилиш вазифасини ўз олдига режавий дастур ишлари сифатида қўйди. Кафедра режа доирасида Давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси қошидаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Республика фонд биржаси, Давлат марказий депозитарийси, «Депозит-сервис» компанияси билан ўзаро ҳамкорлик ва биргаликда фаолият кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузиб, улар қошида кафедранинг филиалларини очди. Ушбу ишлар давомида кафедра Мо-

лия вазирлиги, Марказий банк, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ва «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси билан музокаралар ўтказиб, шартнома тузишни ўзаро келишиб олди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу ташкилотлар қошидаги кафедра филиаллари томонлар тасдиқлаган Низомга биноан фаолият юритади. Филиаллар мудирлари, бу ишга жалб қилинган ташкилот раҳбар ходимлари институт ректори буйруғи билан 0.5 ставка миқдориди ишга қабул қилинади ва шу асосда кафедра филиали мудирлари шартномаларда кўрсатилган ташкилот мажбуриятларини ҳамда улардан келиб чиқадиган вазифалар бажарилишини кафедра билан биргаликда ташкил қилдилар ва амалга оширадилар. Натижада кафедра ва ташкилотлар қошида тузилган филиаллар ёрдамида ўқув-услубий, илмий-амалий ишлар ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари интеграцияси таъминланади.

Шу асосда қуйидаги долзарб масалалар ўз ечимини топади:

— кадрларни илғор ишлаб чиқариш талабларига жавоб бериш даражасида максадли(йўналтирилган) тайёрлаш (жумла-

дан, иккинчи мутахассислик бўйича ҳам);

— ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни узлуқсиз ривожланиб борувчи ишлаб чиқариш талаблари асосида тузиш ва такомиллаштириб бориш;

— илмий ишлар ҳамда талабаларнинг курс, малака ва магистрик диссертация натижаларини ишлаб чиқаришга боғлаш ва уларни амалиётга самарали жорий қилиш;

— ўқув юктамаларни ишлаб чиқариш билан узвий ҳолда кафедра филиалларида етук мутахассислар ёрдамида бажариш;

— ташкилотларнинг талабларига бўлган эҳтиёжини ўзаро режалар асосида қондириб бориш;

— кафедра профессор-ўқитувчиларининг ўқув, илмий-амалий тажрибаларини ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқликда ошириб бориш, жумладан, уларни ҳамкорликдаги ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ишларига мунтазам равишда жалб қилиш;

— кафедранинг ташкилот қошидаги филиаллари мудирларини талабаларнинг битирув ишлари ва диссертация ишлари бўйича якуний Давлат аттестацияси хайъати ишларига жалб қилиш;

— талабаларнинг битирув ишларини ва диссертацияларини ҳамда аспирантларнинг илмий ишларини кафедра филиалларида ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқликда амалга ошириш ва ҳоказолар.

Маъмур тажриба институт илмий кенгашида кўриб чиқилиб маъқулланган ва бошқа кафедраларда қўлланув учун татбиқ қилинган.

Шомансур ШОҲАЪЗАМИЙ,

Қимматли қоғозлар ва биржа иши кафедраси мудир, доцент

IX асрнинг иккинчи ярми X асрнинг биринчи чорагида ижод этиб, одоб-ахлоқ бобида бой мерос қолдирган қомусий алломалардан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Закарий ар-Розий (865-925)дир. Мутафаккир кимё, тиббиёт фанлари билан мукаммал шуғулланиб, бу соҳаларга оид қатор илмий рисоалар («Кимёни ўқишга кириш», «Минералларнинг пайдо бўлиш сабаблари», «Сир-синоатлар китоби», «Буюк Девон», «Мансур тиббиёти») яратганки, улар ўша даврдаёқ Оврупо ва Осиёнинг турли тилларига ўғирилган ҳамда ўқув қўлланмаси сифатида кенг фойдаланилган.

Илму маърифатни доимо улуғлаган ар-Розийнинг одоб-ахлоқ соҳасидаги маънавий мероси баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган бугунги кун таълим-тарбия жараёнида ҳам ижобий самалар бериши аниқ. Айниқса, ёшларни тирришқоқликка, илм-фан чўққиларини эгallaшга, ақлий камолотга ундовчи гоълар аллома асарларида мужассам. Унинг изланувчанлик, илмга чанқоқлик каби шахсий сифатлари ҳам ёшларга ибрат манбаи бўла оладики, буни қуйидаги сатрлардан англашимиз мумкин: «Билимга бўлган қизиқишим ва интилишим шундай кучли эдики, илмнинг фақат биргина соҳасига оид майда дастхатда 20 минг varaқли иш битдим ва ҳаётимнинг 15 йилини кечаю кундуз «Буюк Девон»ни битишга сарфладим. Натижада кўзларим хиралашди, қўлларим кучдан қолди, ёзиб ва ўқиб қобилиятини йўқотдим. Шунга қарамастан мен хали илм йўлидаги изланишларимни тўхтатмадим, бошқалар ёрдамида доимо ўқийман, уларнинг қўллари

Камолга ундаган аллома



билан бетиним ёзаман».

Ар-Розийнинг ақл-моҳияти ва унинг имкониятларига оид қарашлари инсонпарварлик, илм-маърифатга кexcиз ҳурмат руҳи билан сўғорилган. Унинг «Агар инсон ақли тадқиқот ва изланишларга қаратилса, у ҳамма нарсани билишга қодир» каби фикрлари ўз даври учун ниҳоятда илғор эди. Маърифатпарвар аллома инсон учун энг асосий, мактовга лойиқ фазилатлар ёқимли сўз ва бенуқсон ахлоқ деб ҳисоблайди. Киши ҳиссиётни енигшига қиналайди, аммо аста-секин, босқичма-босқич ўзини ўргатиб борса, қўзлаган максадига эришиши мумкин. Авваламбор ҳар ким ўзидаги салбий хислатлар нималардан иборат эканлигини билиши зарур. Бунда атрофдагиларнинг ўзига бераётган баҳоларига қулқоқ солиши катта аҳамиятга эга. Ахлоқ меъёрларига зид, тубан одатларга берилиш кишини турли қийноқларга солиб, руҳий ҳалокатга олиб келади.

Кишилар орасида кўп учрайдиган манманликни қоралаб, бу иллатдан халос бўлиш учун ҳам инсон бошқалар билан ўзи-

ни таққослашини маслаҳат беради аллома. Бироқ инсон ўзидаги ижобий фазилатларни кўра олмаслиги ва шу сабабдан ўзини ерга уриши ҳам жиддий нуқсон. Киши руҳиятга салбий таъсир кўрсатадиган сабабларни санаб ўтар экан, ар-Розий бейфойда, тушкунликка туширувчи ўй-ҳаёллардан йироқ бўлишга қақиради. Улар кишига ўз максадларини рўёбга чиқаришда ҳалақит беради. Хафақонлик киши руҳини тушириб, уни умидсизлик сари етаклайди. Бундай қайфиятдан қутулиш учун киши содир бўлган ёки қутилаётган қувончли воқеа-ҳодисаларни кўз олдига келтириши, ўзини овутидиган бирон фаолият билан шуғулланиши лозим. Алломанинг бу каби ўғитлари ёшларимизда ижобий инсоний фазилатлар шаклланишига амалий ёрдам беради.

Фарҳод БАБАШЕВ,

Кредит-иқтисод факультети деканининг маънавий-маърифий ишлар бўлими ўринбосари, педагогика фанлари номзоди

Абдуракул БОЛТАЕВ, Гулшода АВВАЛОВА

Ер зуғумни суймайди

Шўролар даврида Ўзбекистонда Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштириш машаққатли меҳнат эвазига олиб борилди. Кўплаб каналлар қазилди, минглаб километрлик коллектор-дренажлар қурилди. Бу даврда пахта яккахокимлиги давлат сиёсатига айланди. Масалан, 1926 йил Мирзачўлда 180 км. канал-ариқлар қазилиб, суғориладиган ер майдони 53 минг гектарга етган бўлса, 1938 йилда 154 минг гектар (шундан пахта майдони 40 минг гектар) ер суғорилди. 1956 йилда узунлиги 90 км. бўлган Марказий Мирзачўл коллектори (сизот шўр сувларини йиғувчи, тўплаб чиқариб оқизувчи) ишга туширилди. 1960 йилда узунлиги 128 км. бўлган Жанубий Мирзачўл канали қазилди. 1973 йилда юқоридаги коллекторнинг умумий узунлиги 3000 км. га етказилди. Бундай кенг кўламли ишлар натижасида Мирзачўл ва Жиззах чўлларида қишлоқ хўжалигидан олиннадиган маҳсулотлар тури, хили ва миқдори, асосан пахта кўпайиб борди. Масалан, 1976 йилда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 496,6 минг гектар ернинг 99 минг гектари яйлов, 3540 гектари боғ ва тоқзорлар билан банд бўлган. 139,2 минг гектар ерга пахта, 51,4 минг гектар ерга галла, 10,2 минг гектар ерга маккажўхори, 4200 гектар ерга шולי, 200 гектар ерга картошка, 3069 гектар ерга сабзавот, 1200 гектар ерга полиз, 36,8 гектар ерга ем-хашак экинлари экилди. Пахта ҳосилдорлиги 345000 тоннага етказилди.

Хар гектар ердан олинган пахта ҳосили 11,2 центнердан 24,8 центнерга етди. Буларнинг ҳаммаси сув ва сув хўжалиги ишлари билан чамбарчас боғлиқ эди.

Урта Осиёда асрлар давомида ушбу соҳада жуда кўплаб ишлар қилиб келинди, бунга бизнинг аждодларимиздан қолган суғорма деҳқончилик маданияти гувоҳдир. Табиийки ҳар бир асрда бу соҳага талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб қаралган. Яқин ўтмишда, аниқроғи, совет ҳукумати даврида бу мувоzanат бузилди. Масалан, Марказий, Шимолий, Жанубий Мирзачўл каналлари ва бошқа каналлар қурилди. Қудратли трубиналар, бир қанча насос станциялари ўрнатилди. Биргина Марказий Мирзачўл каналининг сув ўтказиш қуввати 274 м³/сек. бўлиб, у жами 286 минг гектар ерни суғоришга мўлжалланган эди. Қачонки, Фарход ГЭСи қурилгандан кейин каналлар қурилишини лойиҳалаштириш ва ернинг сув ўтказиш режалари кескин тақомиллаштирилди.

XX аср 60-йилларида 300 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш ва 50 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш кўзда тутилган. Қуйи Мирзачўл каналининг бош сув ўтказиш қувватини 300 м³/сек. га етказиш режаси ишлаб чиқилди, бу борада биланқоқ ишлар ҳам бажарилди, бироқ бу билан барча муаммолар ечимини топмади. Биринчидан, Сирдарё вилояти ерларининг тенг ярмидан кўпи ботқоқлик ва

ўта шўрланган ерлар ҳисобланиб, у катта мелиорация ишлари амалга оширишни тақозо этарди. Иккинчидан, Мирзачўлдаги ҳосилдор ерларнинг учдан бир қисми Қозғистон Республикаси ҳудудида бўлиб, каналлар қуриш, янги ерларни ўзлаштиришда икки республиканинг ҳамкорлигида ишлаши талаб қилинарди. Учинчидан, янги ерларни ўзлаштиришда иқтисодий, миллий манфаатдорликка етарлича эътибор берилмади. Натижада бу борада кўзланган марраларга эришилмади. Мирзачўлни ўзлаштириш яқунланган, 1973 йилда янги Жиззах вилоятининг ташкил этилиши билан Жиззах воҳасини ўзлаштириш ишлари давом эттирилди. Бу даврда воҳада бир қанча ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар кўндаланг бўлиб турарди.

Биринчидан, ишлар дабдабозлик асосида бажарилиб, сифатига эътибор берилмади. Иккинчидан, фақат пахта етиштириш, қайси йўл билан бўлса ҳам унинг ҳосилдорлигини оширишга эътибор берилди. Учинчидан, экологик вазият бузилди. Ерлар ишдан чиқди, аҳоли орасида турли касалликлар кўпая борди. Хайриятки, мустақилликка эришганимиздан кейин бу ўзбошимчиликларнинг олди олинди. Аввало ер кадастри ишлаб чиқилди. Энди ерга қачон ишлов берамиз, қанча ўғит соламиз, қанчон суғорамиз, олган ҳосилни кимга, қанчага сотамиз, ҳаммасини ўзимиз ҳал қиламиз. Бу албатта, мустақиллик берган улкан имкониятдир. Эндликда ер ресурсларидан умумли фойдаланиш, унга бўлган муносабатимизни тубдан янгилаш замон талабига айланмоқда. Шундагина аграр соҳадаги ислохотларни амалга оширишда ижобий натижаларга эришиш, мустақил Ватанимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мумкин.

Мамакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг жамиятимиз, қолаверса иқтисодиётимизнинг барча соҳалари ва тармоқларида туб ўзгаришлар ҳамда ислохотлар ўтказилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш бош мақсад қилиб олинди, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш ва экспорт салмоғини ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалигига янги техника ва технология киритиш, хорижий инвесторларни ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларга жалб этиш каби масалаларга эътибор кўчалди. Жумладан, иқтисодиётда қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш, унинг ҳуқуқий асосларини яратини, биржалоарда қимматли қоғозлар олд-сотдигини йўлга қўйиш, унинг ёғаси манфаатдорлигини таъминлаш масалалари асосий вазифалардан бирига айланди.

Ўзбекистонда даставвал ушбу соҳанинг қонуний асосларини яратишга кенг эътибор берилди. 2002 йилдаги республикада фонд бозорини тартибга солувчи 8 та қонун, Президентнинг 8 та фармони, 22 та ҳукумат қарори, Давлат муақиқатига сузувдиган Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг 90 га яқин турли ҳил меъёрий ҳужжатлари қабул қилинди. Бу ҳуқуқий-меъёрий асос қимматли қоғозлар бозорининг барча субъектлари ва иштирокчиларининг ривожланишини таъминлади.

Ўзбекистонда фонд бозорининг ривожланиши таъминлаш қимматли қоғозлар бозорининг назарияси, уларни ривожлантириш бўйича халқаро тажриба, хўжалик юретишининг ички амалиёти ва илмий ҳусу-сияларимиз ҳисобланади. Бу таъминлаш босқичма-босқич амалга ошириш кўзланган мақсадга эришини имконини беради. Ҳусуыйлаштириш даврида фонд бозори ривожланишининг 1995-1998 йилларда мамлакатимиз ва хорижий иштирокчилар учун солиқ қонунчилиги борисида қулай шартлар яратилди. Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари 1995 йилнинг июль ойидан бошлаб қимматли қоғозлар би-

Шаклланаётган бозор



лан операциялар бажариш учун солиқ тўлашдан озод этилди. Бундан ташқари Ўзбекистон аҳолисининг инвестиция салоҳияти ошди. Қисқа ваqt ичда 4000 га яқин акциядорлик жамиятлари барпо этилди. Қимматли қоғозлар бозори учун кадрлар тайёрлаш бўйича 5 та ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда ва ҳозирги кунга қадар ушбу марказларда фонд бозорининг 3000 дан ортиқ мутахассислари тайёрланди. Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда энг мураккаб масала бу иккиламчи бозорни ташкил этишдир. Иккиламчи бозорнинг ривожланиши икки асосий муаммо ечими билан боғлиқ. Биринчи муаммо қимматли қоғозларнинг ликвидациясини ошириш. Шу ҳусуыйат тўғрисида жаҳоннинг етакчи фонд биржаларида бир эмитентнинг қимматли қоғозлар бўйича ҳар қуни катта миқдордаги битимлар тузилиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг ликвидацияси асосан эмитентларнинг молиявий аҳволига боғлиқ, яъни эмитент қорхона қанчалик барқарор ва самарадоран бўлса, унинг акциялари наватдаги сармолдор ёки воситачи томонидан шупчалик ишонч билан қабул қилинади. Иккинчи муаммо қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентлари тўғрисидаги ахборотларнинг оқинор этилиши. Бўш мабакалар бўлган аҳоли ва ташкилотлар, улар инвестиция қилмоқчи бўлаётган акциядорлик жамиятининг муассислари ким, эмитентнинг иқтисодий қанча, у қандай маҳсулот чиқаради, унинг айланма мабакалари, даромадлари, креди-

торлари билан ўзаро муносабатлари, энг асосийси, акциядорлик жамияти ўтган йилларда қандай дивиденд тўлаганини ҳаққда энг сўнгги ахборотга эга бўлиши лозим.

2000 – 2005 йилларда фонд воситаларининг янги турларини кенгайтиришни ва жорий этишни, жумладан, мамлакат бозорида ҳамда чет элда жойлаштириш учун қорхоналар ва банкларнинг корпоратив олинга-цияларини сўмда ва ёрқин муомаладаги валюталарда; акцияларга айирбошланидиган облигацияларини ва қимматли қоғозларнинг бошқа турларини чиқаришни фаолаштириш кўзда тутилди. Давлат қимматли қоғозлар бозорини бундан кейинги ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий вазифаси давлат бюджет-ти тақчиллиги ҳамда инвестицияларга бўлган талабларнинг ҳажмини белгилашдан иборатдир.

Юқорида санаб ўтилган вазифалар ҳамда ўз амалий ифодасини топса, иқтисодий бўйлаб қимматли қоғозларнинг катта миқдордаги операциялари кузати-ласа ва қимматли қоғозлар билан бўлган муносабат-ларда иштирокчиларнинг манфаатлари таъминланса, жаҳондаги етакчи фонд биржалари билан алоқалар ўрнатилса, қимматли қоғозлар бозори ривожланиши кучаяди ва натижада иқтисодиётини стабиллашувига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Фарход МУҲАМЕДОВ,
Молия-иқтисод факультети
3-курс талабаси

Бадиий ижод аҳли халқ озғаси меросига доимо катта қизиқиш билан қараган. Чунки, ижодкорлар ундан куч ва заковат, муҳаббат ва илҳом оладилар. Шу сабабли адабиёт ва санъат усталарининг ижоди ҳамиша фольклор билан йўғрилган бўлади.

Умуман олганда, Алдар кўса, Ёртиқулоқ, Аҳмад Охайм, Омирбек Лаққи, Мирали, Камина ҳақидаги эртақ, афсона, латиға ва ҳажвий ҳикояларни эшитмаган ёки ўқимаган кишини топиш қийин. Хуш-чаққак, золимларга қанд бериб, ҳасиларни жазолаб, қоқилганларнинг қаддини кўтарувчи Хўжа Насриддинни ким билмайди дейсиз?! Табиатидан инсонларварлик, ноҳорларга, ошиқларга ёрдам бериш, очкўз бойларни, порахўр амалдорларни ўткир сатира тиғи билан мазоҳ қилиш уфуриб турган бу халқ қаҳрамони ёзувчи, rassom ва бошқа санъат усталари учун бой манба. Халқнинг ўткир фантазияси туйфайли вақт ва макон чегарасини билмайдиган Хўжа Насриддин тимсоли кино ижодкорлари эътиборидан ҳам четда қолмаган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентда яшаб, ижод қила бошлаган атоқли кинорежиссёр Яков Протазанов собик иттифоқ киноусталари орасида биринчи бўлиб ўзбек миллий маданий меросига мурожаат қилди. «Уч миллион ҳақидаги жараён», «Торжжалик бичиқчи», «Дон Диего ва Пелагея», «Муқаддас Йорген байрами», «Сепсиз қиз» каби фильмлар билан рус ва жаҳон кинематографияси ривожига улкан ҳисса қўшган Я.Протазанов ёш киномутахассисларни тарбиялаш ишига ҳам беминнат хизмат қилди. У кўп йиллик ижодий фаолияти мобайнида талайгина истеъдодли rassom, актёр, режиссёр, операторларни кашф этиш билан чекланмай, ўсиб келаётган миллий кинематография равнақиға ҳам амалий ёрдам берган эди. Масалан, Протазанов «Насриддин Бухорода» фильмини суратга олиш жараёнида ҳеч иккиланмай маҳаллий актёрларни ижодий ишга жалб этди. Натижада фильм ниҳоятда колоритли ва қизиқарли чиқди. Машҳур рус режиссёри билан ижодий ҳамкорлик эса А.Исматов ва Р.Пирмухамедов каби бетакрор ўзбек актёрлариға, шубҳасиз, катта сабаб бўлди. Протазанов билан мулоқотда бўлиш ўзбек режиссёри Наби Ганиевнинг истеъдодини чархлади, танлаган касбига ишончини мустаҳкамлади. У юксак профессионал малакаға эришди, актёрлар, оператор ва rassomлар билан унумлироқ ишлашни ўрганди.

Ёзувчи Л.Соловьевнинг ўзбек фольклорини тўплаш ва ижодий ўзлаштириш натижасида ёзган «Тинчликбузар» асари «Насриддин Бухорода» фильми учун асос қилиб олинди. Рус ёзувчиси ўз романида ҳақиқий ўзбек характериғни яратди олди ва кўп миллатли китобсеварларға ўзбеклар юмори қудратини очиб берди. Л.Соловьев ва В.Витковичлар томонидан ёзилган сценарий атоқли рус киноустаси Я.Протазановға хасис, шафқатсиз бойларни фош этадиган, юмор ва сатиранинг

кучи билан халқ қаҳрамонининг характериғни кўрсатадиган кинокомедия ишлашға кенг имконият яратди. «Насриддин Бухорода» фильми ҳаёт- мамот учун жанрлар бораётган 1943 йилда «Тошкент» студиясида суратға олинди. Протазанов миллий материалға жиддий ёндашиб, халқ турмушини, унинг урф-одатларини, характериғнинг ўзига хос томонларини синчиклаб ўрганади. Бунда унга иккинчи режиссёр Наби Ганиев ва шарқ этнографиясининг моҳир билимдони rassom Варшам Еремян яқиндан ёрдам бердилар. Шу билан бирға, картинада А.Исмалов, С.Толпиков, М.Мироқилов, Р.Пирмухамедов каби ўзбек актёрлари иштирок этадиларки, уларнинг талқини, композитор М.Ашрафий мусиқағи фильмға ҳақиқий миллий кино санъатиға хос бўлган ажиб мазмун ва гўзал манзара бахш этди.

Ажойиб комедиограф Протазанов ўз ишида бой ҳажвий усуллардан фойдаланди. Унинг судхўр Жаъфар образига ёндашуви қизиқиш уйғотади. Биз экранда жуссаси кичкина, баджаҳл, букчайган, гилай одамчини кўрамай. У ўзининг бутун борлиғи билан томошабинда нафрат уйғотади. Қалбининг туб-тубиғача чиркин Жаъфар — нотўғри қурилган жамият меваси, зебу зийнат ҳамда ўз зикналичининг қулиға айланган киши тимсоли. Томошабиннинг бу одам билан илк танишуви қулгили вазиятда юз беради. Жаъфар ҳовузда чўкаётган пайтда унга ҳеч ким ёрдам беролмайди. Сабаби, одамлар унга «қўлингни бер» деб бақирадилар. Жаъфарға ўхшаган кимсаларға эса «бер» эмас, «ол» дейиш керак. Бундай одамлар ўзининг ҳаёти қил устида турган тақдирда ҳам ҳеч нарса бермайдиган, фақат «олиш-ға ўрганганлар тимсолидир. Унинг ўз халоскорига миннатдорчилик билдириши ҳам антиқа: «Мана сенға гўштсиз палов учун бир танға... Сенин ёрдамингсиз ҳам чиқиб олардим!»


«Насриддин Бухорода» фильми қаҳрамонлари орасида яна бир ўзига хос образ бор. Бу — донишманд мунажжим Хусайн Хуслия образи. Фильмдаги кўпгина қулгили вазиятлар айнан у билан боғлиқ. Чолнинг аёллар либосида бозорда соқчилардан қочиб юриши барчанин қулгисини кўзгайди. Айниқса, унинг амир саройида ўзининг сохта аксини учратиб қолиши жуда қизиқарли ишланган.


Картинанин муваффақиятли чиқшида актёр Лев Свердлиннинг ўрни катта бўлди. Шарқнинг аънавий қаҳрамони, зукко, шу билан бирға бироз соддадил Насриддин бу актёр талқинида ёқимтой, эпчил, ташаббускорлик каби фазилатларни касб этади. Актёрға хос бўлган чаққонлик, ажойиб мимика ва образға моҳирлик билан киришиб кета олиш қобилияти фильмға жонлилик бағишлайди. Свердлин ҳеч бир нарсани эътибордан четда қолдирмай, Насриддин ролиға киришиб борар экан, ўзбекларнинг қундалиқ турмушдаги хатти-ҳаракатларини кузатди, уларнинг мимикаси, имо-ишора, нуқт оҳангини эслаб қолишға интилди, қўшиқ айтиш, рақсға тушишни ўрганди.

Шу боис унинг хатти-ҳаракати экранда ниҳоятда ишонarli кўринади.



Қаҳрамонларнинг кўплиғиға қарамай, «Насриддин Бухорода» комедияси бир қаҳрамон фильмидир. Унга сюжетнинг барча иллари тортилади, барча вазиятларда бу образ доимо устунликка эға. Фильмда рус ва ўзбек миллий ҳажв санъати бирлашиб, юқори сифатли бирикма ҳосил қилади. Ўзининг сўнги фильмини ўзбек фольклори асосида яратган рус режиссёри Яков Протазанов муваффақиятининг асосий сабаби ҳам мана шунда.

Нигора АБДУЛЛАЕВА





Фотосуратлар муаллифи **ДМИТРИЙ КУРЬЯКОВ**



«ЛОКАТОРЛИ» ОВЧИ



Мўлжални яхши аниқлай олишга қодирлик ов қилиш учун жуда зарурдир. Кўршапалакларнинг ўз лакаторлари ёрдамида бўшлиқда ҳеч нарсага тегиб кетмасдан муаллақ учуши уларнинг ов қилишида ҳам жуда қўл келади. Тунги капалаклар жисмидан қайтиб келаётган товуш тўлқинларини илғаган ҳолда уларни кўршапалак жуда тез ва осонлик билан қўлга киритади. Шу қаторда тунги капалаклар ўз таъқибчиларини айёрон чалғитишлари ҳам мумкин.

Капалакнинг жисми ўрталарига жойлашган ультратовуш қабул қилувчи қулоқлари жуда ажойиб ва улар қарийб 30 метр узоқликда пайдо бўлган кўршапалакларнинг товушини сеза олади.

Бошқа ҳашоратлар бундай ҳимоя усулига эга бўлма-са-да ўзига хос қаршилиқ воситаларига эга. Уларнинг қўпол ва қаттиқ тиконсимон оёқлари кўршапалак томоғига кўндаланг туриб қолса борми, «йиртқич» ҳечам бунақа озукани овлашга қарор қилмайди.

Комил ЖОНТӨБ тайёрлади.

Igna, Olmaxon hamda Qo'lqop inoq yashashar ekanlar. Bir kuni ular uzoq o'rmon tomon safarga chiqibdilar. Yurib-yurib, bir joyga yetishsa, yo'l uchga ayrilganmish. Olmaxon hammasidan katta ekan:

— Hammamiz bittadan so'qmoqqa yo'l olamiz, kimki biror narsa topsa qolganlarni chaqirsin, — debdi. Igna yurib-yurib bir tarasha topibdi. U ovozinig boricha baqiribdi:

— Hoy, Qo'lqop, Olmaxon opa bilan bu yoqqa kelinglar! Men bir narsa topdim, — debdi.

Olmaxon bilan Qo'lqop Ignaning oldiga chopib kelishibdi.

— Qaranglar-a, men tarasha topib oldim, — debdi Igna.

Olmaxonning ham, Qo'lqopning ham jahli chiqibdi.

— Topildig'ingni qara-yu... Bunaqa tarashalar o'rmonda to'lib yotibdi!

Ular g'azablanib Ignani rosa urib, yana so'qmoq yo'llarga tarqab ketishibdi.

Igna bir qancha yo'l yurib o'rmon ko'lini ko'rib qolibdi. Hovuzdan ham kichkina ko'lcha bo'lsa-da, suvi lim-lim ekan.

U yana baqirib:

— Hoy, Qo'lqop, tezroq Olmaxon opa bilan yetib kelinglar! Men yana bir narsa topdim, — debdi.

Olmaxon bilan Qo'lqop Ignaning oldiga chopib kelishibdi.

— Xo'sh, nima topding?

Igna javob beribdi:

— Ko'lcha topdim, kattaligi hovuzdek, kichkina ko'lcha bo'lsa ham, ichi limmo-lim suv!

— Bunday ko'llar o'rmonda bitta-ikkita emas, mingdan ortiq!

Igna yana baloga qolibdi. Ular Ignaning ta'zirini berib:

— Yurib-yurib shunaqa narsa topasan. Bundan buyon maqtanma ham, kerilma ham, — deyishibdi.

Yana har tomonga tarqalib ketishibdi.

Igna o'zining o'tkir uchini eng katta bir kiyikning badaniga sanchibdi. Kiyik shu zahoti dumalab qolibdi.

Shu payt Igna ovozinig boricha:

— Hoy, Qo'lqop, tezroq Olmaxon opa bilan bu yoqqa kelinglar! Men so'qmoqdan narsa topdim, — deb baqiribdi.

Qo'lqop bilan Olmaxon unga:

— Qo'ysang-chi, bas qil! Endi biz senga ishonmaymiz, tarasha ko'rgani yugurib boradigan ahmoq yo'q! - deb javob berishibdi.

Igna ularni ikkinchi marta chaqiribdi:

— Hoy, Qo'lqop, tezroq Olmaxon opa bilan kelinglar! Men so'qmoqdan narsa topib oldim!

Qo'lqop bilan Olmaxon shunday javob beribdilar:

— Hazilning o'rni emas, qo'y hazilingni, singlim! Biz endi ko'l ko'rish uchun yugurib bormaymiz!

Ammo Igna bo'sh kelay, uchinchi bor chaqira boshlabdi:

— Hoy, Qo'lqop, tezroq Olmaxon opa bilan kelinglar! Men so'qmoqdan narsa topib oldim!

Endi ularning sabri chidamay Ignaning oldiga yugurishibdi.

— Qani ko'raylik-chi, nima topgan ekan?

— Men kiyik otdim! -debdi Igna.

Chindan ham ular o'lib yotgan kiyikni ko'rishibdi!

Qo'lqop bilan Olmaxon Ignaning bosh-qoshini silab, juda yaxshi narsa topgani uchun uni rosa maqtashibdi...

Ular kiyikning terisini shilib, go'shtini qaynatishlari uchun qozoncha kerak bo'libdi. Ular esa qozoncha yo'q ekan...

Shunda Igna Olmaxonga:

— Sening tirnoqlaring o'tkir, qarag'ayning po'stlog'idan shil, biz undan qozon yasab go'sht pishiramiz, — debdi.

Aytilgan so'z — otilgan o'q. Olmaxon po'stloq shilibdi. Igna uni yaxshilab tikibdi — qozon ham tayyor bo'libdi.

— Suvimiz yo'q-ku, uni qayoqdan olamiz, — debdi Qo'lqop.

— Men axir ko'l topgan edim-ku, kichkina, kattaligi hovuzchadek bo'lsa-da, suvi bor! — debdi Igna.

Qo'lqop shodlanib suv olib kelishga

yuguribdi.

— Axir bizda o'tin ham yo'q, — deb yig'labdi Olmaxon.

Igna debdi:

— Men tarasha topgandim.

Olmaxon va Qo'lqop xursand bo'libdi. Ular tarashaga yugurishibdi.

Uni yorib, bir talay o'tin qilib, kiyik go'shtini pishirishga olib kelishibdi.

Go'sht ham pishibdi, ular to'yguncha yeyishibdi, qolganini uyga olib kelishibdi. Endi qorinlari ancha vaqt to'q bo'ladi. Ammo ular Ignani koyiganliklarini, ehtimol, eslamasalar ham kerak!...

Malika DAVLATOVA
tayyorladi

Igna, Olmaxon va qo'lqop



Акмал кейинги пайтларда хотини Вилотни хар хил бўлмағур сўзлар билан ҳақоратлайдиган, бўлар-бўлмасга жанжал чиқарадиган, ҳар кимдан рашк қиладиган бўлиб қолди. Аёл эрининг бу қилиқларига тушунолмас, баъзан болаларини олиб ота-онасиникига кетиб қолмоқчи ҳам бўлар, лекин уларни қийнаб қўйишини ўйлаб чиқарди.

Аслида Вилот бундай ҳўрликларга лойиқ эмасди. Баъзан уйда уч-тўрт кунлаб қозон қайнамаган вақтда ҳам чиқар, эри уйда ўтириб қолган пайтлари қишлоқчилик — ўзи кетмонни кўтариб далага йўл оларди. Ана шунда бирор эркак билан гаплашиб қолганини эри эшиттудай бўлса, балага қоларди. Аиниқса, Ҳасан бирдаг уларникига иш билан келганда хотинининг қўрпача тўшаб ҳол-аҳвол сўрашиши Акмалнинг газабини янада кўзгатиб юборди. У кетгандан сўнг эр-хотин ўртасида даҳанаки жанг бўлиб ўтди. Вилот ҳам бўш келмади.

— Уйга одам келса-ю, дастурхон ёзиб, бир пиёла чай кўёлмасак? Ҳеч бўлмаса яхши гапириб, кўнгил олишининг нимаси ёмон экан?! Ахир бу сизнинг обрўингиз эмасми, — деди у ҳалиям ўзини босолмаётган эрига.

Акмал хотини билан орани биратўла очди қилиш учун деярли асоси бўлмаса ҳам, гумонларидан бутунлай воз кеча олмасди. Кундан-кунга шубҳалар устига янгиси туғилверарди. Етганда ҳам, турганда ҳам хотини хиёнаткор бўлиб чиқарди. Шунинг учун ҳам у хотинини қандай йўқотиш, йўқотганда ҳам ундан фойдаланиб қолиш йўллари ахтар бошлади ва ниҳоят, топди ҳам. Шу тунда у гоят қабиҳ бир фикрга келган ва энди буни амалга ошириш режасини туза бошлаганди.

Вилот ўша тунда ётиқдоши қандайдир ўйлар гирдобда эканини сезиб ётди, лекин Акмалнинг нима ваҳдан бунчалик қийналганини тушуниб етмади — оила, рўзгор таъвишларидан қийналганга йўйди.

Вилот эрта тонгдан сигир соғди, сут пиширди, чай қайнатди, нонушта тайёрлади. Бу орада Акмал ҳам ўрнидан турди. Нонуштадан сўнг даладан 1-2 қопдори топиб келай, экинларнинг ҳам авжи пастроқ деб чиқиб кетди. Анчадан бери эрининг уйда қимирламай ўтирганига сиқилиб юрган Вилот бундан хурсанд бўлди. Уни кузатиб қолар экан, хайрият, инсоф бергани рост бўлсин-да, деди пичирлаб.

Ёз эмасми, кунлар узун ва иссиқ, тун эса қисқа. Уша куни Акмал кўешнинг тафти анча пасайиб қолганда уйга кириб келди. Ток тагига қилинган сўрига ўтирди. Учоқ бошида уймаллашиб юрган хотинини эркалатиб «асал» деб қақирди. Вилот унинг кайфияти яхшилигини билди, чунки Акмал фақат хурсанд пайтларигина хотинини шундай қақирарди.

— Кечкурун иккаламиз Ҳасан биргаднинг шийпонига бориб ўғит олиб келамиз, мен гаплашиб қўйдим, — деди у.

Вилот бу гапдан ҳайрон қолди. Ахир тун кўни ўзи Ҳасан биргаддан рашк қилиб, қўйди-чиқди бўлиб кетишига сал қолганди-ку. Бугун эса ундан ўғит сўрабди. Ўзи умуман бу одамга тушуниб бўлмайти-да...

Акмал хотинини Ҳасан биргадга қўшиб, ундан пул ундирмоқчи ва шунинг баробарида биратўла хотинидан ҳам қутилиб олмоқчи эди. Шунинг учун уларни пойлайсан, дея укаси Аҳадга ҳам топшириқ берди. Кейин Ҳасаннинг даласига борди ва селитра сўради. Ҳасан биргад Акмалнинг илтимосига «йўқ» дея олмади.

Уша куни Ҳасан қоровулга бугун шийпон-

да қолмасангиз ҳам майли, биз шийпон атрофидаги пайкалларга сув қўямиз, деди.

Кечкурун Ҳасан биргад дала шийпонига дам олиб ўтирганда, мотоцикл келиб тўхтади. Акмалнинг хотини билан келганини кўриб, Ҳасан: «Келинни бекорга овера қилибсан, икки қоп селитрани ўзим ҳам қолаб берардим», — деди. Селитрани қопларга тўлдиришиб, мотоциклга ортишди. Акмал хотинига қараб, сен шу ерда тура тур, мен дорини ташлаб келаман, дея мотоциклни ўт олдириб, қишлоқ томон тушиб кетди.

Акмал кетгандан кейин Ҳасан биргадни шайтон васвасага солди. Шу ёшга етиб қиз-шувонларга ёмон кўз билан қарамаган, биронтасининг қўлидан ушламаган эркак ойдин тунда ёнида турган қадди-қомати келишган аёлни бағрига босмоқчи истади. Ахир эри хотинини бекорга унинг ёнида қолдириб кетмагандир... Балки селитра учун унга миннатдорчилик билдирмоқчидир... Шундай экан, Ҳасанда нима айб? У шундай ўйлар билан шийпон устунига сўяниб турган Вилотга яқин келиб: «Келин, қўрмаяпсанми», — деди. Атрофга қўрқатқиса қараб, Вилотни сўяниб турган устунига қўшиб қўчоқлади, узук-юлуқ ҳаяжонли сўзлар айтиб, уни бағрига босди. Вилот қаршилиқ кўрсата бошлади. Ана шунда Ҳасан биргад ўз қилмишидан уялиб, кечирим сўради.

Бу кез улардан сал нарида, шийпон атрофига экилган қалин гуллар орасида ётган Аҳаднинг қулоқлари динг эди. У барча эшитган-кўрганларини акасига етказиш учун уйга қараб шошилди. Бу орада Акмал ҳам етиб келди ва ҳеч нарса бўлмагандек мотоциклга хотинини миндириб уйга жўнади. Уйда Аҳад унга шийпонда бўлиб ўтган воқеани қўшиб-чатиб гапирди берди. Акмал укасининг гапларини диққат билан эшитиб, эртага Ҳасаннинг олдида шу гапларни такрорлайсан, деди ва шийпонда янгам билан Ҳасан ака бир тўшақда ётишди, деб айтишни ҳам унутмасликни буюрди. Сўнг ўзи эрта тонгдан Ҳасанни қидириб кетди.

Авзойи бузук Акмал Ҳасанни шийпондан топди ва кечаги воқеа юзасидан гап очди. Аввалига Ҳасан барини инкор қилди. Лекин гап қишлоқ оралаб кетса, ўзи, оиласи шаънига яхши

бўлмаслигини тушуниб ялингансимон, жон ука, секинроқ гапир, одамлар эшитса нима бўлади, деди.

— Нима бўлишини кеча ўйлаш керак эди. Аслида, хотинимга кўз тикиб юрганнингизни сезардим. Лекин бунчаликка боришингиз тушимга ҳам кирмаганим. Агар эл-юрт эшитса мен нима деган одам бўламан, — дея баттар баланддан келди.

— Ука, бир қишлоқнинг одамимиз, шу кунга қадар бировнинг хотинига ола қараган эмасман...

— Бекорни айтибсиз, уйда хотиним йиғлаб ўтирибди. Қолаверса, укам ҳаммасини кўрган. Уларнинг олдида мен нима деган одам бўламан?

— Энди, нима бўлса бўлди. Кел, шу ишни тинчгина ҳал қилайлик, ахир сен ҳам болачақаликсан, — деди у Акмалга қараб, — унча-мунча ёрдам десанг, қўлдан келганича берай.

ОРИЯТИ СОТИЛГАН ЭР

— Пулингиз орият ўрнини босармиди, — деди Акмал ўзини тарозига солиб.

Акмал айнан мана шуни кутиб турганди. Хасан биргад эса осонгина унинг тузоғига тушди. Энди арконни қанча ва қандай тортиш Акмалнинг қўлида.

— Қанча? — деб сўради у бироз ўйлашиб тургач.

— Ҳозирча манов ўнтани ол, — чўнтак қовлади Хасан. — Эртага яна бироз бўлар...

— Йўқ, ака, — энди дангалига кўчди Акмал. — Эртага 500 минг олиб келасиз. Бўлмаса хотинимнинг жойи кўча, қўлига талогини тутқазиб, элни йиғиб, нима бўлганлигини ҳаммага айтаман.

Хасан турган жойида донг қотиб қолди. Акмал эса ҳеч нарса бўлмагандек қишлоққа қайтди.

Уйга етиб келгач, аввал хотинига дўқ-пўписа қилди. Уни бузуқдан олиб, бузуққа солди. Вилоят барча тўхматларни рад қилди.

— Нима, ўз жигарим мени алдайди, — деди Акмал. — Ахир Аҳад биргад сени қандай қилиб бағрига тортганини кўрибди-ку. Эрим кетди, энди ҳеч ким йўқ, бемалол кўчоғига кирсама бўлади, деб ўйладингми, манжалак! — Тўсатдан тушган мушт Вилоятни ерга қулатди. Сўнг Акмалнинг оёқлари ишга тушди. У хотинини обдон тепкилагач, бориб сўрига ўтирди.

— Гап бундай, — деди у кўз ёшларини артаётган хотинига. — Ҳасаннинг ўзи менга тегинди, зўрламоқчи бўлди, дейсан. Бўлмаса, талогинг қўлингда...

Эр шу гапни айтгач, ташқарига чиқиб кетди. Вилоят қабиҳликча қўл урган пасткаш эрини қарғаб қолди.

Акмал эртасига яна Хасаннинг уйига йўл олди. У Хасаннинг бир кунда бунча пулни тополмаслигини биларди. Шундай бўлсада уни яна бироз чўчитиб қўйишни ўйларди. Хасан ҳам уни кутиб турганми, овоз берганидан дарров дарвоза олдида пайдо бўлди. У Акмални ҳовлига ҳам киритмай, узок қариндошдан минг тавалло билан топиб келган эллик мингни қўлига тутқазди.

— Жон ука, эркакча сўзим, бозоргача кут, мол-ҳолимни сотиб бўлса ҳам сен айтган пулни топиб бераман. Фақат гап кўчага чиқмасин, эрта-индин киз чиқарадиган одамман, шарманда бўламан, — деди кўзида ёш билан.

— Ака, бени аввалроқ ўйлаш керак эди. Энди менинг қўйимни пуч ёнғоққа тўлдирмай пулни тўғриланг. Бўлмаса, шармандангизни чиқараман. Ёки уйингизга кириб янгамга айттайми?

— Жон укам, бу ишингни қилма, мени пичоксиз сўйма, — энди Хасан Акмалга очикдан-очик ялина бошлади. — Нима десанг, барини қиламан, фақат вақт бер, тикилинч қилма. Жон ука, эл олдида эгилмаган бошимни эгма!

Уч-тўрт кун ичида шунча пул топишига Хасан биргаднинг кўзи етмасди. Бориб қудалари билан келишиб тўйни ҳам орқага сурди. Сўнг чиқмаган жондан умид, дея елди-югурди. Қариндош-уруғига, ошна-огайнисига борди, қизининг тўйига деб ушлаб турган молларини бозорга олиб чиқди. Бошимга иш тушиб қолди, устимдан чакув бўлибди, деб хотинини алдаб, тўйга атаб қўйилган беш-ўн сўмни ҳам Акмалнинг оғзини ёпиш учун олди. Буларнинг бари йиғилиб Акмал айтган пулнинг ярмига етди. Бозор куни эса Акмал яна эшик тегиб келди.

— Акмал, иним, бир қишлоқнинг одами-миз. Эртага вақти етгач, бир-биримизга тобуткашмиз. Ҳозирча шуни олиб тур. Илоҳини қилиб, қолганини ҳам топиб бераман, — деди у йиғлағудек бўлиб.

Акмал муросага қўнадиганлар хилидан эмасди. У аввал пулни олди, сўнг Хасанни нари суриб уйга қараб йўналди. Хасан Акмалнинг ниятини тушунди. Уни тўхтатмоқчи бўлди, лекин кучи етмади. Бунинг устига шу он хотини эшик олдида пайдо бўлди.

— Кел, ойнам, нима гап, тинчликми? Икки-уч сафардан бери келасан, лекин уйга кирмасдан кетасан. Ёки акангинг бошига иш тушганини эшитиб хабар олгани келдингми? — деди Холбуви соддалик билан Акмалга пешвоз чиқарган.

— Эрингизнинг бошига қанака иш тушарди? Бунингиз кўчада қўрнган аёлга илакишиб юргандан кейин шундай бўлади-да. Энди бу кишимни деб мен хотинимни уйига обориб қўяйми?

— Нима гап, айланай, тушунмадим? Эрим қайси хотинга илакишибди? Нега эримни деб сен хотинингни уйига обориб қўясан?

— Қўй, хотин, сен уйга кир, — деди Хасан бу хўрликларга, Акмалнинг қилаётган ишларига зўрға чидаб. — Биз Акмал билан ўзимиз гаплашиб оламиз.

— Гаплашсанглар, уйга киришлар. Келинлар, супага чиқа қолинглар — дея Холбуви кўрпача солишга ҳозирланди.

Лекин Акмалнинг кўзига Ҳозир пулдан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Хасан эса шу тобда Акмалнинг ошиқча сўз айтмаслигини истар, агар сир, тўғрироғи, тухмат очилиб қоладиган бўлса, ўзини хар нарса қилишга тайёр эди. У тухматнинг олдида ўзини оҳиз ҳис қилаётганди.

— Тўхтанг, яна, биласизми, эрингиз... хотиним билан...

— Акмал, — ваҳшиёна бақириб юборди Хасан, — бас қил деяман сенга. Ўша пулингни топиб бераман, фақат овозингни ўчир.

Бу ҳайқириқни эшитиб кизи Наргиза ҳам уйдан чиқиб келди. Холбуви эса эрини ҳеч қачон бундай ҳолатда кўрмагани учун ҳайрон қолди. Айниқса, Акмалнинг «Эрингиз хотиним билан» деган сўзлари уни қарахт қилиб қўйганди. Бунинг устига эрта-индин тўйи бўладиган қизининг олдида бу гапларни эшитиш жуда оғир эди. Шунинг учун у аввал қизини уйга киритиб юборди. Сўнг Акмалга юзланди:

— Нима гап ўзи? Эрим хотинингни нима қилиб қўйибди? Қўлидан ушлабдими ёки бетидан бир мўчи олибдими?

— Ундан ҳам баттари бўлган. Эрингиз...


Акмал гапини охирига етказма олмади. Шу вақт унинг кўзи устига бензин селиб, ўзини ёниб турган газ томонга отган Хасанга тушди. У қилаётган ишининг оқибатини энди тушуниб етди, лекин кеч эди. Ориятни юқори тутган бу одам тўхматларга чидолмай ўзини оловга топширишга аҳд қилганди.

...Хасан биргаднинг еттиси ўтгандан сўнг оксоқоллар Акмални қишлоқдан хайдаб чиқариш учун фотиҳага қўл очишди. Орадан яна уч кун ўтиб Акмал кўч-кўронини ортиб қишлоқдан чиқиб кетди. Вилоят эса болалари билан бўм-бўш уйда қолди. Унга биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўзган Холбуви бўлди. У ортиқча йиғлаб-сиктамади ҳам, қизининг тўйига атаб қилingan кўрпалардан бирини кўтариб Вилоятниқига қириб келди...

ОЛОВУДДИН



Суратни Муроджон УНГАРОВ ишлаган



Ярим тунда ногаҳон,
Шоирни «тўлоқ» тутди.
Жуда оғир эканми...
Тонггача уйгоқ тутди.

Ҳолсизланди ўйланиб,
Ҳамма ёғи тер бўлди.
«Кўз тегмасин, илойим,
Яхшигина шеър бўлди».

Умидланди, тикилди бола,
Магазинда конфетни кўриб.
Айтолмади, тортиниб сўнгера
Жўнаб кетди бармогин сўриб.

Бола кетар, қимтинади лаб,
Орқасига қарайди бот-бот.
Пештахтада қолди ҳувиллаб
Зарқоғозга ўралган фарёд.



Шеърлар муаллифи **Ўнарбой БОБОҲОНОВ**,
суратларни **Комил ЖОНТӨЕВ** ишлаган.




Талаба дўстига деди бўзариб:
— Бунча кўп ўқийсан кўзинг қизариб.
Кўлингда бир китоб, ҳар шому сахар
Олим бўлмақчисан, чоғи, баччагаар?!

Ажабланиб жавоб қайтарди дўсти:
— Лат ебди, ошнажон, мянгилинг
пўсти.

Бекор ўқмайман, биласан-қу-я...
Менга долларб, ахир, стипендия.

Кроссворд






ЎЙЛАР БЎЙИЧА: 1. Қаҳрамон аёл ҳақидаги афсона, қадимий халқлар орасида машҳур бўлган жангнома намунаси. 2. Халқаро кенглик муассасаси жойлашган маскан. 3. Соҳибқирон Амир Темури даврида қўлланилган пул бирлиги. 4. Пойтахт вилоятидаги шаҳар. 5. Юртимиздаги аҳоли энг зич жойлашган вилоят. 6. Ватанпарварлик мазмунидаги жангномалардан бири. 7. Автомобиль маркаси. 8. Ўзбек шифокори, кўз касалликлари мутахассиси. 9. Чорвачилик маҳсули. 10. Зеб-зийнат буюми. 11. Шақланаётган иқтисодиёт. 12. Мақом мулкининг султони, академик. 13. Тошкентнинг кўҳна дарвозаларидан бири. 14. Қадимий қурол. 15. Қадимий қарвон йўлларидаги манзил. 16. Самарқанд вилоятидаги туман. 17. Бастакор ва дирижёр, халқ артисти. 18. Бурхониддин ал-Марғинович асари. 19. Бухоро яқинидаги шаҳар. 20. Ўзбекистон халқ рессоми. 21. Ёшлар ҳаракати. 22. Машҳур ракс ғуруҳи. 23. Фарғона водийсидаги дарё. 24. Самарқанддаги XIV асрга мансуб меъморлик обидаси, мақбара. 25. Уймақор нарқош, устоз меъмор. 26. Туркистон тизма тоғларининг шимол-ғарбидаги кўриқхона. 27. Халқ ракс куйи. 28. Биринчи ўзбек кинооператори. 29. Металлургия шаҳри. 30. Қуруқ мева. 31. Нон тури. 32. Эстрада санъати намонаси, халқ артисти. 33. Мурод Муҳаммад Дўст романи. 34. Алишер Навоий дostonи қаҳрамони номи билан аталувчи шаҳар. 35. Илак кўрти ҳосили. 36. Ўзбек шоири ва драматурги. 37. Қаҳрамон саркарда, фашизмга қарши уруш қўмондонларидан бири. 38. Ўзбек халқ dostonи. 39. Мумтоз мусика асари. 40. Шарқ халқлари фалсафий меросига оид асарлар ёзиб қолдирган файласуф, академик.

Фозилжон ОРИПОВ тузди



*Musavir
Rahim Rizamuhamedov
ijodidan*





Guliston

Индекс: якка обуначилар учун — 820
ташқилотлар учун — 806
Баҳоси: чакана савдода келишилган нарҳда.

DILSHOD